



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



*Empowered lives.  
Resilient nations.*

# ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ



ТОШКЕНТ - 2018





**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



*Empowered lives.  
Resilient nations.*

# ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ



BAKTRIA PRESS  
ТОШКЕНТ – 2018

УЎК 347.933.5  
КБК 67.410  
М31

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ [Матн]: амалий қўлланма / А.Маткаримов. А.Муродов – Тошкент: , 2018. – 228 б.

Мамлакатимизда сўнги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлардан кўзланган асосий мақсад судни алоҳида ҳокимият сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, юридик ва жиқмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ушбу қўлланма аввало фуқаролик ишлари бўйича судларда низоларни ҳал этишда юзага келаётган айрим процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларига оид муаммоли масалаларнинг ечимини топишга, судьялар томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этишга, ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

Қўлланмадан судьялар, суд ходимлари, судьялик лавозимига номзодлар, прокурорлар, адвокатлар, ҳуқуқшунослар, талабалар ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари фойдаланишлари мумкин.

#### **НАШР УЧУН МАСЪУЛЛАР:**

**Атабек Маткаримов**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Акмал Муродов**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

#### **НАШР КООРДИНАТОРИ:**

**Собир ХОЛБАЕВ**

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик”  
қўшма лойиҳаси компонент менеждери

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати материалларидан фойдаланилди. Қўлланмада келтирилган мисоллардаги барча номлар, саналар ва далиллар ўзгартирилган. Ҳар қандай мос келишлар тасодифий ҳисобланади.

Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг [www.oliysud.uz](http://www.oliysud.uz) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг [www.uz.unpd.org](http://www.uz.unpd.org) интернет сайтида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,  
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.  
Телефон: (+998 71) 239-02-67

ISBN: 978-9943-5095-9-7

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2018.  
© АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), 2018  
© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2018  
© BAKTRIA PRESS, 2018

## МУНДАРИЖА

---

|  |     |
|--|-----|
| Кириш . . . . .  | 5   |
| <b>1-боб.</b> Битимлар билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . .  | 7   |
| <b>2-боб.</b> Болалар тарбияси ва таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . .   | 29  |
| <b>3-боб.</b> Ер низолари билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . .   | 37  |
| <b>4-боб.</b> Етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . .  | 59  |
| <b>5-боб.</b> Ижара, қарз, кредит шартномалари ҳамда ҳакамлик судларининг қарорини бекор қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . .                        | 79  |
| <b>6-боб.</b> Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракат (қарор)лар устидан берилган шикоятлар билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . . | 99  |
| <b>7-боб.</b> Мерос билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . .   | 113 |
| <b>8-боб.</b> Меҳнат низолари билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . .   | 123 |
| <b>9-боб.</b> Мулк ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . .  | 141 |
| <b>10-боб.</b> Никоҳ ва никоҳ давомида орттирилган мол-мулк билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . .   | 151 |
| <b>11-боб.</b> Ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бартараф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . .   | 169 |
| <b>12-боб.</b> Уй-жойлар, хизмат турар-жойлари билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . .  | 183 |
| <b>13-боб.</b> Пенсия таъминоти ва юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти . . . . .                                     | 217 |



## КИРИШ

---

Юртимизда суд ҳокимиятининг тўла мустақиллигини қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда қонунийликни таъминлашдаги роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги **“Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора тadbирлари тўғрисида”**ги Қарорида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация инстанциясида кўриб чиқиш амалиётларини ҳар чорақда эълон қилиш белгиланган.

Шу боис, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида кўрилган фуқаролик ишлари асосида тайёрланган мазкур қўлланмада фуқаролик ишлари бўйича судларнинг уй-жой, меҳнат, кредит, қарз, ер ҳамда мерос низолари билан боғлиқ ишларни кўришга оид суд амалиёти мисоллар асосида ёритиб берилди.

Қўлланмадан судлов жараёнларида учраётган муаммоли вазиятлар, ҳуқуқ нормаларини қўллашдаги турлича амалиётни бир хиллаштиришга оид тавсиялар ҳам ўрин олган.

Мазкур қўлланмадан фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьялари, суд ходимлари, прокурорлар, адвокатлар, юристлар ва ишда иштирок этувчи шахслар фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, у фуқаролик ишларини юритиш билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юр்தларининг ўқитувчилари ва талабалари учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир.



1-Б О Б

**БИТИМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ  
ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ**





## **1.1. Суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисасининг рўй бермаганлиги суғурта қилувчини жавобгарликдан озод қилишга асос бўлади.**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси АТ “Турон” банк Бойсун филиали манфаатида жавобгарлар Исмаил Шарипов ва “Ўзагросуғурта” ДАСК Термиз туман бўлимига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ва жавобгарлардан солидар тартибда 7 310 156 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 11 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, АТ “Турон” банк Бойсун филиали билан Исмаил Шарипов ўртасида 2015 йил 15 апрелда тузилган кредит шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган.

Шунингдек, АТ “Турон” банк Бойсун филиали фойдасига Исмаил Шарипов ва “Ўзагросуғурта” ДАСК Термиз туман бўлиmidан солидар тартибда 6 065 800 сўмлик кредит қарзи ундирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 31 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорининг кредит қарздорлигини солидар тартибда “Ўзагросуғурта” ДАСК Термиз туман бўлиmidан ундиришга оид қисми бекор қилиниб, шу қисми бўйича даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, 2015 йил 15 апрелда АТ “Турон” банк Бойсун филиали ва Исмаил Шарипов ўртасида қора мол харид қилиш учун 3 йил муддатга 7 000 000 сўм кредит ажратиш бўйича шартнома тузилган.

Исмаил Шарипов банкка кредит таъминоти сифатида суғурта полисини тақдим қилган.

Биринчи инстанция суди банк томонидан кредит шартномасига асосан жавобгар Исмаил Шариповга 7 000 000 сўм ажратилган бўлсада, жавобгар шартнома шартларини бузиб келган, деган важ билан “Ўзагросуғурта” ДАСК Термиз бўлиmidан ҳам солидар тартибда қарздорликни ундириш ҳақида хулосага келган.



“Ўзагросуғурта” ДАСК Термиз туман бўлими билан Исмаил Шарипов ўртасида 2015 йил 15 апрелда тузилган суғурта шартномасига кўра суғурталовчи, суғурта қилдирувчининг суғурта аризасида кўрсатилган тошқин, бўрон, довул, жала, сел келиши, кўчки, қалин қор ёғиши, тупроқнинг чўкиши, ўпирилиши, ер ости сувларининг таъсири, ёнғин, ўғирлик, учинчи шахсларнинг қасддан қилган ҳаракати туфайли нобуд бўлиши натижасида кўрадиган зарар суғурта қилинган. Ушбу шартнома асосида берилган суғурта полисида ҳам юқоридаги ҳолатлар содир этилганда суғурта жавобгарлиги вужудга келиши кўрсатилганлигини суд эътиборга олмаган.

## **1.2. Даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди ва даъвогар томонидан узрли сабабсиз умумий уч йиллик муддатнинг ўтказиб юборилиши даъвони рад қилишга асос бўлади.**

Даврон Мусаев жавобгарлар Агросаноат биржаси Самарқанд вилоят филиали, “Саида даласи” ва “Тонг савдо” МЧЖ нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Тонг савдо” МЧЖ ва “Саида даласи” фермер хўжалиги ўртасида 2008 йил 16 сентябрда тузилган биржа шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Кассация инстанцияси судининг 2017 йил 27 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 26 майдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 6 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарор чиқарилган.

Аниқланишича, 2004 йил 24 сентябрда Агросаноат биржаси Самарқанд вилоят филиали томонидан ўтказилган биржа савдоси



натижаларига кўра “Тонг савдо” МЧЖ томонидан умумий ер майдони 225,5 кв.метр бўлган савдо дўкони “Саида даласи” фермер хўжалигига сотилган ва мазкур савдо дўкони ҳамда унга тегишли ер майдони 2008 йилда фермер хўжалигининг мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Даврон Мусаев жавобгарга тегишли савдо дўкони ёнида жойлашган 9,5 кв.метр ер майдони ўзига тегишли эканлигини билдириб, савдо дўкони юзасидан тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантиришда “Тонг” МЧЖ савдо дўконини фермер хўжалигига сотиш пайтида низоли ер майдони унга тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслигига асосланган.

Фуқаролик ишини кўриш жараёнида “Саида даласи” фермер хўжалиги вакили судга ариза билан мурожаат қилиб, даъвогарнинг даъво талабига нисбатан даъво муддатини қўллаб, даъвони рад қилишни сўраган.

ФКнинг 149-моддасига кўра даъво муддати - шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.

Мазкур Кодекснинг 150-моддасида белгиланишича умумий даъво муддати – уч йил. Кодекснинг 153-моддасига кўра эса даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

ФКнинг 154-моддасида ёзилишича даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди.

Агар даъвогар низоли ер майдонини ўзига тегишли деб ҳисобласа, жавобгар “Саида даласи” фермер хўжалиги низоли савдо дўкони ҳамда унга тегишли ер майдонини 2008 йилда давлат рўйхатидан ўтказганидан кейин, ўзининг ер майдонини чегарасини белгилаш учун тегишли органларга мурожаат қилганида унга тегишли ер



майдонининг бир қисми жавобгарга ўтиб кетганлиги, яъни ҳуқуқлари бузилганлигини билган бўлиши лозим бўлсада, судлар мазкур ҳолатларни инобатга олмасдан, унинг даъво талабига нисбатан даъво муддатини қўллагандан, даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Бундан ташқари, даъвогар низоли ер майдонини ўзига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим қилмаган.

### **1.3. Агар келишув битими қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, суд келишув битимини тасдиқлашни рад этади.**

Ботир Қурбонов жавобгар Янгибозор туман МТП ОАЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ташкилот ундан жами 15 226 759 сўм иш ҳақи бўйича қарздор эканлигини, шу сабабли жамият бошқаруви раиси 1997 йилда қурилган, умумий ер майдони 3000 кв.метрдан иборат бинони ҳамда бир дона сув минорасини иш ҳақи ҳисобига унга топширишга рози эканлигини билдириб, иш ҳақи юзасидан тузилган келишув битимини тасдиқлаб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 9 декабрдаги ажрими билан даъво қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 4 июлдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Янгибозор туман МТП ОАЖ Кузатов кенгашининг 2015 йил 22 августдаги баённомаси билан 1997 йилда қурилган, умумий ер майдони 3000 кв.метр бўлган жамият биноси ҳамда бир дона сув минораси Ботир Қурбоновга топширилишига розилик берилган.



Сирдарё вилоят “Агросервис” МТП МЧЖнинг маълумотномасига кўра жамият устав фондида давлатнинг улуши 82,14 фоизни ташкил қилган.

ФПКнинг 169-моддасига кўра, агар келишув битимининг шартлари қонун ҳужжатларига зид бўлса, учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, суд келишув битимини тасдиқлашни рад этади.

Бироқ биринчи инстанция суди томонидан келишув битимини тасдиқлашда жамият устав фондида давлатнинг улуши 82,14 фоиз бўлганлиги боис давлат мулкани тассаруф қилиш бўйича тегишли ваколатли органнинг келишув битимини тузишга розилиги олинмаганлиги эътибордан четда қолган.

#### **1.4. Битимнинг тўла ёки қисман бажарилганлиги ҳақидаги ёзма далиллар мавжуд бўлгандагина у ҳақиқий деб топилиши мукин.**

---

Мурод Чулиев жавобгар Дилдора Эгамовага нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарга тегишли дорихона ва сомсахона биноларини ҳамда ушбу бинолар оралиғидаги 1,5 кв.метр ер участкасини ҳам сотиб олганлигини, лекин жавобгар ушбу ер участкасини сотганлигини тан олмасдан келаётганлигини билдириб, дорихона ва сомсахона бинолари оралиғидаги ер участкаси бўйича тузилган оғзаки олди-сотди битимини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2015 йил 14 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2015 йил 18 августдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 24 майдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, 2014 йил 14 февралда Дилдора Эгамова ўзига тегишли дорихонани Мурод Чулиевга ҳадя қилган.



2014 йил 4 ноябрда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига кўра ўзига тегишли сомсахона биносини ҳам Мурод Чулиевга сотган.

Биринчи инстанция суди сомсахона ҳамда дорихона бинолари оралиғидаги 1,5 кв.метр ер майдони ҳам сотилганлигини жавобгар судда тан олганлигини асос қилиб, даъвони қаноатлантирган.

Ваҳоланки, юқоридаги олди-сотди шартномаларида дорихона ва сомсахона бинолари оралиғидаги ер участкаси сотилганлиги қайд этилмаган.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик кодексини тадбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 16-сонли қарорининг 5-бандига кўра битимнинг тўла ёки қисман бажарилиши ёзма далиллар мавжуд бўлганда эътиборга олиниб, ҳақиқий деб топилиши мумкин.

Фуқаролик ишидаги Д.Эгамова томонидан ёзилган аризаларда ҳам низоли ер участкаси даъвогар М.Чулиевга сотилмаганлиги, у билан ҳеч қандай оғзаки келишув тузилмаганлиги кўрсатилган бўлсада, судлар даъвони қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

## **1.5. Автомашина олди-сотди қилинганлиги ҳақидаги оддий ёзма битимни ҳақиқий деб топиб, автомашинани бир шахс эгалигидан икинчи шахс эгалигига олиб бериб бўлмайди.**

Умирбек Матмурадов жавобгар Лочин Бердиевга нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, ундан “Isuzu” русумли автомашинасини 71000000 сўмга сотиб олишга келишганлигини, пулнинг бир қисмини ўша вақтда бериб, қолган қисмини тўлаб бўлганидан кейин жавобгар автомашинани расмийлаштириб беришни зиммасига олганлигини, бироқ жавобгар автомашинани расмийлаштириб беришдан бош торганлигини билдириб, автомашинанинг олди-сотди битимини ҳақиқий деб топишни сўраган.



Апелляция инстанциясининг 2015 йил 15 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2015 йил 30 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасидаги автомашинанинг олди-сотди битими ҳақиқий деб топилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 16 майдаги ажрими билан қуйидаги асосларга суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, иш ҳужжатларида мавжуд бўлган тилхатга кўра Умирбек Матмурадов ўзига тегишли бўлган "Isuzu" русумли автомашинани Лочин Бердиевга 71 000 000 сўмга сотганлиги, шундан 39 000 000 сўмини олганлиги, қолган 32 000 000 сўмини тўлаб бўлганидан кейин ушбу автомашинани расмийлаштириб бериши қайд қилинган.

Лочин Бердиевнинг турмуш ўртоғи автомашинани расмийлаштириб беришга розилигини билдирган ва 2014 йил декабрь ойида автомашина даъвогарга топширилган.

ФК 112-моддасининг 2-қисмига кўра, агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса – битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Биринчи инстанция суди олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантиришда ўз хулосасини мазкур қонун талабига асослаган.

Бироқ қуйи судлар автотототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси амалдаги ФК 386-моддасининг 4-қисмига кўра нотариал тартибда тасдиқланган бўлишидан ташқари у давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳам шартлигига эътиборни қаратмаган.



## **1.6. Тараф шартномани бекор қилиш ҳақидаги таклифга белгиланган муддатда жавоб олмаганидан кейингина, шартномани бекор қилиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади.**

Нурали Нуржанов жавобгар Ойбек Қодировга нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, ўзига тегишли бўлган турар жойни 2014 йил 9 июнда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан жавобгарга сотганлигини, шартноманинг 4-бандига асосан жавобгардан 45 000 000 сўмни шартномани имзолашдан олдин олганлигини, қолган 30 000 000 сўмини эса жавобгар икки йил ичида тўлаш мажбуриятини олганлигини, лекин жавобгар турли баҳоналар билан келишилган пулнинг қолган қисмини тўлашдан бош тортиб келаётганлигини баён қилиб, олди-сотди шартномасини бекор қилишни сўраган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 15 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 17 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 13 ноябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик иши иш юритишдан тугатилган.

Аниқланишича, Гулистон шаҳар, “Баҳор” ҚФЙ, 2-бўлимида жойлашган рақамсиз уй даъвогар Нурали Нуржановга тегишли бўлган.

2014 йил 9 июнда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан Нурали Нуржанов низоли турар жойни Ойбек Қодировга сотган.

Шартноманинг 4-бандига асосан турар жой тарафлар ўртасида 75 000 000 сўмга баҳоланиб, шартномани имзолашдан олдин даъвогар ушбу пулдан 45 000 000 сўмини жавобгардан олган ва қолган 30 000 000 сўмини эса жавобгар икки йил ичида тўлаш мажбуриятини олган.

Келишилган муддатда шартнома шarti жавобгар томонидан бажарилмаганлиги муносабати билан даъвогар шартномани бекор қилиш талаби билан судга мурожаат қилган.





ФК 384-моддасининг 2-қисмига асосан бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Судлар Нурали Нуржанов низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилмаганлигига, яъни олди-сотди шартномаси талаблари бузилганлиги учун уни бекор қилиш нияти мавжудлиги хусусида таклиф бермаганлигига эътибор қаратмаган.

### **1.7. Шартнома иштирокчиси ҳамда шартнома объектининг мулкдори бўлмаган шахс олди-сотди шартномаси юзасидан низолашишга ҳақли эмас.**

---

Лола Ҳайдарова судга даъво ариза билан мурожаат қилиб унда туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2013 йил 12 ноябрдаги 624-сонли реестр ёзувини ҳамда “Кўчмас мулк савдо хизмати” МЧЖ томонидан 2014 йил 18 апрелда ўтказилган савдо натижаси бўйича тузилган 157-сонли савдо баённомасини ва 157-сонли кўчмас мулкни олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни, Урганч тумани Қаромон қишлоғи ҳудудида жойлашган “Фермахона бино ва иншоотлари”ни ўзи ва Рустам Саломов ўртасида бўлишни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 24 августдаги ажрими билан ўзгартиришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 22 майдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 11 декабрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.



Аниқланишича, даъвогар Лола Ҳайдарова ва жавобгар Рустам Саломов 2002 йил 25 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар.

“Буюк келажак” МЧЖ таъсисчи Назокат Мейлиева томонидан ташкил қилиниб, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2010 йил 17 февралда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Низоли Урганч тумани Қоромон қишлоғи ҳудудида жойлашган фермахона биноси “Буюк келажак” МЧЖга тегишли мулк бўлган.

“Буюк келажак” МЧЖ таъсисчисининг 2012 йил 25 январдаги 1-сонли қарори билан Н.Мейлиева жамият таъсисчилигидан чиқарилган ва жамият таъсисчилиги ҳамда жамиятга тегишли барча товар-моддий бойликлар, шу жумладан низоли фермахона биноси фуқаро Хушнуд Маткаримовга топширилган.

“Буюк келажак” МЧЖ таъсисчисининг 2012 йил 17 июлдаги 2-сонли қарори билан Хушнуд Маткаримов жамият таъсисчилигидан чиқарилган ва жамият таъсисчилиги ҳамда жамиятга тегишли барча товар-моддий бойликлар, шу жумладан низоли фермахона биноси фуқаро Рустам Саломовга топширилган.

“Кўчмас мулк савдо хизмати” МЧЖ Хоразм вилоят филиалида 2014 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилган олди-сотди шартномасига асосан “Буюк келажак” МЧЖ ўзига тегишли бўлган низоли фермахона бино ва иншоотларини “Севара Зарнигор” МЧЖга сотган.

Даъвогар Лола Ҳайдарова низоли фермахона бино ва иншоотларини ўзи ва Рустам Саломовнинг биргаликдаги турмуши давомида орттирилган мулк эканлигини асос қилиб, юқорида қайд қилинган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Оила кодекси 23-моддасининг 1-қисмига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Судлар мазкур қонун талабидан келиб чиқиб низоли фермахона бино ва иншоотларини Лола Ҳайдарова ва Рустам Саломовларнинг умумий мулки деб топган бўлсада, бино қайси ҳуқуқий ҳужжатга



асосан уларнинг биргаликдаги турмуши давомида олинганлиги аниқлик киритмаган.

Ваҳоланки, юқорида қайд қилинган “Буюк келажак” МЧЖнинг қарорлари ҳамда топшириш ва қабул қилиш далолатномаларида низоли фермахона бино ва иншоотлари “Буюк келажак” МЧЖга тегишли эканлиги маълум қилинган.

Мазкур ҳолатни судда сўралган жавобгарлар Хушнуд Маткаримов ва Рустам Саломов ҳам тасдиқлаб, низоли фермахона бино ва иншоотлари “Буюк келажак” МЧЖнинг балансида бўлиб келганлигини маълум қилганлар.

ФК 84-моддасининг 1-қисмига кўра кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

“Буюк келажак” МЧЖ таъсисчисининг 2012 йил 17 июлдаги 2-сонли қарори билан Хушнуд Маткаримов жамият таъсисчилигидан чиқарилиб, жамият таъсисчилиги ҳамда жамиятга тегишли барча товар-моддий бойликлар, шу жумладан низоли фермахона бино-сини Рустам Саломовга топширилганлиги ҳолати бу бинони Рустам Саломовнинг мулки ёки даъвогар Лола Ҳайдарова ва Рустам Саломовнинг умумий мулки деб топишга асос бўла олмайди. Чунки низоли бино Рустам Саломовнинг номига давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар” тўғрисидаги Қонунининг 8-моддасига кўра жамият иштирокчилари жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини ушбу Қонунда ва жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш, жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқиш, жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олишга ҳақлидирлар.



Фуқаролик ишига илова қилинган туман Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказининг 2017 йил 11 августдаги 1493-сонли маълумотномасида “Буюк келажак” МЧЖ 2012 йил 20 июлда давлат рўйхатидан ўтганлиги, таъсисчиси Рустам Саломов бўлганлиги, жамият 2013 йил 12 ноябрда 624-сонли реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтиб, таъсисчи Мавлон Казаковага ўзгарганлиги, жамият 2017 йил 14 август ҳолатида қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнида эмаслиги ва давлат реестридан чиқарилмаганлиги кўрсатилган.

Суд эса даъвогар Лола Ҳайдарова “Буюк келажак” МЧЖнинг таъсисчиси эмаслигига эътибор қаратмасдан, Лола Ҳайдарованинг даъвоси бўйича жамият фаолияти билан боғлиқ “Буюк келажак” МЧЖ уставига ўзгартириш киритиш ҳақида 2013 йил 12 ноябрдаги 624-сонли реестр ёзувини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 17-бандига кўра олди-сотди шартномаси унинг иштирокчилари учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириши боис мазкур шартноманинг ҳақиқийлигини қонунда белгиланган асослар бўйича фақатгина шартнома иштирокчилари ҳамда шартнома объектининг мулкдорлари низолашишга ҳақлидирлар.

Юқорида қайд қилинганидек, низоли фермахона бино ва иншоотлари “Буюк келажак” МЧЖга тегишли бўлиб, даъвогар Лола Ҳайдарова ушбу бинонинг мулкдори ҳамда низоли олди-сотди шартномаларининг иштирокчиси ҳисобланмайди.

Бундай ҳолларда у “Буюк келажак” МЧЖ ҳамда “Севара Зарнигор” МЧЖ ўртасида тузилган 2014 йил 18 апрелдаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талабини илгари суриш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Судлар ушбу ҳолатларни эътибордан четда қолдириб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган.



## **1.8. Айрим турдаги товарларни олиш-сотишнинг ўзига хос жиҳатлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ушбу шартларга риоя қилинмаган ҳолда тузилган битимнинг-жавобгар томонидан тан олиниши бу битимни ҳақиқий деб топишга асос бўла олмайди.**

Нодир Рахмонов жавобгар Эркин Сафаров ва Малика Сафароваларга нисбатан даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, 2015 йил 11 июнда жавобгарлар билан ўзаро келишган ҳолда 2015 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 Q 850 JA бўлган, "Lada Largus RSOY5L" русумли енгил автомашинани 50 000 000 сўмга тилхат асосида сотиб олганлигини, мазкур автомашинани ишончнома асосида бошқариб келганлигини, кейинчалик автомашинани нотариал тартибда олди-сотди қилишга жавобгар Малика Сафарова норозилик билдирганлигини баён қилиб, ўзи билан жавобгарлар ўртасида тузилган автомашинани олди-сотди битимини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 20 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 1 майдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йилнинг 6 ноябридаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, жавобгар Эркин Сафаров билан Малика Сафаровалар 2013 йил 18 июлда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қуришган. Уларнинг никоҳи Қарши тумани ФХДЁ бўлими томонидан 773-сонли далолатнома ёзуви билан қайд қилинган.

2015 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 Q 850 JA бўлган, "Lada Largus RSOY5L" русумли енгил автомашинани Қашқадарё вилояти ИИБ ЙХХБ РИБ томонидан 2015 йил 7 апрелда берилган гувоҳномага асосан жавобгар Эркин Сафаровнинг номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ушбу автомашинани Россия Федерацияси ҳудудидан харид қилинган ҳолда олиб келинган бўлиб, 2015 йил 12 мартда божхона



органи томонидан берилган автотранспорт воситасини олиб кириш гувоҳномасида эгалик ҳуқуқи ўзгарганда божхона органининг рухсати шарт эмаслиги қайд қилинган.

2015 йил 11 июнь куни жавобгарлар томонидан ёзилган тилхат асосида ушбу автомашина даъвогар Нодир Рахмоновга 50000000 сўмга сотилган. Бироқ кейинчалик ўртада низо келиб чиққанлиги сабабли жавобгар Малика Сафарова автомашинанинг нотариал расмийлаштирилишига розилик бермаганлиги муносабати билан даъвогар судга автомашина олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришда ушбу автомашина ўзаро эр-хотин бўлган Эркин Сафарова ва Малика Сафароваларнинг умумий розилиги асосида сотилганлигига, олди-сотди битими ёзма тилхат асосида расмийлаштирилганлигига, эр-хотин ўртасида кейинчалик низо келиб чиққанлиги сабабли Малика Сафарова шартномани нотариал расмийлаштиришга розилик беришдан бош тортганлигига ва жавобгар Эркин Сафаров томонидан даъво ариза тан олинганлигига асосланган.

ФКнинг 386-моддасига асосан олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси) ни тўлаш мажбуриятини олади. Ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда назарда тутилган ҳолларда айрим турдаги товарларни олиш-сотишнинг ўзига хос жиҳатлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сонли қарори билан тасдиқланган “Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандига кўра автоматотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқланиши керак.

Бироқ биринчи инстанция суди мазкур фуқаролик ишини кўришда қайд қилинган моддий ҳуқуқ нормаларини бузиб, автотранспорт



воситаларининг олди-сотди шартномалари нотариал тартибда “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган қатъий ҳисобот бериладиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилишини, шу сабабли жавобгар Эркин Сафаровнинг даъвони тан олиши қонун талабига ва жавобгар Малика Сафарованинг қонуний манфаатларига зид эканлигини эътибордан четда қолдириб, даъвони қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Қолаверса, иш ҳужжатларида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг бошқа фуқаролик иши бўйича чиқарилган 2017 йил 20 февралдаги ҳал қилув қарори нусхаси мавжуд бўлиб, унга кўра даъвогар Малика Сафарованинг жавобгар Эркин Сафаровга нисбатан мол-мулкни бўлиш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилиб, давлат рақами 70 А 520 LA бўлган, Lada Largus RSOY5L” русумли автомашинани натура шаклида даъвогар Малика Сафарованинг эгаллигида қолдирилган. Малика Сафарова ўзининг шикоятларида ушбу автомашина айнан битимни ҳақиқий деб топиш ҳақидаги иш бўйича низоли бўлган автомашина эканлигини баён қилиб келган. Бироқ қайд қилинган ҳолатларга судлар эътибор қаратмаган.

### **1.9. Шартнома иштирокчиси ҳамда шартнома объектининг мулкдори бўлмаган шахснинг даъвоси бўйича олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.**

Ибодат Рахмонова судга жавобгарлар Зокир Рахмонов, Шахрисабз туман “Шахристон” ишлаб чиқариш таъминот фирмаси, Нодир Рустамов ва Ўзбекистон Банклари ассоциацияси Универсал биржа маркази Қашқадарё филиалига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб унда 2005 йил 28 декабрдаги 1-сонли ҳамда 2006 йил 20 апрелдаги олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Кассация инстанциясининг 2016 йил 29 апрелдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг



2015 йил 25 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлан-тирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йилнинг 30 октябридаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар Ибодат Рахмонова ва жавобгар Зокир Рахмонов 1994 йил 29 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар.

Жавобгар Зокир Рахмонов “Ал-Барака” ишлаб чиқариш савдо фирмасининг раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келган.

2005 йил 28 декабрда “Ал-Барака” ишлаб чиқариш савдо фирмаси ва “Шахристон” ишлаб чиқариш таъминот фирмаси ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра “Ал-Барака” ишлаб чиқариш савдо фирмаси ўзига тегишли бўлган “Мўминобод” қишлоғида жойлашган савдо дўконини “Шахристон” ишлаб чиқариш таъминот фирмасига сотган. Мазкур олди-сотди шартномаси тегишли давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази Қашқадарё филиалида 2006 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилган олди-сотди шартномасига асосан “Ал-Барака” ишлаб чиқариш савдо фирмаси ўзига тегишли бўлган “Шакартори” ҚФЙ ҳудудида жойлашган савдо дўконини “Урумчи” фирмасига сотган.

Даъвогар Ибодат Рахмонова низоли савдо дўкони у ва Зокир Рахмоновнинг биргаликдаги турмуши давомида орттирилган мулк эканлигини асос қилиб, юқорида қайд қилинган олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 23-моддаси 1-қисмига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Судлар мазкур қонун талабидан келиб чиқиб низоли савдо дўконини Ибодат Рахмонова ва Зокир Рахмоновнинг умумий мулки





деб топган бўлсада, савдо дўкони қайси ҳуқуқий ҳужжатга асосан уларнинг биргаликдаги турмуши давомида олинганлигига аниқлик киритмаган.

Ваҳоланки, фуқаролик ишига илова қилинган 2003 йил 18 февралдаги “Ал-Барака” ишлаб чиқариш савдо фирмаси ва “Савдогар” АТ Ўзбекистон банки Шаҳрисабз бўлими ўртасида тузилган ипотека шартномасида низоли савдо дўкони 2011 йил 15 мартдаги келишув шартномаси ҳамда Шаҳрисабз шаҳар давлат кадастр хизмати бошқармаси томонидан берилган 2003 йил 15 февралдаги 15-сонли маълумотномага асосан “Ал-Барака” ишлаб чиқариш савдо фирмасига тегишли бўлган.

Судда даъвогар вакили Н.Исломбердиева низоли савдо дўкони Ибодат Рахмонова ва Зокир Рахмоновнинг биргаликдаги никоҳлари давомида олинганлигини, кейин бу савдо дўкони Зокир Рахмонов раҳбарлик қилган “Ал-Барака” ишлаб чиқариш савдо фирмасининг устав фонди (баланси)га киритилганлигини ва бино ушбу фирма томонидан сотиб юборилганлигини маълум қилган.

Ўзбекистон Республикаси “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига кўра хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди.

Пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди.

Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Даъвогарнинг низоли савдо дўкони “Ал-Барака” ишлаб чиқариш савдо фирмаси балансида бўлсада, бу дўконга нисбатан унинг ҳам улуши бўлганлиги, олди-сотди шартномасини расмийлаштириш пайтида унинг розилиги олиниши лозим бўлганлиги ҳақидаги вазлари асоссиз ҳисобланади.

Чунки юқорида қайд қилинган қонун талабига асосан низоли савдо дўкони “Ал-Барака” ишлаб чиқариш савдо фирмасининг балансига ўтказилганидан сўнг шу фирманинг мулкига айланган ҳисобланади ва уни эр-хотиннинг умумий мулки сифатида баҳолаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 17-бандига кўра олди-сотди шартномаси унинг иштирокчилари учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириши боис мазкур шартноманинг ҳақиқийлигини қонунда белгиланган асослар бўйича фақатгина шартнома иштирокчилари ҳамда шартнома объектининг мулкдорлари низолашишга ҳақлидирлар.

Судлар жавобгар Зокир Рахмонов ва “Шахристон” ишлаб чиқариш фирмаси ўртасида тузилган 2005 йил 28 декабрдаги 1-сонли ҳамда Зокир Рахмонов ва “Урумчи” фирмаси ўртасида тузилган 2006 йил 20 апрелдаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида хулосага келган бўлсада, олди-сотди шартномалари “Ал-Барака” ишлаб чиқариш савдо фирмаси ва “Шахристон” ишлаб чиқариш фирмаси ҳамда “Ал-Барака” ишлаб чиқариш савдо фирмаси ва “Урумчи” фирмаси ўртасида тузилганлигига эътибор қаратмаган.

Судлар ушбу ҳолатларни эътиборидан четда қолдириб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида ассосиз хулосага келган.

## **1.10. Агар битим бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилган бўлса (кўзбўямачилик битими), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланилади.**

Толиб Муродов жавобгарлар Самарқанд шаҳар 5-сонли давлат нотариал идораси ва “Самарқанд Бахорой Мебель” хусусий корхонасига нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда



Ўзига тегишли Самарқанд шаҳар, Р.Соатов кўчасида жойлашган савдо дўконининг бир қисмини “Самарқанд Бахорой Мебель” хусусий корхонасига 2012 йил 29 августда ҳадя қилганлиги, аслида бинони жавобгарга сотганлиги, бу ҳақда жавобгар тилхат ёзиб берганлиги, бироқ жавобгар сотилган бинонинг пулини бермасдан келганлиги, ҳадя шартномаси аслида олди-сотди шартномасини ниқоблаш мақсадида тузилганлигини англатишини, шу сабабли низоли савдо дўкони бўйича нотариал тасдиқланган ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 11 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2016 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 26 сентябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра қуйи инстанция судларининг қарорлари ўзгартирилган.

Аниқланишича, низоли Самарқанд шаҳар, Р.Соатов кўчасида жойлашган савдо дўкони биноси даъвогар Т.Муродовга шаҳар ҳокимининг 2003 йил 14 майдаги 915-сонли қарорига асосан тегишли бўлган.

Давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган 2012 йил 29 августдаги ҳадя шартномасига асосан Т.Муродов ўзига тегишли Р.Соатов кўчасида жойлашган савдо дўконининг бир қисмини “Самарқанд Бахорой Мебель” хусусий корхонасига ҳадя қилган.

Т.Муродов ўзининг даъво аризаси ва суддаги тушунтиришларида низоли савдо дўконини аслида сотганлигини, жавобгар унга савдо дўкони пулини беришига ишонтирганлиги сабабли ҳадя шартномаси расмийлаштирилганлигини маълум қилиб, ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

2012 йил 29 августда “Самарқанд Бахорой Мебель” хусусий корхонаси раҳбари Ботир Жабборов ҳамда бош ҳисобчиси Достон Саидмуминовалар томонидан имзоланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган тилхатда низоли савдо дўкони Т.Муродовдан 50 000 000 сўмга сотиб олинганлиги, пули 2012 йил 15 октябрга қадар кредит суммасидан тўлаб берилиши кўрсатилган.

Судлар даъвони қаноатлантиришда низоли савдо дўкони бўйича



.....

тарафлар ўртасида аслида олди-сотди бўйича келишувга эришилганлигига, Т.Муродов дўкон биноси учун пулини олмаганлигига, ҳадя шартномаси бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилганлигига асосланган.

ФКнинг 502-моддасига кўра ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ёки бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкый мажбуриятдан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини олади.

Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ёки бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганида шартнома ҳадя деб тан олинмайди. Бундай шартномага нисбатан ушбу Кодекс 124-моддасининг иккинчи қисми қоидалари қўлланилади.

Ушбу Кодекс 124-моддасининг 2-қисмига кўра, агар битим бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилган бўлса (кўзбўямачилик битими), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланилади.

Судлар тарафлар аслида олди-сотди бўйича келишувга эришишганлиги, ҳадя шартномаси бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилганлиги сабабли низоли ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида тўғри хулосага келган бўлсада, амалдаги ФК 124-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидаларни қўлламаган.

Шу боис Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати даъвогар Толиб Муродов ва жавобгар “Самарқанд Бахорой Мебель” хусусий корхонаси ўртасида 2012 йил 29 августда Самарқанд шаҳар, Р.Соатов кўчаси ёқасида жойлашган савдо дўкони биносининг бир қисми юзасидан олди-сотди шартномаси тузилганлигини эътироф этишни ҳамда даъвогар Т.Муродовга олди-сотди шартномаси бўйича жавобгар “Самарқанд Бахорой Мебель” хусусий корхонасидан 50 000 000 сўмни ундириш ҳақида алоҳида тартибда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим деб топган.



2-Б О Б

**БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ ВА  
ТАЪМИНОТИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ**



## **2.1. Даъвогар алимент ундириш чораларини ўз вақтида кўрмаган бўлса, алимент судга мурожаат этилган пайдан бошлаб ундирилади.**

Замира Машарипова 2015 йил 15 декабрда жавобгар Абдурасул Саидовга нисбатан алимент ундириш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, унда 1997 йилда жавобгар билан турмуш қурганлигини, турмушларидан тўрт нафар фарзандлари борлигини, жавобгар билан 2013 йилдан бошлаб алоҳида яшаб келаётганлигини, жавобгар фарзандларининг таъминоти билан қизиқмаслигини кўрсатиб, уч нафар вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун улар вояга етгунга қадар алимент ундиришни сўраган.

Кассация инстанциясининг 2016 йил 30 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2016 йил 7 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, жавобгар А.Саидовдан даъвогар фойдасига 2000 йил 2 сентябрда туғилган Каромат, 2003 йил 2 октябрда туғилган Ойгул ва 2008 йил 3 апрелда туғилган Барно исмли фарзандларининг моддий таъминоти учун унинг ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадининг  $\frac{1}{2}$  қисми миқдоридан 2013 йил 22 январдан бошлаб алимент ундирилиши белгиланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 29 декабрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорларининг алимент ундириш даврига доир қисми бекор қилиниб, шу қисми бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилиб, жавобгар Абдурасул Саидовдан даъвогар Машарипова Замиранинг фойдасига вояга етмаган фарзандларининг таъминоти учун алимент судга даъво ариза берилган кундан, яъни 2015 йил 15 декабрдан бошлаб ундирилиши белгиланган.

Аниқланишича, А.Саидов ва З.Машариповалар қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан тўрт нафар фарзандлари бор. 2013 йилдан бошлаб тарафлар алоҳида яшаб келишган.



Оила кодексининг 136-моддасига кўра алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантиришга даъвогар фойдасига алимент ундириш ҳақида суд буйруғи чиқарилганлигига, ушбу суд буйруғи 2013 йил 22 январда бекор қилинганлигига асосланган.

Кассация инстанция суди даъвогар томонидан алимент ундириш чоралари кўрилганлиги, бироқ А.Саидов алимент тўламаганлигини кўрсатиб, биринчи инстанция судининг хулосалари билан келишган.

Оила кодекси 136-моддасининг 4-бандига кўра, агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилинганга қадар кўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.

Бироқ қўйи судлар даъвогар алиментни ундириш чораларини судга қадар кўрганлиги билан боғлиқ далилларни тақдим қилмаганлигини, алимент ундириш билан боғлиқ суд буйруғи 2013 йил 22 январда бекор қилинганлиги даъвогарда шу пайтдан бошлаб алимент ундириш ҳуқуқини юзага келтирмаслигини эътиборга олмаган.

## **2.2. Ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт.**

Дилдора Рустамова даъво ариза билан судга мурожаат қилиб жавобгар Бобур Шариповдан 2013 йил 6 февралда туғилган Самирбек исми фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойга қўшимча харажатларни ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2014 йил 26 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, Бобур Шариповдан





даъвогар Дилдора Рустомова фойдасига 2013 йил 6 февралда туғилган Самирбек исмли фарзандининг моддий таъминоти учун 2014 йил 4 ноябрдан бошлаб ҳар ойда вояга етгунига қадар қўшимча харажатлар учун қатъий миқдорда 200 000 сўм ундирилиши белгиланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 15 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорининг қатъий суммада қўшимча харажатлар ундиришга оид қисми ўзгартирилиб, жавобгар Бобур Шариповдан даъвогар Дилдора Рустомова фойдасига 2013 йил 6 февралда туғилган Самирбекнинг таъминоти учун 229.735 сўм миқдорида қўшимча харажат ундириш белгиланган.

Аниқланишича, Дилдора Рустомова Бобур Шарипов билан 2012 йилдан бошлаб қонуний никоҳдан ўтиб бирга яшаб келишган, биргаликдаги турмушларидан 2013 йил 6 февралда Самирбек исмли фарзанди туғилган.

Оилавий келишмовчилик оқибатида эр-хотин 2014 йилда ажрашиб кетган.

Оила кодексининг 103-моддасига асосан ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт.

Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортган ота (она)дан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Ромитон 1-сонли туман болалар шифохонасининг 2014 йил 21 октябрдаги маълумотида 2013 йил 6 февралда туғилган Самирбек 2014 йил май ойларида тез-тез касал бўлиб ўткир бронхит, афтозли стоматит, камқонлик ташхислари билан амбулатор даволанганлиги сабабли унга 264.000 сўмлик дори-дармон ишлатилганлиги, шунингдек Ромитон туманидаги 15-сонли мактабгача таълим муассасасининг маълумотига кўра вояга етмаган Самирбек 2014 йил 11 августдан муассасада тарбияланаётганлиги учун унга август ойдан ноябр ойигача жами 195.470 сўм тўланганлиги қайд қилинган.



Суд Д.Рустамова даъво талабини қисман қаноатлантиришда қайд этилган норма талабларига асосланган бўлсада, шифохона томонидан қўйилган ташхислар сурункали касалликлар туркумига кирмаслиги, Оила Кодексининг 71-моддасига асосан ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканликлари боис, сарф қилинган қўшимча харажатларни фақатгина ярми, яъни 132.000 сўм ҳамда мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётганлиги учун 97.735 сўм ундирилиши лозимлигига эътибор қаратмай, асоссиз ҳар ойда 200.000 сўмда пул ундириш ҳақида хулосага келган.

### **2.3. Отанинг шахсий фазилатлари фарзандининг руҳий камолотига тўсқинлик қилса, шунингдек унинг оталик мажбуриятларини амалга оширмаганлиги аниқланса, бу ҳолат бола манфаатидан келиб чиққан ҳолда унинг фарзанди билан учрашиш ҳақидаги талабини рад қилишга асос бўлади.**

Б.Каримов жавобгар С.Каримовага нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб жавобгар С.Каримова билан 2010 йил 24 апрелда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, турмушларидан 2011 йил 6 июнда Мурод исмли фарзанди туғилганлигини, айна пайтда алоҳида яшаб келаётганликларини, фарзанди онаси билан яшашини, ўғли билан учрашишга жавобгар тўсқинлик қилганлигини, шу сабабли 2011 йил 6 июнда туғилган Хамидов Мурод Бобур ўғли билан ойнинг биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 9.00 дан соат 18.00 гача ҳамда иккинчи ва тўртинчи якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача учрашиш вақтини белгилашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 20 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 9 августдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилиб, даъвогар Б.Каримовни 2011 йил 6 июнда туғилган ўғли М.Хамидов билан ҳар ойнинг



биринчи шанба куни соат 10.00 дан соат 11.00 гача, ҳар ойнинг учинчи якшанба куни соат 10.00 дан соат 11.00 гача боланинг онаси иштирокида вазият ўзгаргунга қадар учрашиши белгиланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 2 майдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори кучида қолдирилган.

Аниқланишича, Б.Каримов ва С.Каримовалар 2010 йил 24 апрелда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан 2011 йил 6 июнда Хамидов Мурод Бобур ўғли исмли фарзандлари туғилган, эр-хотин 2011 йилнинг апрель ойидан бирга яшамаган, 2012 йил 9 декабрда никоҳдан ажрашган.

С.Каримова ҳомиладорлигининг охириги ойларида ҳамда фарзанд туғилганидан кейин ҳам ота-онасининг уйида яшаган.

2012 йил 12 декабрда С.Каримова фуқаро У.Сабилов билан қонуний никоҳдан ўтиб, фарзанди М.Хамидов билан бир оила бўлиб яшаб келган, вояга етмаган М.Хамидов У.Сабиловни отаси деб билади, Б.Каримов билан эса умуман кўришмаган ва танимайди.

Б.Каримов ҳам 2013 йил 12 августда Н.Каримова билан қонуний никоҳдан ўтиб, 2015 йил 3 августда туғилган К.Хамидова исмли қизи билан бир оила бўлиб, 2016 йил июль ойига қадар бирга яшаган, келишмовчиликлар сабабли Б.Каримов турмуш ўртоғи Н.Каримова билан ҳам ажрашиб кетган.

2016 йил 2 ноябрда Б.Каримов жавобгар С.Каримовага нисбатан бола билан кўриши ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, юқорида қайд этилган вазиятни келтирган.

Биринчи инстанция суди туман халқ таълими бўлимининг ҳамда Низомий номидаги ТДПУ психология кафедраси мутахассисларининг 2011 йил 6 июндаги Мурод Хамидов отасини умуман кўрмаганлиги ва танимаслиги сабабли у билан учрашиши унинг руҳий ҳолатига таъсир қилиши ҳақидаги ёзма хулосаларини, Б.Каримов оталик мажбуриятларини бажармаганлигини эътиборга олиб ҳамда Оила кодекси 75-моддасининг 2-қисмига асосланиб даъвогарнинг даъвосини рад этиш ҳақида қонуний ва асосли хулосага келган.



Апелляция инстанцияси даъвогарнинг уйида бола учун етарли шароитлар мавжудлигини, ота фарзанд билан учрашиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳамда оталик ҳуқуқидан махрум қилинмаганлигини асос қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилган.

Оила кодексининг 76-моддасига асосан боладан алоҳида яшаётган ота(она) бола билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга. Бола билан бирга яшаётган ота (она) боланинг она (ота)си билан кўришишга, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилиқ қилмаслиги керак.

Қайд этилган қонун нормасидан кўринишича, боладан алоҳида яшайдиган ота (она) бола билан кўришишдан иборат ҳуқуқини амалга оширишининг бир муҳим шarti мавжуд – алоҳида яшайдиган ота (она) фарзанди билан кўришиши болага зиён келтирмаслиги керак.

Шу сабабли судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг хулосаларини асосли ва қонуний деб ҳисоблаб, бола манфаатидан келиб чиққан ҳолда апелляция инстанция судининг ажримини бекор қилишни лозим топган.



З-Б О Б

**ЕР НИЗОЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ**



### **3.1. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилди.**

Янгиариқ туман ҳокимияти жавобгар Н.Шариповага нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб 1,71 гектар ер майдонида ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний қурилишларни жавобгар томонидан буздириш ва уни ушбу ер майдонидан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 7 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2017 йил 13 апрелдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 25 июлдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Кўчмас мулк биржаси Қашқадарё филиалининг 2005 йил 7 сентябрдаги 72-сонли олди-сотди шартномасига кўра Н.Шарипова Яккабоғ тумани, “Алақуйлак” қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 3,65 гектар бўлган 4-сонли молхона мажмуаси ва сутни қайта ишлаш цехини 1700000 сўмга сотиб олган.

2005 йил 29 сентябрда унга ер участкасига бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилган бўлиб, мазкур гувоҳномада бинонинг ер майдони 36500 кв.метр, бинонинг кадастр ҳужжатларида унинг умумий ер майдони 3,90 гектар эканлиги кўрсатилган. Бироқ Н.Шарипова 3,90 гектар ер майдонидан ташқари 1,71 гектар ер майдонини ноқонуний эгаллаб олган. Мазкур ҳолат туман “Ермулккадастр” корхонасининг 2016 йил 25 февралдаги маълумотномасида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ер кодексининг 91-моддасига кўра ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик



қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтариледи.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Биринчи инстанция суди мазкур ҳолатларни эътиборга олиб, қонуний равишда даъвони қаноатлантирган бўлсада, кассация инстанцияси асоссиз равишда суд қарорини бекор қилиб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарган.

### **3.2. Даъвогар ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни судда исботлай олмаса, унинг даъво талаби рад қилинади.**

Бойсун туман прокурори фуқаро Бегзод Турсуновнинг манфаатларида жавобгар Хусан Шодиевга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ички йўл учун қолдирилган 616,25 кв.метр ер майдонини очиб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 3 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 29 ноябрдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилиб, жавобгар Хусан Шодиевга Бойсун тумани, "Сувлиқ" МФЙ ҳудудида у томонидан ноқонуний эгалланган 616,25 кв.метрдан иборат ер майдонидан ички йўлни очириш мажбурияти юклатилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 26 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Халқ депутатлари Бойсун туман кенгаши ижроия комитетининг 1990 йил 31 октябрдаги 362-сонли қарори билан





жавобгар Хусан Шодиевга якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,20 га ер участкаси ажратилган.

Бойсун туман ҳокимининг 2012 йил 13 апрелдаги 282-сонли қарори билан Бегзод Турсуновга ажратилган 2000 кв.метр ер майдонининг 600 кв.метр ер майдонида қурилган уй-жойга умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилиб, қолган 1400 кв.метр ер майдони вақтинчалик ободонлаштириш учун қолдирилган.

Даъвогар ўзининг даъво талабида жавобгар Хусан Шодиев томонидан ўзига ажратилган 0,20 га ер майдонидан ташқари 616,25 кв.метр ички йўл учун қолдирилган ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, фойдаланиб келаётганлигини маълум қилган.

Судга тақдим қилинган Сурхондарё вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2017 йил 14 августдаги 177-сонли хатида фуқаро Хусан Шодиев томонидан ўзига ажратилган ер участкасида 1990 йилда уй-жой ҳамда ёрдамчи бинолар қурилганлиги, даъвогар Бегзод Турсунов томонидан талаб этилаётган кўчадан чиқадиган ер майдонида ҳеч қандай қурилишлар мавжуд эмаслиги аниқланганлиги ҳамда низоли ер майдонини Хусан Шодиев эгаллаб олмаганлиги кўрсатилган.

Бойсун туман Архитектура ва қурилиш бошқармасининг 2017 йил 25 сентябрдаги 106-сонли хатида Хусан Шодиев томонидан қурилган ёрдамчи бинолар бузиб ташланган тақдирда ҳам йўл фуқаро Бегзод Турсуновнинг ер участкасидан чиқмаслиги, Бегзод Турсуновнинг ер участкасига айланма томондан йўл мавжудлиги ҳамда ҳозирги кунда ҳам ушбу йўлдан фойдаланиш мумкинлиги маълум қилинган.

Биринчи инстанция суди мазкур хулосалардан келиб чиқиб даъвони рад қилиш ҳақида хулосага келган.

Фуқаролик ишига илова қилинган Бойсун туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимининг 2010 йил 23 февралдаги 16-сонли ҳамда Бойсун туман Архитектура ва қурилиш бошқармасининг 2010 йил 1 мартдаги Н-92-сонли хатида жавобгар Х.Шодиев фуқаро Бегзод Турсуновнинг ер участкасига ўтадиган йўлни ёпиб, уй-жой қуриб олганлиги кўрсатилган.



Апелляция инстанцияси ушбу хатга асосланиб биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Чунки, низоли ер участкасини кўздан кечириш натижаси бўйича апелляция инстанциясига тақдим қилинган Сурхондарё вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ва вилоят Ермулккадастр давлат корхонасининг хулосасида “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ томонидан 2014 йил 30 сентябрда ишлаб чиқилган “Чиял” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳасида (АПОТ) фуқаро Бегзод Турсунов талаб этаётган кўчани фуқаро Хусан Шодиев эгаллаб олганлигини тасдиқловчи асослар йўқлиги, низоли ер майдонида ҳеч қандай бино ва иншоотлар қурилмаганлиги кўрсатилган бўлсада, апелляция инстанцияси ушбу хулосага тегишли ҳуқуқий баҳо бермаган.

Бундан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг 2010 йил 21 майдаги ажрими билан даъвогар Бегзод Турсуновнинг жавобгар Хусан Шодиевга нисбатан йўлни очдириб бериш ҳамда етказилган маънавий зарарларни ундириш ҳақидаги даъвоси Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-моддаси 2-бандига асосан кўрмасдан қолдирилган бўлиб, суднинг ушбу ажримида даъвогар низоли ер участкасининг айнан ўзига якка тартибда тураржой қуриш учун ажратилганлигини, ер майдони чегаралари билан ўлчаб берилганлигини тасдиқлайдиган далилларни судга тақдим этмаганлиги кўрсатилган.

### **3.3. Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.**

Комила Файзуллаева жавобгарлар Илхом Садиров ва Ирода Садироваларга нисбатан даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, жавобгарларни ўзига тегишли ер майдонидан чиқаришни ва уларга ўзига тегишли ер участкасидан фойдаланишига тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклашни сўраган.



Кассация инстанциясининг 2017 йил 1 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 23 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 29 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, собиқ Халқ депутатлари Чироқчи совети ижроия кўмитасининг 1989 йил 15 февралдаги 6/2-сонли қарори билан фуқаро Х.Полвоновга Миришкор қишлоғи ҳудудидан уй-жой қуриш ва томорқа ер участкаси учун 0,16 га ер майдони ажратилган.

Х.Полвоновнинг вафотидан сўнг унинг турмуш ўртоғи, даъвогар Комила Файзуллаеванинг аризасига асосан Чироқчи туман ҳокимининг 2008 йил 5 декабрдаги 3688-сонли қарори билан “Чироқчи” ҚФЙ ҳудудида жойлашган “Қумбанги” маҳалласидаги 0,16 га ер майдони ва ундаги уй-жойга нисбатан Комила Файзуллаеванинг эгалик ҳуқуқи белгиланиб, 2011 йил 28 февралда уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Чироқчи туман ҳокимининг 2011 йил 20 январдаги 421-сонли қарори билан жавобгар Илхом Садировга “Чироқчи” ҚФЙ “Қумбанги” маҳалласидаги 0,16 га ер майдонида ўз кучи ва маблағига қурилган уй-жойига нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланиб, 2011 йил 29 январда уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тарафлар бир-бирига ён қўшни бўлиб, уйларининг ўртасида чегаралар белгиланиб, девор билан ўралмаганлиги сабабли ер майдони юзасидан низо келиб чиққан.

Шу сабабли даъвогар Комила Файзуллаева жавобгарлар томонидан ўзига тегишли 0,04 га ер участкаси ноқонуний эгаллаб олинганлигини маълум қилиб, уларни шу ер участкасидан чиқаришни сўраб судга даъво ариза билан мурожаат қилган.

Судлар ишга тақдим қилинган Қашқадарё вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2017 йил 2 февралдаги 1-02/46-сонли, Чироқчи туман Якка тартибдаги уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш бўлимининг 2016 йил 20 декабрдаги 177-сонли ҳамда Чироқчи туман архитектура ва қурилиш бошқармасининг



2016 йил 19 декабрдаги 67-сонли хулосаларида жавобгарлар даъвогарга тегишли 0,04 га еручасткаси ноқонуний эгалланганлигидан келиб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Чунки, юқорида қайд қилинган хулосаларга низоли ер участкасини кўздан кечириш далолатномаси илова қилинган бўлиб, унда Комила Файзуллаева эгаллаб турган ер майдони шимолдан 38,55 метр, жанубдан 37,70 метр, ғарбдан 29,0 метр, шарқдан 29,0 метр, Ирода Садирова эгаллаб турган ер майдони шимолдан 34,90 метр, жанубдан 32,55 метр, ғарбдан 47,0 метр, шарқдан 50,75 метр метрни ташкил қилишligи кўрсатилган.

Ушбу маълумотдан келиб чиқиб, жавобгар эгаллаб турган умумий ер майдони ҳисобланганда бу майдон 1648,31 кв.метрни ташкил қилади. Бундай ҳолларда жавобгарлар ўзларига тегишли 1600 кв.метрдан ортиқча 48,31 кв.метр ер майдонини эгаллаб олган бўладилар.

Юқорида қайд қилинган мутахассисларнинг хулосаларида эса номаълум сабаларга кўра жавобгарлар томонидан ўзларига тегишли ер майдонларидан ташқари 0,04 га яъни 400 кв.метр ер майдони ҳам эгаллаб олинганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, фуқаролик ишига илова қилинган Чирокчи туман "Ермулккадастр" давлат корхонасининг 2016 йил 4 декабрдаги 33-сонли хулосасида даъвогар Комила Файзуллаева 1993,50 кв.метр ер майдонидан, жавобгар Ирода Садирова 2456,15 кв.метр ер майдонидан фойдаланиб келаётганлиги кўрсатилган.

Шундай бўлсада, суд томонидан мутахассислар томонидан берилган хулосалардаги ҳамда хулосага илова қилинган жойни кўздан кечириш далолатномасидаги маълумотлар бир-биридан фарқ қилаётганлигига эътибор қаратмасдан, ушбу турли хил маълумотлар ўртасидаги тафовутлар бартараф қилинмаган.

Олий суд Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги "Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 11-сонли қарорининг 26-бандига кўра тарафнинг узрсиз сабабларга кўра тадқиқот предметини экспертга топширишдан ёки экспертиза



ўтказишда шахсан иштирок этишдан бош тортиши, низолашилаётган хулосага нисбатан қарама-қарши хулосага асос борлигидан гувоҳлик беради.

Шунга кўра, қайси тараф узрсиз сабабларга кўра экспертизадан бўйин товлаётганлигига, шунингдек бу ҳолат у учун қандай аҳамиятга эга эканлигига қараб, суд экспертиза тайинлаш билан аниқланадиган фактни белгилаши ёки рад қилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 14 декабрдаги ажрими билан суд-ершунослик экспертизаси тайинланган бўлиб, экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш даъвогарнинг зиммасига юклатилган.

Экспертизани ўтказиш харажатлари тўланмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ Қашқадарё вилоят бўлинмаси томонидан суднинг ажрими ижросиз қайтарилган.

Даъвогар томонидан суднинг ажримида белгиланган мажбуриятлар бажарилмасдан, экспертиза харажатлари тўланмаганлиги сабабли суд томонидан тайинланган экспертиза ўтказилмасдан қолган бўлсада, биринчи инстанция суди даъвогарнинг фойдасига ҳал қилув қарори чиқарган.

Биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар кассация инстанциясининг эътиборидан четда қолиб, суд қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келинган.

Шу сабабли Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан тайинланган суд-ершунослик экспертизаси ўтказилиб, судга тақдим қилинган Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ Қашқадарё вилоят бўлимининг 2018 йил 11 январдаги 4798/16.2-сонли хулосасида жавобгар Ирода Садирова томонидан даъвогар Комила Файзуллаеванинг ер майдони эгаллаб олинмаганлиги кўрсатилган.

Ишни назорат тартибда кўришда аниқланишича, тарафлар ўзларига тегишли ер майдонидан 30 йилдан ортиқ вақтдан бери фойдаланиб келиб, 30 йил олдин ер участкасидан қандай фойдаланишни бошлаган бўлсалар ҳозир ҳам шундай тартибда фойдаланиб



келаётганликлари, ерга эгалик қилиб бошлаганларидан сўнг улар, шу жумладан жавобгар Ирода Садирова томонидан қўшимча ер майдонини эгаллаб олиб, ундан фойдаланиш ҳолатлари бўлмаган.

### **3.4. Шартномани бир томонлама бузган ҳолда мулкдорнинг ер майдонини олишга йўл қўйилмайди.**

Малоҳат Эшчанова жавобгарлар Шахло Ибрагимова ва Шовот туман ҳокимиятига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб Шовот тумани, “Оқмачит” ҚФЙ, Найман кўчасида жойлашган кимовши савдосига чиқарилган 26 ва 35-сонли жами 0,08 га ер участкаларини жавобгар Шахло Ибрагимованинг қонунсиз эгалигидан олиб беришни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2016 йил 9 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2016 йил 12 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 15 августдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор чиқарилган.

Аниқланишича, Шовот тумани, “Оқмачит” массивида жойлашган ҳар бирининг майдони 400,0 кв.м.дан иборат 37 та ер майдони кимовши савдосига қўйилган. Мазкур ер майдонлари лойиҳа бўйича 3 қаторга жойлаштирилган.

2012 йил 5 июлда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижаларига кўра даъвогар Малоҳат Эшчанова 25- ва 34-сонли, жавобгар Шахло Ибрагимова 26- ва 35-сонли ер майдонларининг ғолиби деб топилган.

Шовот туман ҳокимининг 2012 йил 18 августдаги 798-сонли қарорига кўра, мазкур ер участкалари кимовши савдоси ғолибларига бириктирилган.

Мазкур қарорнинг иловасида ер участкаларининг жойлашиш режаси кўрсатилган.



Биринчи инстанция суди мазкур режага ҳамда жавобгарнинг низоли ер майдонига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтмаганлигига асосланиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида барвақт ҳулосага келган.

Чунки туман ҳокимининг қарорига илова қилинган ер участкаларининг жойлашиш режасида 37 та ер участкалари 4 қаторга жойлаштирилганлиги ҳамда мазкур режа билан кимошди савдоси ўтказилишидан олдинги лойиҳа ўртасидаги фарқ мавжудлиги, бунинг натижасида кимошди савдосидан кейин 25- ва 34-сонли ер участкалари 26- ва 35-сонли ер участкалари жойлашган ер майдонига ўтиб қолганлиги суднинг эътиборидан четда қолган.

2012 йил 16 июлда Шовот туман ҳокимлиги, Шаҳло Ибрагимова, Давлат мулкани бошқариш Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси ва Кўчмас мулк савдо хизмати МЧЖ Хоразм филиали ўртасидаги тузилган 471- ва 472-сонли шартномаларининг 1.1-бандида низоли ер участкаси сотилганлиги, 2.1-бандида шартнома шартлари тарафларнинг ёзма келишуви билан ўзгартирилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бироқ, ер участкаларининг жойлашиш манзили ўзгартирилиши борасида туман ҳокимияти билан Шаҳло Ибрагимов ўртасида келишув тузилмаган.

### **3.5. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олинганлиги билан боғлиқ ҳужжатни судга тақдим қилинмаслиги, ер майдони олиб бериш ҳақидаги даъво талабни рад қилишга асос бўлади**

Элёр Дадажонов жавобгар Шавкат Раҳмановга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган 0,10 га ер майдони олиб беришни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 5 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.



Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 27 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўр суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Хива тумани ҳокимининг 1995 йил 1 февралдаги 38-сонли қарори билан Шавкат Раҳмановга, 1999 йил 9 октябрдаги 440-сонли қарори билан Тўлан Дадажоновга “Истиқлол” жамоа хўжалиги ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ҳар бирига 0,10 га майдондаги ёнма-ён жойлашган ер участкалари ажратиб берилган.

Жавобгар Шавкат Раҳманов ўзига ажратилган ер участкасида уй-жой қурган ва шу уйда оила аъзолари билан бирга яшаб келган, шу билан бирга, Шавкат Раҳманов Тўлан Дадажоновга ажратилган ер участкасини ҳам қўшиб олиб, у ерда иссиқхона қуриб фойдаланиб келган.

Тўлан Дадажонов ўзига якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкасидан фойдаланмаган, у ерда уй-жой қурмаган. Даъвогарнинг судда берган тушунтиришларига қараганда, отаси Тўлан Дадажонов бу ер участкасини Шавкат Раҳмановнинг отаси А.Пақировга вақтинча қараб туриш учун топширган.

Даъвогар Э.Дадажоновнинг отаси Т.Дадажонов 2009 йил 3 февралда вафот этган.

Судлар якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратиладиган ерлар ундан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида фойдаланишни назарда тутишини, низолашилаётган ер майдони марҳум Т.Дадажоновга туман ҳокимининг қарори билан ажратилганлигини, даъвогар Э.Дадажонов эса ер эгасининг меросхўри эканлиги ва бошқа меросхўрлар эътироз билдирмаганлигини асос қилиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Ер кодексининг 31-моддасига кўра юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.





Даъвогар Э.Дадажоновнинг отаси Тўлан Дадажоновга белгиланган тартибда ер ажратилган бўлсада, мазкур ер участкасига бўлган ҳуқуқ унинг ҳаёт пайтида давлат рўйхатига олинмаган ҳамда у мазкур ер участкасидан фойдаланмаган.

Қолаверса, Фуқаролик кодекси 17-моддасига асосан, Т.Дадажоновнинг ҳуқуқ лаёқати унинг вафот этиши билан тугаган ҳисобланади.

Шунингдек, Тўлан Дадажонов вафот этганидан кейин ҳам унинг меросхўрлари, хусусан даъвогар Э.Дадажоновнинг мазкур низоли ер участкасига бўлган ҳуқуқи амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинмаган.

Ушбу қонун ва қарор талабларига биноан даъвогар Э.Дадажонов томонидан ўзининг ер участкасига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат судга тақдим қилинмаганлиги боис унинг жавобгардан ер участкасини олиб бериш ҳақидаги даъво талаби асоссиздир.

### **3.6. Кимошди савдосида сотиб олинган бинонинг ер майдони мавжуд бўлмаса, унга қўшимча ер майдони ажратиш мумкин эмас.**

---

Х.Аминов жавобгарлар Бувайда туман ҳокимиятига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Бувайда тумани, “Чинор” қишлоғи ҳудудидаги 375,84 кв.м ер майдонида жойлашган пахтахона биносини 2008 йил 29 январда сотиб олганлигини, туман ҳокимининг 2013 йил 19 апрелдаги 715-к-сонли қарори билан 0,18 га ер майдони сотиб олган бинога бириктириб берилганлигини, бироқ мазкур қарор туман ҳокимининг 2015 йил 7 июлдаги 883-к-сонли қарори билан бекор қилинганлигини билдириб, ушбу қарорни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 19 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2016 йил 7 январдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 5 июлдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари



бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Х.Аминов 2008 йил 21 январда ўтказилган 5/9-сонли электрон савдо баённомаси ва шу кунги олди-сотди шартномасига асосан Бувайда тумани, “Чинор” қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 375,84 кв.м пахтахона биносини(ер майдонисиз) сотиб олган.

Бувайда туман ҳокимининг 2013 йил 19 апрелдаги 715-к-сонли қарори билан 0,18 га ер майдони сотиб олинган пахтахона биносига бириктириб берилган. Кейинчалик мазкур қарор туман ҳокимининг 2015 йил 7 июлдаги 883-қ-сонли қарори билан бекор қилинган.

Бироқ қуйи судлар Х.Абраев қурилиш ости майдони 375,84 кв.м пахтахона биносини ер майдонисиз сотиб олган бўлсада, ҳокимият томонидан унга бошқа ер майдони бириктириб берилиши мумкин эмаслигига эътибор қаратмасдан, даъвони қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

### **3.7. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса ёки тараф ер майдонини ўзига тегишли эканлиги билан боғлиқ ҳужжатларни судга тақдим қилмаса, бу ҳолат унинг эгаллаб олинган ер майдонини қайтариб олишга асос бўлади.**

Пахтакор тумани ҳокимияти жавобгар М.Каримовага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонини олиб беришни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 22 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2015 йил 19 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилиб, жавобгар М.Каримованинг 72,0 кв.м, ер майдони туман ҳокимияти захирасига қайтарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 26 сентябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорларига ўзгартириш киритилиб, жавобгар М.Каримова томонидан Қўшқўпир тумани, Олтинкўл маҳалласи, С.Рахимов



кўчаси 4-уйнинг 2-хонадони ҳудудидан ноқонуний эгалланган 20 кв.метр ер майдонини туман ҳокимияти захирасига қайтариш белгиланган.

Аниқланишича, Жиззах вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ва “Ермулккадастр” ДКнинг 2015 йил 15 апрелдаги хулосасига кўра С.Рахимов кўчасида жойлашган, 4-уй 2-хонадонининг умумий ер майдони 700 кв.м. эканлиги кўрсатилган.

Ер кодексининг 31-моддасига кўра юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Ер кодекси 91-моддасига кўра ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.

Туман ҳокимиятининг ҳамда жавобгарнинг вакиллари иштирокида тузилган 2017 йил 13 июлдаги далолатномага кўра Мусаллам Каримовага тегишли уй-жойнинг ер майдони 720,0 кв.м эканлиги аниқланган.

Мазкур далолатнома бўйича М.Каримова жами 20,0 кв.м ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган бўлсада, биринчи инстанция суди асоссиз равишда 72,0 кв.м ер майдонини туман ҳокимияти захирасига қайтариш ҳақида ноқонуний хулосага келган.

### **3.8. Кимосди савдосида сотиб олинган бинонинг тегишли ер майдони мавжуд бўлмаса, мулкдорнинг ер майдонидан кўчириш ҳақидаги даъво талаби асоссиз ҳисобланади**

Б.Шарипов жавобгар А.Қасимовга нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб “CAPITAL” МЧЖ томонидан ўтказилган очиқ аукцион савдосида иштирок этиб, умумий ер майдони 141 кв.м. бўлган офис ва омборхона биносини сотиб олганлигини, аммо жавобгар



ушбу бино жойлашган ер майдонидан фойдаланишга тўсқинлик қилаётганлигини билдириб, офис ва омборхона биносига тегишли бўлган 893,75 кв.м ер майдонидан жавобгарни мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Кассация инстанциясининг 2016 йил 25 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2015 йил 24 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 23 августдаги ажрими билан қуйи асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Б.Шарипов 2013 йил 1 декабрда “CAPITAL” МЧЖ томонидан ўтказилган очиқ аукцион савдо баённомасига кўра офис биноси ва омборхона сотиб олган.

2014 йил 4 майда мазкур бино давлат рўйхатидан ўтказилган ва бинонинг умумий майдони 141 кв.м. эканлиги кўрсатилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди Б.Шарипов сотиб олган бинонинг 141 кв.м ер майдонидан ташқари бошқа ер майдони мавжуд эмаслигига эътибор қаратмасдан туман “Ермулккадастр” корхонаси томонидан сотиб олинган бино ва омборхонанинг умумий ер майдони 893,75 кв.м эканлиги хусусида берилган маълумотномасига асосланиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт ҳулосага келган.

Чунки, Ер кодексининг 31-моддасига кўра юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Б.Шарипов томонидан сотиб олинган умумий ер майдони 141 кв.м. бўлган офис ва омборхона биносидан ташқари, бошқа ер майдони мавжуд эмаслиги суднинг эътиборидан четда қолган.



### **3.9. Ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ва ёнғинга қарши, санитария, экологияга оид, шаҳарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин бўлган ер участкасигина бўлинади.**

Наргиза Салимова жавобгар Баҳром Бабаевга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда Жомбой туман ҳокимининг 2006 йил 17 февралдаги 107-сонли қарорига асосан ажратиб берилган ер участкасини тенг ҳиссада тақсимлаб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 14 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлангирилган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 22 январдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 30 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра кассация инстанциясининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар Н.Салимова жавобгар Б.Бабаев билан 2003 йил 26 августда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, биргаликдаги турмушлари даврида икки нафар фарзандлари туғилган.

Ўрталаридаги келишмовчиликлар сабабли тарафлар суднинг 2016 йил 20 июндаги ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажрашганлар.

Жомбой туман ҳокимининг 2006 йил 17 февралдаги 107-сонли қарори билан жавобгар Б.Бабаевнинг номига якка тартибда уй-жой қуриш учун 600 кв.метр ер участкаси ажратилган, ер участкасига нисбатан бўлган ҳуқуқ 2017 йил 24 июнда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Даъвогар Н.Салимова ўзининг даъво талабида турар жойи бўлмаганлиги сабабли икки нафар боласи билан қийналиб қолганлигини маълум қилиб, жавобгарнинг номига ажратилган ер участкасини бўлиб беришни сўраган.



Оила кодекси 23-моддасининг 1-қисмига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Биринчи инстанция суди мазкур қонун талабини қўллаган ҳолда низоли ер участкасини тарафлар ўртасида бўлиб беришни лозим деб топган бўлсада, қонун талабида биргаликдаги никоҳ давомида орттирилган мол-мулк эр-хотиннинг умумий мулки деб ҳисобланишига, низоли ер участкасида эса тарафларнинг биргаликдаги уй-жойи, яъни мол-мулки мавжуд бўлмаганлигига эътибор қаратмаган.

Ер кодексининг 10-моддасига кўра ер участкаси – ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир.

Ер участкасининг чегараси планларда (чизмаларда) қайд этилади ва натурада (жойнинг ўзида) белгиланади. Ер участкасининг майдони натурада (жойнинг ўзида) чегара белгиланганидан кейин аниқланади.

Ер участкаси бўлинадиган ва бўлинмайдиган бўлиши мумкин.

Ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ва ён-ғинга қарши, санитария, экологияга оид, шаҳарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бу иш амалга оширилганидан кейин ҳосил бўлган қисмларнинг ҳар бири мустақил ер участкасини ташкил этиши мумкин бўлган ер участкаси бўлинадиган ер участкаси ҳисобланади.

Фойдаланиш мақсадига кўра мустақил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси бўлинмайдиган ер участкаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 3-сонли қарорининг 6-бандига кўра ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб



чиқадиغان биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкасидан фойдаланиш тартибини белгилаш ва уни бўлиш ҳақидаги низолар даъво иш юритиш тартибида кўрилади.

Мазкур Пленум қарорининг 11-бандига кўра биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкаларини бўлиш, ундан фойдаланиш тартибини белгилаш, шунингдек ер участкаси чегарасини белгилаш тўғрисидаги низоларни ҳал қилишда, судлар Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 22-моддасининг 4-қисмига асосан давлат ер кадастри ва ер экспертизаларининг ер участкасини бўлиш имконияти тўғрисидаги хулосаси ва ер участкасидан илгаридан фойдаланиш тартиби ўрнатилганлиги ҳолатидан келиб чиқишлари лозим. Агарда, биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкасида илгаридан фойдаланиш тартиби ўрнатилмаган бўлса, у ҳолда ер участкаси тарафларнинг уй-жойдаги ҳиссасига мутаносиб равишда тақсимланиши лозим.

Тарафларнинг судда берган тушунтиришларидан кўринишича, низоли ер участкасида қурилиш ишлари амалга оширилмаган бўлиб, уларнинг ўртасида бирор тарздаги ер участкасидан фойдаланиш тартиби белгиланмаган.

Бундан ташқари, судга тақдим қилинган Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг 2017 йил 13 октябрдаги 3944/16.2-сонли хулосасида низоли ер участкасини  $\frac{1}{2}$  қисм кўринишида иккига бўлганда, бўлинган қисмларга тегадиган улушлар миқдори ШНКнинг яшаш майдони бўйича талаби ва ёнғин хавфсизлиги талабларига мос келиши, лекин санитария талабига мос келмаслиги кўрсатилган.

Низоли ер участкасида тарафларнинг илгаридан фойдаланиш тартиби ўрнатилмаганлиги, тарафлар томонидан уй-жой қурилмаганлиги ва эгалик ҳуқуқи белгиланмаганлиги, экспертиза хулосасида ер участкасини иккига бўлиниши санитария талабига мос келмаслиги кўрсатилганлиги сабабли юқорида қайд қилинган қонун талабларидан келиб чиқиб, низоли ер участкасини тарафларнинг ўртасида бўлиш мумкин эмас.

Шуларга кўра кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида қонуний ва асосли хулосага келган.



### **3.10. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.**

---

Абдусодиқ Каримов жавобгарлар Жумакул ва Сирождиддин Шариповга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб уларни Вобкент туман, "Тўқбой" МФЙ, Қозоёқли қишлоғидаги ер участкасидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 4 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантиришдан рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 15 майдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 25 июндаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Вобкент тумани, собиқ Ж.Султонов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг 1994 йил 20 апрелдаги 4-сонли қарорини иловаси, яъни якка тартибда уй-жой қуриш учун мурожаат қилган ва жамоа хўжалиги ҳудудидан ер майдони олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатининг 99-тартиб рақамида даъвогар А.Каримовнинг исми ва фамилияси кўрсатилган.

Даъвогар мазкур қарорга асосан ўзига якка тартибда уй-жой қуриш учун 990 кв.метр ер участкаси ажратилганлигини, ҳозирги кунда ушбу ер участкасини акаси, яъни жавобгар Ж.Шарипов эгаллаб олиб ўзига бермаётганлигини маълум қилиб, ушбу ер участкасини жавобгардан олиб беришни сўраган.

Вобкент туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан 2011 йилда низоли ер участкасидаги қурилиши тугалланмаган объектнинг техник ҳисоботи тайёрланган.





Кассация инстанцияси мазкур техник ҳисоботни асослаб биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва даъво ни қаноатлантириш ҳақида хулосага келган бўлсада, даъвогарга низоли ер участкасига нисбатан бўлган ҳуқуқ бор ёки йўқлигига аниқлик киритмаган.

Ер кодексининг 23-моддасига кўра ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вази рлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Мазкур Кодекснинг 31-моддасига кўра юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхати га олинганидан кейин вужудга келади.

Судга тақдим қилинган Бухоро вилоят “Ермулккадастр” давлат корхонаси Вобкент туман филиали мутахассиси А.Турсуновнинг хулосасида А.Каримовнинг номига 2011 йил 14 февралда низоли ер майдонидаги қурилиши тугалланмаган объектнинг техник ҳисоботи тайёрлаб берилганлиги, ушбу ҳужжатни тайёрлашда Ж.Султонов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг 1994 йил 20 апрелдаги 4-сонли қарорининг иловаси асос бўлганлиги кўрсатилган бўлсада, мазкур хулосада низоли ер майдони белгиланган тартибда даъвогарга ажратиб берилганлиги ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги кўрсатилмаганлигига кассация инстанцияси суди эътибор қаратмаган.

Ваҳоланки судга тақдим қилинган Вобкент туман Архитектура ва қурилиш бошқармасининг 2018 йил 3 апрелдаги 31-сонли маълумотномасида низоли ер майдони Ж.Султонов номли жамоа хўжалигининг ер тузувчиси Р.Шералиев томонидан ўлчаб берилганлиги, собиқ туман Якка тартибда уй-жойлар қурилишини мувофиқлаштириш бўлими томонидан ўлчаб берилмаганлиги кўрсатилган.



Шунингдек, даъвогар ўзининг даъвосида асослаётган Ж.Султонов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг 1994 йил 20 апрелдаги 4-сонли қарорини иловасида ер участкаси ажратилган фуқароларнинг рўйхати эмас, балки ер майдони олиши мумкин бўлган фуқароларнинг рўйхати кўрсатилган. Мазкур ҳолат юзасидан даъвогарнинг вакили О.Каримовадан сўралганда у Ж.Султонов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг 1994 йил 20 апрелдаги 4-сонли қарорининг аслини тополмаганликларини, бу қарор нима ҳақда чиқарилганлигини билмаслигини маълум қилган.

Бундан ташқари, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига тақдим қилинган Бухоро вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг 2018 йил 8 июндаги 754-сонли хатида Ж.Султонов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг 1994 йил 20 апрелдаги 4-сонли қарорининг асл нусхаси тақдим қилинмаганлиги сабабли ушбу қарор асосида бирорта ер майдони давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги кўрсатилган. Бундай ҳолларда низоли ер майдонини даъвогарга қонуний асосларга кўра тегишли деб топиб бўлмайди.



4-Б О Б

**ЕТКАЗИЛГАН МОДДИЙ  
ВА МАЪНАВИЙ ЗАРАРЛАРНИ  
УНДИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ**



## **4.1. Ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли юридик шахсга зарар етказилса, мазкур сумма юридик шахс фойдасига тўланиши шарт.**

“Оқолтин Агротехсервис МТП” МЧЖ жавобгар Ойбек Саидовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ундан жамият фойдасига 21829 100 сўмлик етказилган моддий зарарни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 4 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган, яъни “Оқолтин Агротехсервис МТП” МЧЖ фойдасига жавобгар Ойбек Саидовдан ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида моддий зарар ундирилган, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 10 октябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 24 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари ўзгартирилиб, даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Аниқланишича, Ойбек Саидов 2015 йил 26 октябрдан “Оқолтин Агротехсервис МТП” МЧЖда эҳтиёт қисмлар сотиш менежери вазифасида ишлаб келган.

2016 йил 17 августда “GM Ўзбекистон” АЖга қарашли “ЎздЭУ-Фарғона” МЧЖ омборидан тегишли мол-мулкларни моддий жавобгарлигига қабул қилиб, таниши Алижон Махмудовга 104 300 000 сўмлик эҳтиёт қисмларни нақд пулга сотиб, расмий ҳужжат ҳисобланган кирим қилиш китобига жами 99 222 940 сўмлик эҳтиёт қисмлар кирим қилинганлиги ҳақида сохта маълумотларни киритиб, пулни жамият ҳисоб рақамига кирим қилмасдан, ўз эҳтиёжларига ишлатиб, жамиятнинг 99 222 940 сўмлик мол-мулкни талон-тарож қилган.

Жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судининг 2017 йил 11 апрелдаги ҳукми билан Ойбек Саидов Жиноят кодекси 167-моддасининг 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилган ва унга нисбатан тегишли жазо тайинланган.



Мазкур ҳукмда ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш Департаменти Сирдарё вилоят бошқармаси томонидан жамиятни 2015 йил ва 2016 йил 9 охи давомидаги молия-хўжалик фаолиятининг қонунийлиги ҳамда солиқ қонунчилигига риоя этилиши, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга тўланиши юзасидан 2016 йилнинг 23 сентябридан 25 ноябригача ҳужжатли текшириш ўтказилган.

Текшириш давомида жамият томонидан 109 145 500 сўмлик нақд пуллар банк кассасига топширилмаганлиги ва 117 055 600 сўмлик тушумлар солиқ ҳисоботига киритилмаганлиги аниқланган.

Солиқ кодексининг 114-моддасига кўра товарларни реализация қилишдан тушган тушумни яшириш, тушум яширилган сумманинг 20 фоизи миқдорига жарима солишга сабаб бўлади.

Сирдарё вилоят хўжалик судининг 2017 йил 6 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра аризачи Оқолтин туман давлат солиқ инспекциясининг “Оқолтин Агротехсервис МТП” МЧЖга нисбатан молиявий жарима қўллаш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилиб, жамиятга 21 829 100 сўм жарима қўлланилган.

Мазкур жарима солиқ органининг 2017 йил 17 февралдаги 1299224236-сонли инкасса топшириқномасига асосан давлат фойдасига жамиятдан ундирилган.

Меҳнат кодексининг 198, 201-моддаларига кўра ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Мазкур қонун талабига кўра жавобгар юридик шахсга етказилган зарарни тўлаши лозим бўлсада, қуйи судлар жамиятдан ундирилган жарима жавобгарнинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли келиб чиққанлигига эътибор қаратмасдан, жавобгардан ўртача ойлик иш ҳақи ундириш ҳақида нотўғри хулосага келган.



## **4.2. Ошиқча хавф манбаининг эгаси шу манба етказган зарар учун, агар унинг тасарруфидан бошқа шахсларнинг ғайрихуқуққий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида чиқиб кетганлигини исботлаб бермаса, етказилган зарар учун жавобгар бўлади.**

Нодир Рахимов даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда жавобгар Олим Муродов 2017 йил 19 март соат тахминан 15:30 ларда Камол Касимовга тегишли бўлган “Матиз” русумли автомашинани ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда ишончномасиз бошқариб, йўл қоидасини бузиб, автомобиль йўлида велосипедни бошқариб кетаётган отаси Вали Рахимовни уриб юборганлиги, натижада отаси шифохонада 2017 йил 23 мартда вафот этганлиги, жавобгар Камол Касимов ўз автомашинасини Олим Муродовга ноқонуний тарзда топширганлиги учун мазкур жиноятда у ҳам айбдор эканлигини, шунинг учун ундан ҳам солидар тартибда 700000000 сўм миқдорда маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 9 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 4 октябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 10 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвоталабини қисман қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра жавобгар Камол Касимовдан даъвогар Нодир Рахимов фойдасига етказилган маънавий зарар компенсацияси учун 3000000 сўм ундирилган.

Аниқланишича, Олим Муродов 2017 йил 19 март куни соат тахминан 15:30ларда Камол Касимовга тегишли “Матиз” русумли автомашинани ҳайдовчилик гувоҳнома ҳамда ишончномаси бўлмасдан бошқариб, йўл қоидасини бузиб, автомобиль йўлида велосипедни бошқариб кетаётган фуқаро Вали Рахимовни уриб юбориши натижада у тан жароҳати олиб, 2017 йил 22 мартда



шифохонада вафот этган.

Олим Муродовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, у жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2017 йил 1 июндаги ҳукмига асосан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилган.

Ҳукмда Олим Муродовдан жабрланувчи Нодир Рахимов фойдасига 849 500 сўм моддий ва 30 000 000 сўм маънавий зарар ундирилиши белгиланган.

Суд жавобгар Камол Касимов автомашинани ноқонуний тарзда Олим Муродовга топширган бўлсада, яъни унинг айбини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

ФК 999-моддасининг 5-қисмига асосан ошиқча хавф манбаининг эгаси шу манба етказган зарар учун, агар манба эгасининг тасарруфидан бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида чиқиб кетганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолларда ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик манбани ғайриҳуқуқий эгаллаб олган шахснинг зиммасида бўлади. Бу манбани эгасининг тасарруфидан ғайриҳуқуқий тортиб олишда эгасининг айби бўлган тақдирда, жавобгарлик унинг эгасига ҳам, ошиқча хавф манбаини эгаллаб олган шахсларга ҳам юкланиши мумкин.

Бироқ иш ҳужжатларидан кўринишича Камол Касимов 2016 йил ноябрь ойида ўзига тегишли бўлган “Матиз” русумли автомашинани Олим Муродовга бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномасиз бериб юборган.

ФК 1021-моддасининг 2-қисмига кўра маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъий назар, зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса қопланади.

Ушбу ҳолатлар вилоят суди апелляция инстанция судининг эътиборидан ҳам четда қолиб, суд қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида ноқонуний хулосага келган.





### **4.3. Зарар етказувчининг айби бўлмаганлиги, ундан маънавий зарар ундиришни рад қилишга асос бўлади.**

Салим Қурбанов жавобгар Ботир Қурязовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда фойдасига олди-сотди шартномаси бўйича тўланган 30 000 000 сўм ҳамда етказилган маънавий зарар учун 5 000 000 сўмни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 15 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгар Ботир Қурязовдан даъвогар Салим Қурбанов фойдасига маънавий зарар учун 1 000 000 сўм ундирилган.

Кассация инстанциясининг 2016 йил 22 сентябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 6 ноябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорларининг маънавий зарарни ундиришга оид қисми бекор қилиниб, шу қисми бўйича даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, “Миллениум Бухоро” МЧЖ томонидан Бухоро шаҳар Ал-Хоразмий кўчасида қурилаётган 87-уйнинг 8-а хонасини даъвогар Салим Қурбанов сотиб олиш ниятида жамият раҳбари Ботир Қурязов билан учрашиб, улар ўртасида уй-жойнинг баҳоси 150 000 000 сўмга баҳоланиб, Салим Қурбанов жавобгар Ботир Қурязовга дастлаб 23 500 000 сўм тўлаб, қолган пулни банкдан кредит олган ҳолда тўлашини маълум қилган. Мазкур келишув юзасидан тарафлар ўртасида ёзма равишда бирон-бир битим тузилмаган.

Ўз навбатида даъвогар Салим Қурбанов низоли уй-жой учун тўлов суммасини тўлиқ амалга оширмаганлиги сабабли уй-жой “Меллениум Бухоро” МЧЖнинг балансига киритилиб, давлат рўйхатидан ўтказилган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 18 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар “Меллениум Бухоро” МЧЖнинг жавобгар



Салим Қурбановга нисбатан уйдан кўчириш ҳақидаги даъвоси қисман қаноатлантирилиб, Салим Қурбанов вояга етмаган фарзандлари билан бирга низоли Бухоро шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси, 87-уйнинг 8-а хонасидан мажбурий тартибда кўчилган.

ФПКнинг 57-моддаси 1-қисмига кўра ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Ушбу Кодекснинг 59-моддасига кўра қонун бўйича ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларини бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмас.

Даъвогар Салим Қурбанов даъво талабида низоли уй-жой учун жавобгарларга 30 000 000 сўм олдиндан тўловни амалга оширганлигини, жавобгарлар ушбу суммани унга қайтариб беришдан бош тортиб келаётганлигини маълум қилган бўлсада, у ушбу вазларини исботловчи далилларни судга тақдим қила олмаган.

Ўз навбатида жавобгар Ботир Қурязов даъвогар низоли уй учун 30 000 000 сўм эмас, балки 23 500 000 сўм тўлаганлигини маълум қилган.

Бундан ташқари, фуқаролик ишига даъвогар Салим Қурбановнинг тилхатлари илова қилинган бўлиб, ушбу тилхатларда у Ботир Қурязовдан низоли квартирани олиш ва бошқа ҳисоб-китоблар учун тўлаган жами 46 000 000 сўмни олганлигини маълум қилган.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб судлар даъвогарнинг 30 000 000 сўмни ундириш ҳақидаги даъво талабини рад қилиш ҳақида қонуний ва асосли хулосага келган, бироқ жавобгарнинг содир қилган ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида даъвогарга маънавий зарар етказилганлигига асосланиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 1 000 000 сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

ФК 1021-моддасининг 1-қисмига кўра маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади.

Судлар Бухоро шаҳар ИИБ томонидан 2015 йил 25 август куни Ботир Қурязов томонидан Собир Қурбанов яшаб келган Бухоро



шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси, 87-уй 8-а хонасининг эшиклари ўзбошимчалик билан бузилганлиги ҳолати юзасидан маъмурий баённома тузилганлигига асосланиб, жавобгардан даъвогар фойдасига маънавий зарарни ундириш ҳақида хулосага келган.

Бироқ Ботир Қурязовни ушбу ҳолат юзасидан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги суднинг қарори мавжуд эмаслигига, низоли уй-жой даъвогар Собир Қурбановга тегишли эмаслигига, суднинг 2015 йил 18 апрелдаги ҳал қилув қарорида Собир Қурбанов низоли уйдан чиқарилиши белгиланганлигига эътибор қаратмаган.

Бундан ташқари, даъвогар Собир Қурбановнинг шикоятни бўйича суриштирув ҳаракатлари олиб борилган бўлиб, Бухоро шаҳар ИИБнинг 2015 йил 13 июндаги қарорида Ботир Қурязовнинг хатти-ҳаракатларида жиноят ва ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлмаганлиги кўрсатилган.

Ушбу қарор билан Ботир Қурязовнинг даъвогар Собир Қурбановга нисбатан ҳеч қандай жиноят ёки ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) содир қилмаганлиги исботланган бўлсада, судлар асоссиз равишда жавобгардан даъвогар фойдасига 1000000 сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида хулосага келган.

#### **4.4. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.**

Рустам Касимов жавобгарлар Санобар Султонова ва Рауф Султоновга нисбатан даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгардан ўзининг фойдасига жиноят натижасида етказилган 102000000 сўм моддий ва 51000000 сўм маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 15 августдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилган.



Апелляция инстанциясининг 2017 йил 10 октябрдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгартирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 12 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг ажрими ўзгартирилган:

Аниқланишича, жавобгар Санобар Султонова алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан даромад орттириш мақсадида турмуш ўртоғи Рауф Султонов билан бир гуруҳга бирлашиб, 2013 йил 7 октябрда Китоб тумани, “Мевазор” МФЙ, Мўминобод қишлоғида яшовчи қишлоқдоши Рустам Касимовга ўзларига тегишли бўлган “Уста Рауф Мўминободлик” хусусий корхонасига қарашли бўлган 0,20 га ер майдонининг ҳар бир сотихини 700 АҚШ долларидан, жами 14 000 АҚШ долларига сотишларини ва ерни унинг номига расмийлаштириб беришларини айтиб, Рустам Касимовдан 10 700 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишиб, қолган 3 300 АҚШ долларини ер унинг номига нотариал тартибда расмийлаштириб берилгандан сўнг олишларини, бир ҳафтанинг ичида ушбу ерни Рустам Касимовнинг номига расмийлаштириб беришларини ваъда қилиб, уни алдаб келиб, 2013 йил 7 ноябрда ҳақиқатдан ҳам Рустам Касимовдан 10 700 АҚШ долларини олганликлари ҳақида тилхат ёзиб, ер майдонини Рустам Касимовнинг номига расмийлаштириб бермасдан, ундан олган 10 700 АҚШ долларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлар.

Ушбу ҳаракатлари учун жавобгарлар Санобар Султонова ва Рауф Султоновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Жиноят ишлари бўйича Китоб туман судининг 2017 йил 22 мартдаги ажрими билан Санобар Султоновага нисбатан қўзғатилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган ҳамда жабрланувчига етказилган зарарларни фуқаровий суд ишлари юритиш тартибида ундириш ҳуқуқи тушунтирилган.



ФК 985-моддасининг 1-қисмига кўра ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Биринчи инстанция суди мазкур қонун талабидан келиб чиққан ҳолда жавобгарлардан даъвогарнинг фойдасига етказилган моддий зарарни ундириш ҳақида асосли хулосага келган бўлсада, зарар суммасини ҳисоблашда хатоликка йўл қўйганлиги, яъни жавобгарлар томонидан даъвогарга тўланиши лозим бўлган 10 700 АҚШ долларини 2013 йил 7 октябрдаги ҳолати бўйича сўмга нисбатан қийматини ундириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

ФКнинг 324-моддасига кўра қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Мазкур Кодекснинг 245-моддасига кўра пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммага эквивалент бўлган суммада ёки шартли пул бирликлари билан (эку, «махсус қарз олиш ҳуқуқлари» ва бошқалар) тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда сўмлар билан тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг ёки шартли пул бирликларининг тўлов кундаги расмий курси бўйича белгиланади, башарти уни белгилашнинг бошқача курси ёки бошқа санаси қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида белгилаб қўйилган бўлмаса.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириб, жавобгарлардан даъвогарнинг фойдасига 10 700 АҚШ долларинининг сўмга нисбатан қийматини биринчи



инстанция суди ҳал қилув қарори чиқарган кун, яъни 2017 йил 15 августдаги ҳолати бўйича ундириш ҳақида хулосага келган бўлсада, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирмаганлигини, юқорида қайд қилинган қонун талабларига асосан зарар суммаси апелляция инстанциясининг ажрими чиқарилган кун, яъни 2017 йил 10 октябрь ҳолати бўйича ҳисоблаб чиқилиши лозимлигини эътибордан четда қолдирган.

Аниқланишича, 2017 йил 10 октябрь ҳолатида 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8052,08 сўмни ташкил қилган. Бундай ҳолларда жавобгарлардан даъвогарнинг фойдасига 10700 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 86157256 сўмни ундириш лозим бўлади.

#### **4.5. Бирон-бир шахс бошқа шахсга ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир қилмаса, ундан етказилган зарар бўйича моддий зарарни ундирилишига йўл қўйилмайди.**

Бахтиёр Норматов жавобгар Камол Эшчановга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2017 йил 19 мартда жавобгар билан 6 та бош қорамолини боқиб бериш бўйича ўзаро келишганлиги сабабли унга молларини топшириб, 340000 сўм берганлигини, шунингдек ҳар ойда молларини бориб кўриб турганлигини, икки ойдан кейин 2 та қорамоли ўлиб қолганлигини, бунга жавобгар сабабчи эканлигини билдириб, ундан етказилган зарар учун 7000000 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 21 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган.

Унга кўра жавобгар Камол Эшчановдан даъвогар Бахтиёр Норматов фойдасига 5000000 сўм ундирилиши белгиланган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 14 декабрдаги ажрими билан суд қарорига ўзгартириш киритилган.

Унга кўра даъвогар Бахтиёр Норматов фойдасига жавобгар Камол Эшчановдан етказилган моддий зарар учун 3000000 сўм ундирилган.



Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 12 июндаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра мазкур иш юзасидан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, 2017 йил 19 мартда К.Эшчанов Б.Норматовнинг 6 та қорамолини боқиб бериш учун оғзаки келишиб, уларни олиб қолган, даъвогар ҳар ойда молларини бориб кўриб турган, икки ойдан кейин унинг иккита қарамоли ўлиб қолган, шу сабабли қарамоллар бўйича келиб чиққан келишмовчилик натижасида тарафлар бир-бирига енгил тан жароҳати етказилган.

Шўрчи туман маъмурий судининг 2017 йил 28 июндаги иш юритишни тугатиш ҳақидаги қароридан тарафлар МЖТК 52-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилган деб топилиб, мазкур Кодекснинг 21-моддаси қўлланилган ҳолда маъмурий жавобгарликдан озод этилиб, огоҳлантириш билан чекланганлиги кўрсатилган.

Ишни кўриш жараёнида Б.Норматов иккита қорамолининг биттасидан воз кечишини, фақат битта қорамолини пулини ундиришни сўраган.

ФКнинг 985-моддасига кўра ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Судлар даъвони қисман қаноатлантиришда жавобгар ғайриқонуний ҳаракат натижасида даъвогарга зарар етказганлиги, шунингдек мазкур ҳаракат маъмурий суднинг қароридан ўз аксини топганлигига асосланган.

ФК 234-моддасининг 2-қисмига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Бироқ судлар тарафлар ўртасида қарамолларни боқиш юзасидан шартнома ёки боқиш учун топширилган қарамоллар ўлиб қолганда жавобгарликни назарда тутадиган бирон-бир келишув тузилмаганлигига эътиборни қаратмаган.



ФПКнинг 72-моддасига кўра ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шартлиги белгиланган бўлсада, жавобгар К.Эшчановнинг ғайри-қонуний хатти-ҳаракати туфайли қорамоллар ўлганлигини тасдиқлайдиган далиллар судга тақдим қилинмаган.

Чунки жавобгар К.Эшчанов ўз тушунтиришида яйловга кетаётган вақтларида даъвогарга тегишли 1 та қорамол юрмай қолганлигини, шундан кейин жавобгар ушбу қорамолни ҳайдовчи Ш.Омоновнинг автомашинасида олиб кетганлигини, иккинчи қорамол эса 2017 йил 17 майда яйловдаги жарликка тушиб кетганлигини билдирган.

Мазкур ҳолат фуқаро Ш.Омонов, Анвар Эшмурадов, Панжи Саибназаров, Ўктам Мамаражабов ва Йўлдош Бегимқуловларнинг тушунтириш хатларида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, даъвони қаноатлантириш асосларидан бири сифатида жавобгарнинг маъмурий жавобгарликка тортилганлиги кўрсатилган бўлсада, маъмурий суднинг қарорида жавобгар К.Эшчанов даъвогар Б.Норматовнинг қорамолига етказилган зарар учун эмас балки, тарафлар бир-бирига эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказганлиги учун у айбдор деб топилган бўлсада, судлар асоссиз равишда даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

#### **4.6. Истеъмолчидан қабул қилиб олинган ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда ёки истеъмолчининг материалидан фойдаланиб бажарилган ишда жиддий нуқсонлар бўлса ёки у бузиб бажарилган тақдирда ижрочи истеъмолчига айнан ўхшаш сифатли ашёни қайтариши шарт.**

Жамила Шарипова судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда Учкун Ахтамовдан ўзининг фойдасига етказилган 6250000 сўм моддий ва 2000000 сўм маънавий зарарни ундиришни сўраган.





Биринчи инстанция судининг 2017 йил 21 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 22 февралдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 28 майдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилган.

Аниқланишича, жавобгар У.Ахтамов музлатгич тузатиш устахонасини очган ҳолда фаолият юритиб келган.

Даъвогар Ж.Шарипова 2016 йил июнь ойида ўзига тегишли “Xing” русумли музлатгични тузатиш мақсадида жавобгар У.Ахтамовга келтириб берган ва тарафлар 250 000 сўм эвазига музлатгич тузатиб берилиши ҳақида келишувга эришганлар. Жавобгар У.Ахтамов томонидан даъвогарга тегишли музлатгич тузатиб бўлингандан сўнг даъвогар жавобгарга тўлаши лозим бўлган хизмат ҳақини тўлашга қурби етмаганлиги ва жавобгар пулни тўлиқ қилиб келганидан сўнг музлатгични беришини маълум қилганлиги сабабли даъвогарнинг музлатгичи жавобгар фаолият кўрсатиб келган устахонада қолиб кетган.

2016 йил 18 октябрда жавобгар У.Ахтамов фаолият кўрсатиб келган устахонада ёнғин содир бўлиб, шу жумладан даъвогарга тегишли музлатгич ҳам ёниб кетган.

Фуқаролик кодексининг 631-моддасига кўра пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонун ҳужжатларида ёхуд тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишни бажариш учун пудратчи таваккал қилади.

Мазкур Кодекс 656-моддасининг 1-қисмига кўра тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган пудратчи маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачи-фуқаронинг топшириғи билан унинг маиший ёхуд бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган



маълум ишларни бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса ишни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Аниқланишича, даъвогар Ж.Шарипова ўзига тегишли музлатгични қайтариб олиш учун жавобгарнинг олдига борганида у устахонасида ёнғин содир бўлганлиги сабабли музлатгични қайтара олмаслигини маълум қилган ва шунда тарафлар ўртасида низо келиб чиққан.

Мазкур ҳолат юзасидан тушунтириш берган жавобгар У.Ахтамов ҳақиқатдан ҳам даъвогар ўзига тегишли музлатгични сўраб келганида у ёнғин содир бўлганлиги сабабли музлатгичини қайтара олмаслигини айтганлигини, у аввалига музлатгични пулини бермоқчи бўлганлигини, лекин даъвогар уни ноҳўя сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, шу сабабли қонуний тартибда ундан музлатгичини олиши мумкинлигини даъвогарга айтиб, музлатгични пулини бермаганлигини маълум қилган.

Даъвогар Ж.Шарипова жавобгардан музлатгичини ёки унинг пулини қайтара олмаганидан сўнг ички ишлар органига мурожаат қилган бўлиб, унинг шикоятини ўрганиш давомида жавобгар У.Ахтамов даъвогарга ўзаро келишган ҳолда бошқа музлатгични берган ва Ж.Шарипова 2017 йил 29 май куни бу ҳақда тушунтириш хати ёзиб берган.

Даъвогар Ж.Шарипова У.Ахтамовдан олган музлатгич нуқсонли бўлиб, бузилиб қолганлиги сабабли 10 кундан кейин олган музлатгичини жавобгарга қайтариб берган.

Судлар даъвогар Ж.Шарипова 2017 йил 29 май куни ўзаро келишувга асосан У.Ахтамовдан ёниб кетган музлатгичи ўрнига бошқа музлатгич олиб кетганлигини асослаб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Судга тақдим қилинган Бухоро туман ИИБнинг 2017 йил 27 декабрдаги 3954-сонли маълумотномасида даъвогар Ж.Шариповага тегишли музлатгич У.Ахтамовда сақланиб турганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига кўра нуқсонли товар сотилган истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида



айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб товарни айна шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб беришни ёки товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилишни талаб қилишга ҳақли.

Агар нуқсонлар:

- товарнинг кафолат муддати ёхуд яроқлилиқ муддати мобайнида;
- кафолат муддати ва яроқлилиқ муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида;
- кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мобайнида, агар шартномада бундан узоқроқ муддат назарда тутилмаган бўлса;
- мавсумий товарлар учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган муддат мобайнида аниқланган бўлса, истеъмолчи мазкур ҳуқуқларини рўёбга чиқариши мумкин.

Мазкур Қонуннинг 14-моддасига кўра истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айна шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Ушбу Қонун талабларидан келиб чиқиб даъвогар Ж.Шарипова даъвогар У.Ахтамовга ёниб кетган музлатгичининг ўрнига берилган нуқсонли музлатгични қайтариб, унинг ўрнига бошқасини талаб қилишга ҳақли эканлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

Ҳайъат жавобгар У.Ахтамовнинг унинг устахонасига ёнғин тушиб, даъвогарга тегишли музлатгич ёниб кетганига унинг айби йўқлиги тўғрисидаги важларини муҳокама қилиб, ушбу важларга танқидий баҳо беришни ва у ижрочи сифатида даъвогарнинг музлатгичини бутлигини таъминлашга мажбур бўлганлигини таъкидлаб ўтишни лозим деб ҳисоблаган.



Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасининг 10-қисмига кўра истеъмолчидан қабул қилиб олинган ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда ёки истеъмолчининг материалдан фойдаланиб бажарилган ишда жиддий нуқсонлар бўлса ёки у бузиб бажарилган тақдирда ижрочи истеъмолчига айнан ўхшаш сифатли ашёни қайтариши (ўзининг айнан ўхшаш сифатли материалдан иш бажариши ёки хизмат кўрсатиши), бунинг имконияти бўлмаган тақдирда эса, ашёнинг (материалнинг) талаб қўйилган пайтдаги қийматини икки баравар қилиб тўлаши шарт.

Судга тақдим қилинган “Бухоро универсал савдо комплекси” АЖнинг 2017 йил 11 ноябрдаги 463-сонли хатида “Xing” русумли музлатгичларнинг янгиси 3 800 000 – 3 850 000 сўмдан сотилаётганлиги кўрсатилган.

Даъвогар Ж.Шарипованинг музлатгичи ишлатилган бўлганлиги сабабли жавобгардан музлатгич учун 2 000 000 сўм тўлашни талаб қилишлигини маълум қилганлиги сабабли Ҳайъат даъвогарнинг талабидан келиб чиққан ҳолда жавобгардан даъвогарнинг фойдасига 2 000 000 сўм миқдорда етказилган зарар суммасини ундиришни лозим деб топган.

#### **4.7. Жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.**

Ғайрат Салимов жавобгарлар Жамшид Ахтамов ва Шоира Шерназаровага нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарлардан ўзининг фойдасига 11 000 АҚШ долларини ва 10 000 000 сўм маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 17 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 31 октябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 28 майдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари



бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилган.

Аниқланишича, даъвогар Ғ.Салимов ўзининг даъво аризаси ва судда берган тушунтиришларида жавобгарлар фирибгарлик йўли билан ундан 11000 АҚШ долларини қўлга киритиб, қайтармасдан келаётганликларини маълум қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 1-бандига кўра шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим.

Фуқаролик ишига илова қилинган Косон туман ИИБнинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида 2014 йил 22 сентябрдаги қарорида даъвогар Ғ.Салимовнинг ёзган аризаси юзасидан олиб борилган терговолди текшириш жараёнида Жаҳонгир Субхонов ва Шарофат Раҳманованинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “в” бандида кўрсатилган “фирибгарлик” жиноятининг аломатлари мавжудлиги, бироқ улар жиноят содир этган вақтдан бошлаб 17 йилдан ортиқ муддат ўтганлиги ҳамда Ғ.Салимов Ж.Субхонов ва Ш.Шерназароваларга ер участкаси учун 11000 АҚШ доллари берган бўлиб, шу даврдаги 11000 АҚШ долларининг қиймати жиноят таркибини бермаслиги сабабли айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб, жиноят ишини қўзғатиш рад қилинганлиги кўрсатилган. Тергов органининг ушбу қарори ҳозирги кунда бекор қилинмаган.

ФПК 75-моддасининг 1-қисмига кўра суд ҳаммага маълум деб топган ҳолатларни исботлашга муҳтож эмас. Олий суд Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 11-сонли қарори 4-бандининг 7-хатбошисига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган қарори ҳамда жиноят ишини реабилитация асосларисиз тугатиш ҳақидаги тергов органи ва суд ажримидида қайд этилган ҳолатлар шу билан боғлиқ фуқаролик иши кўриб чиқилишида қайта исботлашни талаб қилмайди.



Мазкур қоида талабларидан келиб чиқиб, жавобгарларнинг даъвогарга нисбатан фирибгарлик жиноятини содир қилиб, даъвогарнинг 11000 АҚШ долларини қўлга киритганликларини қайта исботлашни зарурати бўлмасада, судлар асоссиз равишда жавобгарлар томонидан даъвогарга моддий зарар етказилганлигини исботловчи далил мавжуд эмаслигини ва даъво муддати ўтказиб юборилганлигини асослаб, даъвогарнинг даъво талабини рад қилиш ҳақида ноқонуний хулосага келган.

Ваҳоланки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 163-моддасига кўра жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.



5-Б О Б

**ИЖАРА, ҚАРЗ, КРЕДИТ  
ШАРТНОМАЛАРИ ҲАМДА  
ҲАКАМЛИК СУДЛАРИНИНГ  
ҚАРОРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ БИЛАН  
БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА  
СУД АМАЛИЁТИ**





## **5.1. Ижара шартномасининг муддати тугагандан кейин ижара ҳақи ва пеня ундиришга йўл қўйилмайди.**

Бунёд Нафасов жавобгар Расул Икромовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ижара ҳақи ва пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 14 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган ва жавобгардан даъвогар фойдасига 3 976 288 сўм ижара ҳақи ва 1 988 144 сўм пеня ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 21 ноябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 23 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, 2012 йил 1 августдаги 22-сонли ижара шартномасида даъвогар Бунёд Нафасов фуқаро Расул Икромовга Жиззах шаҳар, Ш.Рашидов кўчаси 40-уйда жойлашган маъмурий бинонинг 30 кв.мдан иборат хонасини ижарага берган.

Тарафлар ўртасида 2013 йил 21 январда тузилган 14-сонли ижара шартномасига асосан юқоридаги шартномага ўзгартириш киритилиб, ижара олувчига 9 кв.метрдан иборат хона ҳам қўшиб берилган.

Шартноманинг 2.2-бандида жами ижарага олинган хоналар 39 кв.метр, мазкур хоналарнинг бир йиллик ижара ҳақи 1 980 945 сўм эканлиги кўрсатилган.

2012 йил 1 августдаги 22-сонли ижара шартномасининг 8.1-бандида шартнома томонлар имзоланган кундан бошлаб кучга кириши ва Р.Икромов томонидан бинони сарфлашга кетган 6 469 945 сўмлик қурилиш харажатлари қоплангунга қадар амал қилиши белгиланган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра Расул Икромов 6 469 945 сўмлик қурилиш харажатларини 2016 йил 15 январда тўлиқ қоплаган. Бироқ қуйи судлар мазкур кундан бошлаб шартнома ўз кучини йўқотишини эътиборга олмасдан, Расул Икромов низоли хоналардан 2017 йил апрель ойига қадар ижара ҳақини тўламаганлиги учун 3 976 288 сўм



ижара ҳақи ва 1 988 144 сўм пеняни ундириш ҳақида барвақт хулосага келган.

## **5.2. Бир тараф шартномадаги мажбурияти бажарган бўлса, иккинчи тараф ундан мажбуриятини қайтадан бажаришни талаб қилишга ҳақли эмас.**

Дилфуза Маткаримова жавобгар Салима Мирзавалиевага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 7000 АҚШ долларини банк фоизи билан ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 7 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, жавобгар Салима Мирзавалиевадан даъвогар Дилфуза Маткаримованинг фойдасига 56 700 000 сўм асосий қарз, 7 938 000 сўмлик банк фоизи, жами 64 338 000 сўм ундирилиши белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 20 февралдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 22 майдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра қуйи судларнинг қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар Д.Маткаримова Қўқон шаҳар ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгар С.Мирзавалиева 2015 йил октябрь ойида жами 7000 АҚШ долларини бир ой муддат ичида қайтариб бериш шarti билан қарзга олганлиги, лекин ўтган вақт давомида олган қарзини қайтармаганлигини кўрсатиб, С.Мирзавалиевага нисбатан тегишли чора кўришни сўраган.

Ушбу ариза юзасидан Қўқон шаҳар ИИБ томонидан суриштирув ишлари олиб борилиб, ИИБ профилактика инспекторининг 2017 йил 29 сентябрдаги қарори билан С.Мирзавалиеванинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисмига биноан жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган ва Д.Маткаримовага фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.



ФКнинг 108-моддасига асосан фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммадаги битимлар, қонунда белгиланган ҳолларда эса – битим суммасидан қатъи назар, бошқа битимлар оддий ёзма шаклда тузилиши лозим. Мазкур Кодекснинг 109-моддасида битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмаслиги, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиши назарда тутилган.

Даъвогар Д.Маткаримова ўз талабларига Кўқон шаҳар ИИБда суриштирув юритилган ҳужжатлар, яъни у ва С.Мирзавалиеванинг тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги тергов органи қарорини далил сифатида келтириб, ўз важларини тасдиқловчи, хусусан жавобгар С.Мирзавалиева билан фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни белгиловчи шартнома, тилхат ёки жавобгар ундан қарздор эканлигини тасдиқловчи далилларни судга тақдим қилмаган. Ваҳоланки ФПКнинг 72-моддасига кўра ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Суд мажлисларида даъвогар Д.Маткаримова жавобгар С.Мирзавалиева олган 7000 АҚШ доллари, яъни 17500000 сўмни 2015 йил ноябрь ойига қадар 1 йил 9 ой учун ҳар ойда 1000000 сўмдан, жами 21000000 сўмни фоиз билан олганлигини баён қилган. С.Мирзавалиева эса Д.Маткаримовадан 7000 АҚШ доллари, яъни ўша даврда сўмга нисбатан қиймати 17500000 сўм бўлган қарзни олганлиги ва даъвогарга фоизи ҳисобида жами 45000000 сўм қайтарганлигини ҳамда ҳозирда қарзи мавжуд эмаслигини баён қилган.

Шундай қилиб, тарафларнинг тушунтиришларидан кўринишича, улар ўртасида пул олди-бердиси амалга оширилган вақтда 7000 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 17500000 сўмни ташкил қилган ва бу сумма жавобгар томонидан тўлиқ қайтарилган, ушбу ҳолатни суд мажлисларида даъвогар ҳам инкор қилмаган. Аксинча, даъвогар ортиғи билан пул суммасини олганлигини тасдиқлаб,



жавобгар билан ўртасида асосий қарз бўйича фоиз тўлаш ҳақида келишув мавжуд бўлганлигини баён қилган бўлса-да, унинг миқдори белгиланганлигини тасдиқловчи бирон-бир ёзма келишув бўлганлигини исботлай олмаган.

Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги 16-сонли қарорининг 21-бандига кўра, агар пул ёки ашё олганлик факти инкор этилмаса, у ҳолда уни ёзма далиллар билан тасдиқлаш талаб қилинмайди.

Фуқаролик кодексининг 341-моддасига биноан, мажбурият, қоида тариқасида, унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади.

Биринчи инстанция судида каби апелляция инстанциясида ҳам даъвогар ўз важларини асословчи ҳужжатларни тақдим қилмаган, аммо судлар даъвогар Д.Маткаримованинг Қўқон шаҳар ИИБга берган тушунтириш хати ва суддаги кўргазмалари асосида жавобгарга қарз сифатида берган 7000 АҚШ долларини банк фоизи билан ундириш ҳақида хулосага келган, бироқ қарз суммаси тўлиқ тўлаб бўлинганлигига эътибор қаратмаган.

### **5.3. Тарафлар ўртасида аслида қарз муносабати бўлмаса, қарзни ундириш боғлиқ моддий ҳуқуқ нормасини қўллаб, даъвони қаноатлантиришга йўл қўйилмайди.**

Жамол Сарваров жавобгар Умид Игамбердиевга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, жавобгар 2016 йил 4 майда 1000 АҚШ доллари миқдоридида қарз олганлиги ҳақида гувоҳлар иштирокида тилхат ёзиб берганлигини, бироқ жавобгар қарз пулларини беришдан бош тортиб келаётганлигини билдириб, жавобгардан 1000 АҚШ долларни ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 3 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 14 ноябрдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.



Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 15 майдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра қуйи судларнинг қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, “Нексия” русумли автомашина фуқаро Г.Байалиев номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

2015 йил 6 апрелда нотариал расмийлаштирилган ишончномага асосан фуқаро Г.Байалиев ўзига тегишли бўлган ушбу автомашинани 3 йил муддатга бошқариш ҳуқуқи билан даъвогар Жамол Сарваровга берган.

2015 йил 6 декабрда жавобгарнинг ўғли Махмуд Игамбердиев томонидан “Нексия” русумли автомашина ёқиб юборилган. Ушбу ҳолат бўйича Шовот туман ИИБ томонидан 2015 йил 16 декабрда М.Игамбердиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 267-моддасининг 1-қисмига асосан жиноят иши қўзғатилган.

Жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судининг 2016 йил 17 июндаги ҳукмига асосан М.Игамбердиевга нисбатан ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоиз ундириб бориш шарти билан 2 йил 6 ой 27 кун муддатда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Иш ҳужжатларига қўшилган, жавобгар Умид Игамбердиев томонидан 2016 йил 4 майда гувоҳлар З.Мамадалиходжаев ва Ж.Эргашевларнинг иштирокида ёзилган тилхатда Жамол Сарваровдан олган 1000 АҚШ доллари миқдоридagi қарзини 2017 йилнинг 4 майига қадар қайтариши белгиланган.

Ж.Эргашев ва З.Мамадалиходжаевларнинг судга тақдим этилган тушунтириш хатларида тарафлар ўртасида қарз ҳақидаги тилхат ёзилганда улар гувоҳ сифатида иштирок этишганлиги, жавобгар даъвогардан қарзга пул олмаганлиги, жавобгарнинг ўғли томонидан даъвогарга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги баён қилинган.

Шунингдек, судда гувоҳ сифатида сўралган З.Мамадалиходжаев М.Игамбердиев томонидан ёқиб юборилган автомашина ўрнига даъвогарга бошқа автомашина олиб берилганлигини баён қилган.

Даъвогар Ж.Сарваров апелляция инстанция судининг суд мажлисида унга М.Игамбердиев томонидан етказилган зарар



ҳисобига отаси У.Игамбердиев бошқа автомашина олиб берганлиги боис зарар қопланганлиги ҳақида нотариал тасдиқланган ариза ёзиб берганлиги, лекин У.Игамбердиев етказилган зарарнинг қопланган қисмига нисбатан фарқи сифатида 1000 АҚШ доллар қарздорлиги ҳақида тилхат ёзиб мажбурият олганлигини баён қилган.

2016 йил 6 майда нотариал тасдиқланган аризага кўра даъвогар Ж.Сарваров жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судига М.Игамбердиев томонидан етказилган зарар унинг ота-онаси томонидан тўлиқ қопланганлиги, яъни номига автомашина олиб нотариал расмийлаштириб берилганлиги, шу боис унга нисбатан даъвоси йўқлиги қайд этилган.

Қуйи судлар тарафлар ўртасида пул олди-берди муносабати бўлмаганлиги ҳақидаги хулосага келган бўлишсада, бироқ тилхат асосида жавобгар қарз мажбуриятини олганлиги ва қарз мажбурияти бажарилмаганлигини асос қилиб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида қарама-қарши хулосага келган.

Бундан ташқари, даъвогарнинг етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ҳақидаги нотариал тасдиқланган ариза жавобгар У.Игамбердиев томонидан ёзилган тилхатдан кейин берилганлиги судларнинг эътиборидан четда қолган. Шу боис қуйи судларнинг тарафлар ўртасида қарз шартномаси тузилганлиги, шу шартномага оид муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаларини қўлланилиши тўғрисидаги хулосаси иш материалларига тўғри келмайди.

#### **5.4. Суд шартнома тарафларидан бирининг мулкий аҳволини инобатга олиб, ундириш сўралаётган пеня миқдорини камайтиришга ҳақли.**

Янгиариқ шаҳар ҳокимияти жавобгар Шавкат Ибрагимовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, шаҳар ҳокимиятининг хўжалик ҳисобидаги уй-жой бўлими билан жавобгар Ш.Ибрагимов ўртасида 2010 йил 15 декабрда 9-сонли ижара



шартномаси тузилиб, Янгиариқ шаҳар, У.Хужаев кўчаси, 3-а уй, 40-хонадон ижарага берилганлигини, шартноманинг 3.1.-бандига асосан Ш.Ибрагимов хонадондан фойдаланиб келганлиги учун 2016 йил 1 декабрь ҳолатига ижара ҳақидан 9329239 сўм, ҳисобланган пенядан 2625736 сўм қарздорлиги мавжудлигини билдирган ва жавобгар шартнома шартларини бажармай келганлиги учун у билан тузилган ижара шартномасини бекор қилиб, жавобгарни уйдан кўчириш ва ундан ижара ҳақини пеняси билан қўшиб ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 14 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 1 июндаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 13 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорларининг пул ундиришга оид қисмига ўзгартириш киритилган.

Унга кўра жавобгар Ш.Ибрагимовдан даъвогар Янгиариқ шаҳар ҳокимияти фойдасига 4088880 сўм ижара ҳақи ва 100000 сўм пеня, жами 4188880 сўм ундирилган.

Аниқланишича, Янгиариқ шаҳар ҳокимиятининг Уй-жойларни рўйхатга олиш, тақсимлаш, алмаштириш ва хусусийлаштириш бўлими ва Ш.Ибрагимов ўртасида 2010 йил 15 декабрда 9-сонли ижара шартномаси тузилиб, Янгиариқ шаҳар, У.Хужаев кўчаси, 3-а уй, 40-хонадон Ш.Ибрагимовга ижарага берилган.

Шартноманинг 3.1.-бандида икки хонали хонадон учун бир ойлик ижара тўлови 56860 сўмни ташкил қилиши, ижарага олувчи ижара ҳақини ўз вақтида тўлаб бориши лозимлиги кўрсатилган.

Тарафлар ўртасида тузилган ижара шартномасининг 5.2.2., 6.2., 6.3.-бандларига кўра ижарачи ижара ҳақи ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаши, белгиланган муддатда ижара ҳақини тўламаганда, ҳар бир кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлаши, бунда пеня суммаси йиллик ижара суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги кераклиги, шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, ижара шартномаси бекор қилиниши ва ижарачи хонадонни бўшатиб қўйиши лозим бўлган.



Ш.Ибрагимов ижара шартларини бажармаганлиги сабабли у билан тузилган ижара шартномаси бекор қилиниб, уйдан кўчирилиши ҳақида қонуний хулосага келинган бўлсада, қуйи судлар томонидан ижара ҳақининг миқдори бўйича ногўғри хулосага келишган.

Чунки ижара шартномасидаги ойлик ижара ҳақи ҳар ойга 56 790 сўмдан ҳисобланганда 2010 йил 15 декабрдан то даъво аризаси судга киритилган кунга, яъни 2016 йил 15 декабрга қадар, жами 76 ойга – 4 088 880 сўм ижара ҳақини ташкил қилади.

Бундан ташқари, ФКнинг 326-моддасига кўра суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Судлов ҳайъати мазкур қонун нормасини қўллаган ҳолда, пеня миқдори шартнома шартларидан келиб чиқиб 2044440 сўмни ташкил қилсада, Ш.Ибрагимовнинг мулкий аҳволини, унинг бошқа яшаш жойи йўқлигини, у низоли хонадондан кўчирилганлигини инобатга олиб, пеня миқдорини камайтиришни ва Ш.Ибрагимовдан 100 000 сўм пеня ундиришни лозим топган.

## **5.5. Тарафлар ўртасида аслида қарз муносабати бўлмаса, қарзни ундириш билан боғлиқ моддий ҳуқуқ нормасини қўллаб, даъвони қаноатлантиришга йўл қўйилмайди.**

Ш.Ботиров жавобгар Ж.Собировга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2013 йил 10 мартда жавобгар ундан тилхат орқали 8 000 000 сўм қарз олганлигини, бироқ жавобгар олган пулини қайтармаганлигини баён этиб, ундан 8 000 000 сўм қарзни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 11 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 14 июлдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 13 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарор-





лари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Фуқаролик кодекси 732-моддасининг 1-қисмига кўра қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига барабар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Аниқланишича, фуқаролик иши биринчи инстанция судида кўрилишида жавобгар Ж.Собиров даъвогарга тегишли устахонада ишлаганлигини, эҳтиёт қисмларни олиб сотишганлигини, ҳисоб-китоб қилиш вақтида камомад чиқиб, Ш.Ботиров шу камомад юзасидан тилхат ёздириб олганлигини, даъвогардан қарз олмаганлигини кўрсатган.

Иш ҳужжатларига қўшилган жавобгар Ж.Собиров томонидан ёзилган тилхатда у Ш.Ботировдан автомобиль эҳтиёт қисмларини олиб сотиш билан шуғулланиб келганлиги, бир йилдан кейин ҳисоб-китоб қилинганда, Ш.Ботировдан 8000000 сўм қарз бўлиб чиққанлиги қайд этилган.

Бироқ тарафлар ўртасида қарз шартномаси тузилмаган бўлсада, қуйи судлар шартномага оид муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллаб, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келишган.

## **5.6. Тарафлар ўртасида қарз шартномаси тузилмаган қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлмаса, даъвогарнинг қарз суммасини ундириш ҳақидаги даъво талаби рад қилинади.**

Ботир Алимов жавобгар Жамила Аминовага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2005 йилдан 2016 йил 7 август-



га қадар Россия Федерациясида ишлаб, жавобгарга 110 000 АҚШ доллари юборганлигини, бироқ жавобгар мазкур пулларни беришдан бош тортиб келаётганлигини, шунинг учун жавобгардан 110 000 АҚШ доллари миқдоридаги қарз суммасини ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 13 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилган ва жавобгар Жамила Аминовадан даъвогар Ботир Алимов фойдасига 189 816 560 сўм ундирилган.

Даъво талабининг қолган қисми рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 11 апрелдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 23 ноябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Марказий банк Самарқанд вилоят Бош бошқармасининг 2016 йил 22 декабрдаги 13-сонли хатига кўра даъвогар Ботир Алимов 2005 йил 1 январдан 2016 йил 8 августга қадар бир қанча банкларга жавобгарнинг номига жами 56 612 АҚШ долларини юборган.

Биринчи инстанция суди мазкур хатга ҳамда даъвогар томонидан юборилган пуллар жавобгарга нисбатан қарз мажбуриятини вужудга келтиришига асосланиб, даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Фуқаролик кодекси 735-моддасининг 1 ва 2-қисмларига кўра қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белги-ланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайта-риши керак.

ФК 733-моддасининг 3-қисмига кўра, агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа



ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Бироқ судлар даъвогар Ботир Алимов жавобгар Жамила Аминовага ихтиёрий равишда пул маблағларини жўнатганлигини, тарафлар ўртасида юборилган пуллар қарз ҳисобланиши бўйича шартнома ёки мазкур пулларни қайтариш бўйича жавобгар ўзига ёзма мажбурият олмаганлигини эътиборга олмаган.

## **5.7. Ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича ҳал қилув қарорини чиқариш мумкин эмас.**

Бахрам Хатамов судга ариза билан мурожат қилиб ўзидан даъвогар Мухсин Атабевнинг фойдасига 1922000 АҚШ доллари ва тўланган ҳакамлик йиғими ҳамда почта харажатларини ундириш ҳақида 2015 йил 28 декабрдаги ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 25 февралдаги ажрими билан аризачининг аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2016 йил 5 апрелдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 29 декабрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, Б.Хатамовнинг аризасини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, ҳакамлик судининг 2015 йил 28 декабрдаги ҳал қилув қарорида даъвогар М.Атабаевнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, унинг фойдасига жавобгар Б.Хатамовдан 1922000 АҚШ долларини ундириш белгиланган.

Тарафлар ўртасидаги низони ҳакамлик судида кўриб чиқиш юзасидан 2015 йил 6 июлда расмийлаштирилган келишув битимида 2015 йил 6 июлдаги тилхат ва ундаги шартларга риоя қилмасликдан келиб чиқувчи ҳар қандай низонинг ҳакамлик судида кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши белгиланган.



Низони ҳақамлик суди судловига топшириш тўғрисидаги мазкур битим 2015 йил 6 июлда жавобгар Б.Хатамов томонидан танишиб чиқиш учун олинганлиги, аммо эътирози мавжудлиги кўрсатилган ҳолда имзоланган.

ФПК 3097-моддаси 1-қисмининг 2 ва 4-бандларига кўра ҳақамлик судининг ҳал қилув қарори, агар ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берган ҳақамлик муҳокамаси тарафи ҳақамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳақамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳақамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлиги суд томонидан ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилинишига асос бўлади.

Судлар аризани кўриб чиқиш жараёнида ҳақамлик битимида низо предмети сифатида назарда тутилган тилхат санаси ва битим имзоланган сананинг айнан бир кунда эканлиги ҳолати шубҳали ҳисобланишига, ҳақамлик судида муҳокама қилинган талабни тасдиқловчи тилхатлар билан ҳақамлик битимида назарда тутилган тилхат бир-биридан фарқланишига, ҳақамлик суди томонидан ҳақамлик битими доирасидан ташқарига чиққан ҳолда низо кўриб чиқилганлигига ҳамда тарафлар ўртасида ҳуқуқ тўғрисида низо мавжуд эканлигига эътиборни қаратишмаган.

## **5.8. Мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиш шартига риоя қилмаслиги ундирувни суғурта полисига қаратиш ҳақидаги даъво талабини рад қилишга асос бўлади.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар “Ипотекабанк” АТИБ Жиззах вилоят филиали манфаатида жавобгарлар “Sardor-Baxodir” МЧЖ, “Garant Insurance Group” МЧЖ суғурта компанияси, Дониёр Турсунов ва Дилфуза



Каримоваларга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарлардан солидар тартибда банк фойдасига 200 000 000 сўм кредит қарзи, 17 063 859 сўм кредитга ҳисобланган фоизлар, жами 217 063 859 сўмни, шундан 110 000 000 сўмни МЧЖ “Garant Insurance Group” суғурта компаниясидан ундиришни, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкларга қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 14 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган ва жавобгар “Sardor-Vaxodir” МЧЖдан даъвогар “Ипотекабанк” АТИБ Жиззах вилоят филиалининг фойдасига 200 000 000 сўм кредит қарзи, 17 063 859 сўм кредитга ҳисобланган фоизлар, жами 217 063 859 сўм ундирилиши белгиланган.

Ундирув гаровга қўйилган жавобгар Д.Турсуновга тегишли бўлган 2010 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия Донс” русумли, 2010 йилда ишлаб чиқарилган “Матиз” русумли автомашиналарга, жавобгар Д.Каримовага тегишли бўлган Термиз шаҳар, Афросиёб кўчасидаги 36,24 кв.метр ер майдонида жойлашган савдо дўкони биносига ҳамда МЧЖ “Garant Insurance Group” суғурта компаниясининг 110 000 000 сўмлик суғурта полисига қаратилган.

Кассация инстанцияси судининг 2017 йил 3 августдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 23 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорларининг ундирувни “Garant Insurance Group” суғурта компаниясининг суғурта полисига қаратиш”га оид қисми бекор қилинган.

Аниқланишича, “Ипотекабанк” АТИБ Жиззах вилоят филиали ва жавобгар “Sardor-Vaxodir” МЧЖ ўртасида тузилган 2015 йил 19 июндаги 39-сонли кредит шартномасига асосан банк томонидан “Sardor-Vaxodir” МЧЖга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мақсадида асбоб ускуна ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун уч йил муддатга йиллик 12 фоиз тўлаш шarti билан 200 000 000 сўм миқдорида кредит ажратилган.

Кредитнинг таъминоти сифатида жавобгар Д.Турсуновга тегишли бўлган 2010 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия Донс” русумли, 2010 йилда ишлаб чиқарилган “Матиз” русумли автомашиналар ҳамда



жавобгар Д.Каримовага тегишли бўлган Термиз шаҳар, Афросиёб кўчасидаги 36,24 кв.метр ер майдонида жойлашган савдо дўкони биноси гаровга қўйилган.

Шунингдек, “Garant Insurance Group” МЧЖ суғурта компаниясининг 110 000 000 сўмлик суғурта полиси ҳам гаров сифатида қабул қилинган.

“Sardor-Baxodir” МЧЖ кредит шартномасида кўрсатилган мажбуриятларини бажармасдан, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида тўламасдан келганлиги натижасида 2016 йил 12 апрель ҳолатида унинг муддати ўтган асосий кредит қарздорлиги 20 000 000 сўмни, кредит фоизларидан қарзи 17 063 859 сўмни ташкил қилган.

Шу сабабли Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар “Ипотекабанк” АТИБ Жиззах вилоят филиалининг манфаатларини кўзлаб судга кредит ва унга ҳисобланган фоизларни гаровга қўйилган мулкларни ҳисобидан ундириш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат қилган.

Судлар даъво талабини кредит қарзининг 110 000 000 сўмлик қисмини “Garant Insurance Group” МЧЖ суғурта компанияси суғурта полисига қаратиш қисми бўйича даъво талабини қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Фуқаролик кодексининг 915-моддасига кўра мулкий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Мулкий суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин:

- муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;



- фуқаролик жавобгарлиги хавфи – бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;
- тадбиркорлик хавфи – тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятдан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

2015 йил 22 июнда “Суғурталовчи” МЧЖ “Garant Insurance Group” суғурта компанияси, “Суғурта қилдирувчи” “Sardor-Baxodir” МЧЖ ва “Наф олувчи” “Ипотекабанк” АТИБ Жиззах вилоят филиали ўртасида кредитни қайтариш учун қарздорнинг суғурта мажбурияти тўғрисида 129-сонли шартнома тузилган.

Суғурта шартномасининг 3.2-бандида “Суғурталовчи”нинг мажбурияти кредит шартномасининг муддати тугагандан кейин 45 банк куни ўтгандан сўнг вужудга келиши кўрсатилган.

Кредит шартномаси бўйича кредитни қайтаришнинг охириги муддати 2018 йил 19 июнгача бўлиб, ушбу муддат тугагандан сўнг 45 банк кунидан кейин суғурта компанияси жавобгарнинг суғурта мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлиши мумкинлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

Тарафлар ўртасида тузилган суғурта шартномасининг 3.3-бандида кредит суммаси қисман ёки тўлиқ равишда бизнес режада назарда тутилган мақсадларда ишлатилмаганда, кредит суғурта томонидан қопланмаслиги ҳақида шартлашилган.

2015 йил 13 июлда “Ипотекабанк” АТИБ Жиззах вилоят филиали томонидан “Sardor-Baxodir” МЧЖга кредит чиқарилганига 19 кун ўтган бўлсада, кредит маблағи эвазига асбоб ускуналар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар банкка тақдим қилинмаганлиги сабабли кредит мақсадли ишлатилганлиги тўғрисида далолатнома тузилмай келинаётганлиги, шу боис тегишли ҳужжатларни тақдим қилиш ва кредитнинг мақсадли ишлатилганлигини жойига чиққан ҳолда, ҳужжатлар асосида мониторинг далолатномаси



тузилишини таъминлаш ҳақида 21/2643-сонли огоҳлантириш хати берилган.

2015 йил 30 сентябрда “Ипотекабанк” АТИБ Жиззах вилоят филиали Термиз минибанки бошлиғи Р.Эшонқулов томонидан тузилган далолатномада “Sardor-Baxodir” МЧЖ томонидан банкдан олинган 200 000 000 сўм кредит маблағи мақсадсиз ишлатилганлиги кўрсатилган. “Sardor-Baxodir” МЧЖ директори М.Назарова мазкур далолатномани имзолашдан бош тортган.

“Ипотекабанк” АТИБ Жиззах вилоят филиали томонидан 2016 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Жиззах вилоят бошқармасига “Sardor-Baxodir” МЧЖга ажратилган кредит маблағлари мақсадсиз ишлатилганлиги ва ўз вақтида қайтарилмасдан келинаётганлиги сабабли жамият раҳбарларига нисбатан қонуний чора кўрилиши сўралган.

Шунингдек, даъвогар ўзининг даъво аризасида ҳам банк томонидан ажратилган кредит суммаси “Sardor-Baxodir” МЧЖ томонидан мақсадсиз ишлатилганлигини маълум қилган.

Шундай бўлсада, судлар юқорида қайд қилинган шартнома шартларига зид равишда кредит қарзининг 110 000 000 сўмлик қисмини суғурта полисига қаратиш ҳақида хулосага келган.

Фуқаролик кодексининг 951-моддасига кўра мулкӣ суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Агар шартномада хабар қилиш муддати ва (ёки) усули назарда тутилган бўлса, бу шартлашилган муддатда ва шартномада кўрсатилган усулда қилиниши лозим. Агар наф олувчи ўзининг фойдасига тузилган шартнома бўйича суғурта товонига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш ниятида бўлса, айти шундай мажбурият наф олувчи зиммасида бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятнинг бажарилмаслиги суғурталовчига, агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги, ёхуд бу ҳақда суғурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.





Тарафлар ўртасида тузилган суғурта шартномасининг 7.1-бандида суғурта ҳодисаси содир бўлганда, “Суғурта қилдирувчи” (“Наф олувчи”) 30 иш куни ичида “Суғурталовчи”га ёзма равишда ариза билан мурожаат қилиши, аризага тегишли ҳужжатлар билан бирга кредитни мақсадли ишлатилганлигини исботловчи далолатнома ва бошқа ҳужжатларни илова қилиши шартлиги кўрсатилган.

Шартноманинг ушбу шарти “Суғурта қилдирувчи” ёки “Наф олувчи” томонидан бажарилмаганлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

Фуқаролик кодексининг 936-моддасига кўра, агар мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурталаш шартномасида суғурта пули суғурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчига (наф олувчига) у кўрган зарарни суғурта пулининг суғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаши шарт.

Мазкур Кодекснинг 942-моддасига кўра суғурта мукофоти деганда, суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи тушунилади.

Агар суғурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суғурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, суғурталовчи мулкий суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини суғурта мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

Тарафлар ўртасида тузилган суғурта шартномасининг 7.6-бандида, агар “Суғурта қилдирувчи” суғурта ҳодисаси содир бўлгунига қадар суғурта мукофотини тўлиқ тўламаган бўлса, суғурта товони (тўлови) тўланган суғурта суммасига пропорционал равишда тўланиши ҳақида келишилган.

Суғурта шартномаси бўйича суғурта суммаси 110 000 000 сўм бўлиб, “Суғурта қилдирувчи” “Sardor-Baxodir” МЧЖ ушбу сумманинг 2 фоизини, яъни 6 600 000 сўмни суғурта мукофоти сифатида тўлаши лозим бўлсада, суғурта мукофоти қисман, яъни 3 300 000 сўм тўланган бўлган.



Юқорида қайд қилинган қонун ва шартнома талабларига асосан суғурта ҳодисаси ҳақиқатда содир бўлган тақдирда ҳам, суғурта компанияси тўланган суғурта мукофотига мутаносиб равишда суғурта товони (пули)ни тўлаши лозимлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

Бундай ҳолларда суд қарорларининг кредит қарзининг 110000000 сўмлик қисмини МЧЖ “Garant Insurance Group” суғурта компаниясининг суғурта полисига қаратиш ҳақидаги хулосасини қонуний ва асосли деб топиб бўлмайди.



6-Б О Б

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ  
ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ БУЗАДИГАН  
ХАТТИ-ҲАРАКАТ (ҚАРОР)ЛАР  
УСТИДАН БЕРИЛГАН ШИКОЯТЛАР  
БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА  
СУД АМАЛИЁТИ**



## **6.1. Суд шикоятнинг асосли эканлигини аниқласагина, шикоятга сабаб бўлган хатти-ҳаракатни (қарорни) ғайриқонуний деб топиши мумкин.**

Дилдора Рахмонова ва Хусан Рахмонов судга жавобгар “Сирдарё марказий деҳқон бозори” АЖ мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят билан мурожаат қилиб, унда “Сирдарё марказий деҳқон бозори” АЖ раҳбариятига павильон расталаридаги 858-859-сонли ўринларни ўзларига ажратиб бериш мажбуриятини юклашни сўрашган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 9 мартдаги ҳал қилув қарори аризачиларнинг шикояти қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 3 августдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 12 декабрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, аризачининг шикоятини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган:

Аниқланишича, 2016 йил сентябрь ойидан бошлаб эр-хотин Дилдора Рахмонова ва Хусан Рахмоновлар “Сирдарё марказий деҳқон бозори” АЖ ҳудудидаги павильон расталаридаги 858-859-сонли ўринларда мева маҳсулотларини сотиш билан шуғулланиб келишган.

2017 йил январь ойида ушбу ўринларда аввал савдо қилиб келган Феруза ва Гулшан Амонова билан Дилдора Рахмонова ва Хусан Рахмоновлар ўрталарида 858-859-савдо ўринларидан фойдаланиш юзасидан жанжал келиб чиққанлиги сабабли улар бозор маъмурияти томонидан бу ўринлардан кўчирилган.

Бундан норози бўлган Дилдора Рахмонова “Сирдарё марказий деҳқон бозори” АЖ ҳудудидаги 858-859-сонли ўринларни ўзларига ажратиб беришни сўраб мурожаат қилган. Бозор маъмурияти томонидан 2017 йил 4 февралдаги 32-сонли хат билан унинг мурожаатига рад жавоби берилган.



Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари”нинг 30-бандига кўра бозорда савдо ўринлари жисмоний шахсларга фақат уларнинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома мавжуд бўлган тақдирда берилади, ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, чорва моллари, паррандалар ва бошқа товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган товарларни сотиш ҳолатлари бундан мустасно.

Ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун жисмоний шахсларга ўринлар ушбу Қоидаларга иловага мувофиқ тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкати бошқаруви томонидан берилган сотилаётган маҳсулот жисмоний шахс томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги ҳужжат (маълумотнома) тақдим этилган тақдирда берилади.

Судлар мазкур Қоида талабларини эътибордан четда қолдириб, фақатгина аризачилар Дилдора Рахмонова ва Хусан Рахмоновлар томонидан бозор ҳудудидаги 858-859-сонли ўринларнинг тўловлари тўлаб келинганлигини асослаб, шикоятни қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Чунки аризачи Хусан Рахмонов якка тартибдаги тадбиркор сифатида 2017 йил 5 январдагина рўйхатдан ўтган бўлсада, Дилдора Рахмонованинг якка тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома ёхуд унинг ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкати бошқаруви томонидан берилган сотилаётган маҳсулот жисмоний шахс томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги ҳужжатлар судга тақдим қилинмаган.

Гарчанд аризачи Дилдора Рахмонова ўзининг судда берган тушунтиришларида у якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат



рўйхатидан ўтганлигини маълум қилган бўлсада, ўзининг ушбу вазларини тасдиқловчи далилларни судга тақдим қила олмаган.

Аксинча, Сирдарё шаҳар тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказининг 2017 йил 12 декабрдаги 1930-сонли хатида Дилдора Рахмонова якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаганлиги кўрсатилган.

Қолаверса, юқорида қайд қилинган Қоидаларнинг 23-бандида сотувчи фақат бозор маъмурияти томонидан белгиланган жойлардагина савдо қилишга мажбур эканлиги кўрсатилган бўлиб, мазкур Қоидаларда ёки бошқа норматив ҳужжатларда сотувчиларнинг бозор ҳудудидаги савдо ўринларини танлаб олиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, аризачилар Дилдора Рахмонова ва Хусан Рахмонов билан бозор маъмурияти ўртасида бозор ҳудудидаги павильон расталаридаги 858-859-сонли ўринларни ижарага бериш тўғрисида шартнома тузилмаган.

ФПКнинг 271-моддасига кўра суд шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарори чиқаради.

Суд шикоятнинг асосли эканлигини аниқласа, шикоятга сабаб бўлган хатти-ҳаракатни (қарорни) ғайриқонуний деб топади, фуқаронинг талабини қаноатлантириш вазифасини юклайди, унга нисбатан қўлланган жавобгарлик чораларини бекор қилади ёки унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини бошқа йўллар билан тиклайди.

Агар шикоятга сабаб бўлган хатти-ҳаракатни (қарорни) қонуний, фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилмаган деб топса, у шикоятни қаноатлантиришни рад этади.

Аризачилар Дилдора Рахмонова ва Хусан Рахмоновнинг шикоятини қаноатлантириш учун асослар мавжуд бўлмасада, судлар аризачиларнинг шикоятини қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган. Бундай ҳолларда суд қарорларини қонуний ва асосли деб топиб бўлмайди.



## **6.2. Кимошди савдоси орқали сотиб олинган кўчмас мулкни фуқарога топшириш ҳақидаги суд ижрочисининг қарори кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказишга асос бўлади.**

Исмаил Ражабов жавобгар Чирчиқ шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхонаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, унда корхона зиммасига Чирчиқ шаҳар, Боткина кўчаси, 110/6-уйни унинг номига расмийлаштириш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 8 апрелдаги ҳал қилув қарори билан аризачининг шикояти қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2016 йил 17 майдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, шикоят аризани рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 4 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори кучида қолдирилган.

Аниқланишича, жиноят ишлари бўйича суднинг 2015 йил 6 мартдаги ҳукмига асосан Чирчиқ шаҳар, Боткина кўчаси, 110/6-уй давлат фойдасига мусодара қилинган ва суд ижрочилари бўлими томонидан мазкур уй-жой кимошди савдосига қўйилган.

Аризачи Исмаил Ражабов 2015 йил 13 августда Республика кўп тармоқли кўчмас мулк савдо биржасида қатнашиб, уй-жойни сотиб олган.

Суд ижрочисининг 2015 йил 2 сентябрдаги қарорига асосан ушбу уй-жой аризачига далолатнома асосида топширилган.

Аризачининг уй-жойни номига давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги мурожаати Чирчиқ шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2015 йил 27 августда рад қилинган.

2014 йил 7 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг 1-сонли қарори билан тасдиқланган "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 42-бандида суд қарори ёки суд ижрочисининг қарори ёхуд суд ижрочиси томонидан тасдиқланган ундирувчи ва қарздор





ўртасида тузилган бино ва иншоотни бериш далолатномаси кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлиши кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси суди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларини қўллаган ҳолда аризачининг шикоятини қаноатлантиришни рад қилиш ҳақидаги нотўғри хулосага келган.

Чунки аризачи И.Ражабовнинг талаби уни Чирчиқ шаҳрига рўйхатга қўйиш бўлмасдан, қонуний асосларда сотиб олган уй-жойини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлганлиги суднинг эътиборидан четда қолган.

### **6.3. Эр ва хотин ўртасида алимент тўлаш тўғрисида келишув мавжуд бўлмаса, вояга етмаган фарзанднинг моддий таъминоти учун алиментни жавобгарнинг отасидан ундирилишига йўл қўйилмайди.**

Хасан Салаев жавобгарлар Гўзал Жалилова ва Суд ижрочиларининг Боғот туман бўлимига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Г.Жалилова билан 2010 йил 4 ноябрда турмуш қурганлигини, бир нафар фарзанди борлигини, 2013 йил 14 январдаги суд буйруғига асосан ўзидан фарзандининг таъминоти учун алимент ундирилиши белгиланганлиги сабабли суд ижрочиларининг қарори билан Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланганлигини, отаси Атабой Салаев ундирилиши белгиланган алиментни тўлашга рози эканлигини, шу сабабли фарзандининг таъминоти учун ундирилиши белгиланган алиментни отаси А.Салаев зиммасига юклашни ва суд ижрочиларининг қарорини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2013 йил 5 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, суд ижрочилари Боғот туман бўлимининг 2013 йил 20 февралдаги қарздор Х.Салаевни Ўзбекистон



Республикасидадан чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ҳақидаги қарори бекор қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2013 йил 14 январдаги суд буйруғига асосан қарздор Х.Салаевдан ундирувчи Г.Жалилова фойдасига 2012 йил 30 сентябрда туғилган Атабоев Фаррух Хасан ўғлининг таъминоти учун ундирилиши белгиланган алимент Х.Салаевнинг отаси А.Салаевдан ундирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 29 декабрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Г.Жалилова ва Х.Салаев 2011 йил 5 октябрда никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан Фаррух исми фарзандлари бор.

Биринчи инстанция судининг 2013 йил 14 январдаги суд буйруғига кўра қарздор Х.Салаевдан ундирувчи Г.Жалилова фойдасига 2011 йил 30 сентябрда туғилган Фаррух Атабоевнинг таъминоти учун иш ҳақи ва бошқа даромадининг  $\frac{1}{4}$  қисми миқдоридан алимент ундирилган.

Мазкур суд буйруғига асосан Суд ижрочилари Боғот туман бўлимининг 2013 йил 20 февралдаги қарори билан қарздор Х.Салаевнинг Ўзбекистон Республикасидадан чиқиш ҳуқуқлари вақтинча чекланган.

2013 йил 10 майда нотариал тасдиқланган кафолат хатига кўра А.Салаев фарзанди Ф.Атабоевдан ундирилиши белгиланган алимент миқдорини тўлашни ўз зиммасига олган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантиришда мазкур кафолат хатига асосланган.

Оила кодекси 145-моддасининг 1-қисмига кўра алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётганида қонунга мувофиқ ўзи таъминот бериши лозим бўлган алимент олувчилар билан ушбу Кодекснинг 130-134-моддаларига асосан алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиши шарт.

Алимент тўлаш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда шахс алимент миқдорининг пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши ва алиментни бир йўла тўлаш тўғрисида ёки алимент



эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд алиментни бошқа усулда тўлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Бироқ, Х.Салаев ва Г.Жалилова ўртасида алимент тўлаш тўғрисида келишув тузилмаган ёки юқоридаги Кодекс талаби бўйича суднинг тегишли қарори чиқарилмаган ҳамда Г.Жалилова алиментни А.Салаевдан ундирилишига норозилигини билдирсада, суд моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаб, бирон-бир қонуний асосиз даъвони қаноатлантирган.

Яъни, суд амалдаги Оила қонунчилигида суд қарори асосида вояга етмаган фарзанднинг моддий таъминоти учун ундирилиши белгиланган алиментни жавобгарнинг отасидан ундирилишини белгиловчи норма мавжуд эмаслигига эътибор қаратмаган, шунингдек суд ижрочисининг қарорини қонунга зид равишда бекор қилган.

#### **6.4. Фуқарога меҳнат жароҳати учун тўловни амалга ошираётган юридик шахс тугатилган тақдирда, мазкур тўловларнинг қолган қисми юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жой бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

Х.Ибрагимов Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Жомбой туман бўлими бошлиғининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, унда мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топишни ва унинг зиммасига меҳнатда майибланиш билан боғлиқ зарар (товон) пулини ойма-ой тўлаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 15 июндаги ҳал қилув қарори билан аризачининг аризаси рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 25 июлдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 13 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд



қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, аризачи Х.Ибрагимов собиқ “Коммунизм” колхозида курак чивитгич машинасида ишлаб келиб, 1973 йил 8 октябрда ускуна ўраб кетганлиги натижасида у ўн қўлидан ажралган. Бунинг оқибатида унга иккинчи гуруҳ ногиронлиги тайинланган.

2013 йил 24 апрелдаги ногиронлик тўғрисидаги маълумотномага кўра унинг меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси 80 фоиз деб белгиланган.

Х.Ибрагимовга собиқ “Коммунизм” колхози тугатилиб кетгунга қадар зарар пули тўлаб келинган, ногиронлиги умумий касаллик бўлганлиги учун 2013 йил қайта кўрикдан ўтиб, ҳужжатларни тақдим қилганида унга меҳнатда майибланиш 2-гуруҳ ногиронлик муддатсиз белгиланган ва у 2017 йил январь ойида Жомбой туман Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига зарар пулини тўлаб бериш ҳақида ариза билан мурожаат қилган.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Жомбой туман бўлимининг 2017 йил 20 апрелдаги 856-сонли хатида аризачи Х.Ибрагимов бўлимга “Коммунизм” колхозининг унга зарар (товон) пулини белгилаш ҳақидаги буйруғидан кўчирма, колхоз томонидан товон пулини белгилаш ҳисоби, қачонгача тўланганлиги ҳақидаги маълумотномалар тақдим эта олинмаганлиги сабабли унинг мурожаати рад қилинган.

Меҳнат Кодексининг 189-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 1 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари”нинг 2-банди иккинчи хатбошисига кўра иш берувчи иш берувчининг ҳудудида ва унинг ташқарисида, шунингдек иш берувчи берган транспортда ишга келиш ва кетиш вақтида ходимнинг соғлиғига меҳнат жароҳати билан етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади. Иш берувчи, меҳнат жароҳати ёки бошқа меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ равишда ходим соғлиғига



етказилган зарарни, агар у етказилган зарар учун ўзининг айбдор эмаслигини исбот қила олмаса, ходимга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Мазкур Қоидаларнинг 4-бандига кўра меҳнат жароҳати учун иш берувчининг айбдорлигини ёки жавобгарлигини исботловчи далил бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси ҳисобланади.

Х.Ибрагимов билан содир бўлган 1973 йил 8 октябрдаги бахтсиз ҳодиса ишлаб чиқариш билан боғлиқ деб топилган ва Н-1 шаклдаги далолатнома тузилган.

Юқоридаги Қоидаларнинг 44-бандига кўра меҳнат жароҳати учун жавобгар бўлган юридик шахс тугатилган тақдирда тугатиш комиссияси зарарни тўлаш суммасини бундан кейин тўлаш учун зарур суммани тугатилаётган юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жой бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маблағлари жамланадиган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимларининг махсус мақсадли бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларига ўтказиши керак.

Бироқ, Жомбой туман ҳокимининг 2013 йил 18 февралдаги 100-сонли қарорига кўра туманда фаолият кўрсатган собиқ “Коммунизм” колхози тугатилган бўлсада, қуйи судлар юқорида қайд этилган қоидалар ва иш ҳолатларини эътиборга олмасдан, аризани асоссиз равишда рад қилган.

## **6.5. Якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахслар ўртасидаги низолар фуқаролик судининг иш юритувига тааллуқли эмас.**

---

Якка тартибдаги тадбиркор О.Камалов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, туман давлат солиқ инспекцияси мансабдор шахслари Ж.Камалов, Т.Саидов ва Б.Давлатовларнинг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш, ўзига нисбатан қўлланилган жавобгарлик чораларини бекор қилиб, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2015 йил 21 апрелдаги ҳал қилув қарори билан туман давлат солиқ инспекцияси мансабдор шахслари Ж.Камалов, Т.Саидов ва Б.Давлатовларнинг хатти-ҳаракатлари ғайриқонуний деб топилган, туман Давлат солиқ инспекциясининг 2014 йил 23 августдаги далолатномаси ҳамда 2014 йил 15 октябрдаги ва 20 ноябрдаги қарорлари ҳақиқий эмас деб топилган, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаби рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2015 йил 2 июлдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 2 декабрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган.

Аниқланишича, туман ДСИ томонидан якка тартибда тадбиркор Камалов Ойбекнинг фаолияти юзасидан 2014 йил 23 августда қисқа муддатли текширув ўтказилган ва бу ҳақда далолатнома тузилиб, унда текширув ўтказишга 2014 йил 22 августдаги 242-сонли буйруқ асос сифатида кўрсатилган. Мазкур текширув натижасига кўра туман ДСИ бошлиғи 2014 йил 15 октябрда қарор чиқариб, якка тадбиркорга нисбатан жами 16 900 315 сўмлик молиявий жарима қўллаган.

Шунингдек, туман ДСининг 2014 йил 20 ноябрдаги қарори билан О.Камаловга нисбатан молиявий жазо қўллаш қарори инobatга олиниб, яна қайтадан Солиқ кодекси 114-моддасининг 1-қисмига кўра 2 148 230 сўм молиявий жарима қўлланилган.

О.Камалов бир неча марта туман ДСБга ўтказилган қисқа муддатли текширув натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар устидан шикоят бериб, қарорларни бекор қилишни сўраган.

Вилоят ДСБ томонидан берилган 041-397-сонли хатига асосан мурожаатдаги вазлар асоссиз деб ҳисобланиб, О.Камаловга қарорлар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

ХПК 23-моддаси 1-қисмининг 1-бандига кўра иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги



фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар ҳўжалик судига тааллуқлидир.

Шу боис мазкур низоли муносабат иқтисодий суднинг судловига тааллуқлилиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

## **6.6. Қарздорнинг ягона уй ёхуд уйининг муайян қисмига ундирувни қаратиш ҳақида тегишли суднинг ҳал қилув қарори мавжуд бўлмаса, суд ижрочиси томонидан ушбу уй-жой рўйхатга олиниши мумкин эмас.**

Г.Рахимова жавобгар Боғот туман суд ижрочилари бўлимига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, мулкни рўйхатдан чиқариш ва суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 25 февралдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 12 июлдаги ҳал қилув қарори билан Г.Рахимованинг даъво талаблари қаноатлантирилган.

Унга кўра Боғот туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2013 йил 20 июлда рўйхатга олинган, Боғот туман ҳокимининг 2012 йил 18 январдаги 11-сонли қарори билан Г.Рахимова номига эгалик ҳуқуқи белгиланган уй-жойнинг "А" ифодали қисмида жойлашган, яшаш майдони 71,9 кв.м, коридори 7,13 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 79,03 кв.м.дан иборат 4 та яшаш хонаси рўйхатдан чиқарилган.

Боғот туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2014 йил 25 февралдаги Г.Рахимовага тегишли уй-жойнинг "А" ифодали қисмида жойлашган, яшаш майдони 71,9 кв.м, коридори 7,13 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 79,03 кв.м.дан иборат 4 та яшаш хонасини ундирувчига топшириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги қарори ҳақиқий эмас деб топилган. Аниқланишича, биринчи инстанция судининг 2012 йил 24 майдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Т.Эсанованинг фойдасига жавобгар Г.Рахимовадан 11200000 сўмни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати Боғот туман суд ижрочилари бўлими иш юритувига 2012 йил 14 июлда келиб тушган.

Ижро ҳаракатларни олиб бориш жараёнида туман суд ижрочиларига Г.Рахимовага Боғот туман ҳокимиятининг 2012 йил



18 январдаги 11-сонли қарорига асосан Боғот тумани “Сайроб” маҳалласидаги 2500 кв.м ер майдонида қурилган, “А” ифодали, 4 хонали, яшаш майдони 71,9 кв.м, коридори 7,13 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 79,03 кв.м., “А1” ифодали 4 хонали, яшаш майдони 85,1 кв.м, коридори 9,62 кв.м, “Б” ифодали 63,0 кв.м. омборхона, “Б1” ифодали 30,0 кв.м омборхона, “В” ифодали 15 кв.м. омборхоналардан иборат жами 8 хонали уй-жой тегишли эканлиги маълум бўлган.

2012 йил 19 январда мазкур уй-жой Гулнора Рахимованинг номига давлат рўйхатидан ўтказилиб, уй-жойга кадастр рақами берилган.

Суд ижрочиси томонидан Гулнора Рахимованинг номида бошқа мол-мулклари аниқланмаганидан кейин, унга тегишли ягона уй-жойининг “А” ифодали қисмида жойлашган, яшаш майдони 71,9 кв.м, коридори 7,13 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 79,03 кв.м.дан иборат 4 та яшаш хонаси 2013 йил 20 июлда рўйхатга олиниб, тегишли далолатнома тузилган.

Уй-жойнинг мазкур қисми 23105 377 сўмга баҳоланиб, сотувга чиқарилган. Бироқ у сотувда сотилмаганлиги сабабли Боғот туман суд ижрочисининг 2014 йил 15 январдаги қарорига уни Турсуной Эсановага топшириш ва унинг номига давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган.

Ваҳоланки, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 52-моддасига кўра ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздор жисмоний шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки унинг умумий мулкдаги улуши бўлган ягона уйга (квартирага), агар қарздор ва (ёки) унинг оила аъзолари унда доимий равишда яшаётган бўлса қаратилмайди.

Ундирувчи ёки суд ижрочисининг аризасига кўра ундирув суд томонидан қарздорнинг ягона уйига (квартирасига) ёхуд уй ҳудудидаги алоҳида турган бинога ёки уйининг муайян қисмига, агар суд уйни (квартирани), шу жумладан, унга туташ ҳудудни қисмларга бўлиш мумкин, қарздор тасарруфида қолган қисми эса қарздор ва унинг оила аъзолари нормал турмуш кечириши учун етарли деб топган тақдирдагина қаратилиши мумкин.

Суд ижрочиси томонидан мазкур қонун талабига зид равишда Г.Рахимованинг ўзига тегишли ва ҳозирда оила аъзолари билан яшаб келаётган ягона уй-жойининг бир қисми рўйхатга олинган.





7-Б О Б

**МЕРОС БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР  
БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ**



## **7.1. Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқий эмас деб топилиши шу гувоҳнома асосида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлади.**

Гулнора Шодиева жавобгарлар Ойгул Расулова, Боғот туман ҳокимияти, Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати, 1-сон давлат нотариал идораси ва Мухаббат Машариповаларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, марҳум Бегали Расуловнинг фарзанди бўлган Эргаш Бегалов билан 1973 йил 12 сентябрда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурганлигини, 2012 йил 18 апрелда мазкур уй-жойга Боғот туман ҳокимининг 333-сонли қарори билан марҳум Б.Расуловнинг эгалик ҳуқуқи белгиланганлигини, 2012 йил 14 июлда нотариал тасдиқланган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан Ойгул Расулова низоли уй-жойга меросхўр деб топилганлигини, бироқ Эргаш Бегаловнинг фарзандларини розилиги олинмаган ҳолда 2013 йил 15 январда уй-жой сотилганлигини, бунинг натижасида ўзларининг мерос ҳуқуқига оид ҳуқуқлари бузилганлигини билдириб, 2012 йил 14 июлдаги қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ва 2013 йил 15 январдаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 25 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, Боғот туман 1-сон давлат нотариал идораси томонидан 2012 йил 14 июлда О.Расулова номига берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган.

Даъво талабининг қолган қисми рад қилинган.

Фуқаролик иши апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўрилмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 27 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорининг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни рад қилишга оид қисми бекор қилиниб, шу қисми бўйича даъвони қаноатлантириш



ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Боғот туман ҳокимининг 2012 йил 18 апрелдаги 333-сонли қарорига кўра Боғот туман, Пахтаобод маҳалласида жойлашган 1780 29 кв.м ер майдонида қурилган уй-жойга марҳум Бегали Расуловнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Унинг Ойтош ҳамда Эргаш исмли фарзандлари бўлган.

Фуқаролик ишидаги ҳужжатларга кўра Эргаш Бегалов ва Гулнора Шодиевалар 1973 йил 12 сентябрда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қуришган.

Биргаликдаги турмушларидан Комил, Мусурмонқул, Каҳрамон, Насиба ва Нодира исмли фарзандлари бор.

Э.Бегалов 2012 йил 22 декабрда вафот этган.

2012 йил 14 июнда нотариал тасдиқланган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага кўра низоли уй-жойга нисбатан О.Расулова меросхўр эканлиги кўрсатилган.

2013 йил 14 июнда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига кўра О.Расулова уй-жойни М.Машариповага сотган.

ФКнинг 11401-моддасига кўра, агар васиятнома бўйича ёки қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса, унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулки васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига ўтади (мерос трансмиссияси). Мерос трансмиссияси тартибида меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи бундай меросхўрнинг вафотидан кейин очилган мерос таркибига кирмайди.

ФКнинг 1135-моддасига кўра мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

Мазкур қонун талабига кўра низоли уй-жойнинг Э.Бегаловга тегишли қисмига унинг турмуш ўртоғи ҳамда фарзандлари биринчи навбатдаги меросхўр ҳисобланади.



Бироқ 2012 йил 14 июнда низоли уй-жой бўйича О.Расуловнинг номига нотариал тасдиқланган гувоҳнома беришда Э.Расуловни меросхўрларнинг розилиги олинмаган бўлсада, биринчи инстанция суди даъво талабининг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишга оид қисмини рад қилиш ҳақида барвақт хулосага келган. Чунки қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бевосита олди-сотди шартномасини тузишга асос бўлган, бунинг натижасида марҳум Э.Расуловни меросхўрларнинг меросга оид ҳуқуқлари бузилган.

## **7.2. Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талабига нисбатан даъво муддати жорий қилинади.**

Фарход Мирзаев, Нурбек Мирзаев ва Мавжуда Эргашевалар жавобгарлар Бахтиёр Дехқанов, Саодат Дехқанова ва Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда 2002 йил 6 августда Урганч шаҳар давлат нотариал идораси томонидан ўзларининг мерос улушлари инobatга олинмасдан, ота-онасига тегишли Урганч шаҳар, Мурувват кўчаси 24-уйга нисбатан онаси П.Мирзаевнинг номига қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлигини билдириб, мазкур гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 30 июндаги ҳал қилув қарори билан даъвогарлар Ф.Мирзаев ва бошқаларнинг даъво талаблари рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 27 сентябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Унга кўра даъвогарлар Ф.Мирзаев ва бошқаларнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, Урганч шаҳар давлат нотариал идораси томонидан 2002 йил 6 августда расмийлаштирилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган.



Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 17 январдаги ажрими билан апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогарларнинг ота-онаси Бердикул Мирзаев билан Патма Мирзаевалар 1948 йили қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан 7 нафар фарзандлари бўлган.

Б.Мирзаев 1981 йил 1 декабрда вафот этган.

1997 йил 18 июндаги Урганч шаҳар ҳокимининг қарори билан Урганч шаҳар, Мурувват (М.Узоков) кўчаси 24-уйга нисбатан Б.Мирзаевнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

2002 йил 6 августда Урганч шаҳар давлат нотариал идораси томонидан берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан Б.Мирзаевдан қолган мерос уйга нисбатан унинг турмуш ўртоғи П.Мирзаева меросхўр эканлиги тасдиқланган.

2002 йил 12 декабрдаги нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан П.Мирзаева ушбу турар жойни С.Дехкановага сотган.

2015 йил 29 сентябрдаги уй-жой олди-сотди шартномасига асосан Х.Бердикулов бу низоли уйни С.Дехкановадан сотиб олган.

Даъвогарлар Ф.Мирзаев, Н.Мирзаев ва М.Эргашева 2002 йил 6 августда онаси П.Мирзаеванинг номига қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилганда бошқа меросхўрларнинг, яъни ўзларининг розилиги олинмаганлигини асос қилиб кўрсатиб, қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ўз навбатида низоли уйнинг охириги мулкдори бўлган Х.Бердиқулов даъвогарлар уч йиллик даъво муддатини асоссиз равишда ўтказганлиги сабабли даъво муддатини қўллаб, даъвони рад қилишни сўраган.

Шунингдек, жавобгарлар Б.Дехканов ва С.Дехканова ўзларининг тушунтиришларида даъвогарлар уй сотилганлиги тўғрисида хабардор бўлганлигини, Ф.Мирзаевнинг ўзи марҳум отасининг



улушини онасининг номига мерос қилиб расмийлаштирганлигини, даъвогарлар даъво муддатини ўтказиб юрганлигини билдирган.

ФКнинг 150-моддасига кўра умумий даъво муддати – уч йил. Мазкур кодекснинг 153-моддасига биноан бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланади. Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариш учун асос бўлади.

Бироқ, апелляция инстанцияси суди даъвогарлар қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлиги юзасидан низолашиш бўйича уч йиллик даъво муддатини узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юрганлигини эътиборга олмасдан, биринчи инстанция суди қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Чунки даъвогарлар онасига қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганидан кейин уй-жой С.Дехканованинг номига олди-сотди шартномаси асосида расмийлаштирилганидан 2004 йилда хабардор бўлганлигини ўзларининг даъво аризасида келтириб ўтишган.

Бироқ улар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлиги юзасидан қонунда белгиланган муддатда судга мурожаат қилишмаган.

Шу билан бирга, апелляция инстанцияси судининг қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талаби бўйича даъво муддати жорий қилинмаслиги ҳақидаги хулосаси ҳам асоссиздир. Чунки ФКнинг 163-моддасида даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар келтириб ўтилган бўлиб, унда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмаслиги назарда тутилмаган.



### **7.3. Даъво муддатининг узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлиги ҳамда тегишли тарафнинг даъво муддатини қўллаш ҳақида аризаси даъвони рад қилишга асос бўлади.**

К.Самандарова ва бошқалар жавобгарлар О.Хамраев ва бошқаларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда турмуш ўртоғи Алишер Хамраев 2004 йил 19 майда вафот этганлигини, у вафот этгунига қадар Питнак шаҳар, А.Навоий кўчаси, 20-уйда яшаб келганликларини, кейинчалик ушбу уйдан кўчиб кетганликларини, 2004 йилдан буён мазкур уй-жойда жавобгарлар яшаб келаётганлигини, мазкур уй-жой бобоси Салайдин Хамраевга тегишли эканлигини, бобоси ушбу уй-жойни ўғли Алишер Хамраевга 1997 йил 27 майда нотариал тасдиқланган васиятномага асосан қолдирганлигини, кейинчалик мазкур васиятнома бобосининг аризасига асосан 1998 йил 21 февралда бекор қилинганлигини, бироқ ўзлари бунга ишонмасликларини, чунки аризадаги имзо бобосига тегишли эмаслигини, 2004 йил 21 декабрда низоли уй-жой Олим Хамраевнинг номига қонун бўйича ворислик ҳақида гувоҳномага асосан ўтганлигини, мазкур гувоҳноманинг мавжудлигини жавобгар Олим Хамраев уй-жойни сотмоқчи бўлганида билганликларини кўрсатиб, уй-жой бўйича 2004 йил 21 декабрда нотариал тасдиқланган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ва низоли уй-жойга нисбатан васиятнома бўйича меросхўр деб топишни сўраганлар.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 14 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 30 октябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарларнинг даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра 2004 йил 21 декабрда Питнак шаҳар, А.Навоий кўчаси, 20-уй бўйича Олим Хамраевнинг номига берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган ва уй-жойнинг маҳрум Салайдин Хамраевга тегишли





қисмига даъвогарлар Карима Самандарова, Илхом Салахиддинов, Ислом Салахиддинов ва Чарос Маминоваларнинг ҳар бирига 1/8 қисми миқдорида васиятнома бўйича ворислик ҳуқуқи белгиланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 24 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори кучида қолдирилган.

Аниқланишича, Салайдин Хамраев ва Нусха Хамраевалар 1960 йил 16 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан саккиз нафар яъни Мохира, Низом, Собир, Самад, Шахрибо, Алишер, Шоира ва Сафия исмли фарзандли бўлишган.

Салайдин Хамраев 1998 йил 9 апрелда Нусха Хамраев эса 2012 йил 25 сентябрда вафот этган. Уларнинг фарзандлари бўлган Исмат 2004 йил 19 майда, Низомиддин эса 2007 йил 27 августда вафот этган.

Даъвогар Карима Самандарова марҳум Алишер Хамраев билан 1989 йил 22 августда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган ва биргаликдаги турмушларидан уч нафар, яъни Илхом, Ислом ва Чарос исмли фарзандли бўлишган.

Марҳум Низомиддин Хамраевнинг Юлдуз, Лола, Тулганой, Хилола ва Уғилой исмли фарзандлари бор.

1997 йил 27 майда нотариал тасдиқланган васиятномага кўра Салайдин Хамраев оила аъзолари билан яшаб келган Пайариқ шаҳар, Нодирабегим кўчаси, 24-уйни Алишер Хамраевга васият қилган.

Бироқ мазкур васиятнома Салайдин Хамраевнинг аризасига асосан 1998 йил 21 февралда нотариус томонидан бекор қилинган.

Питнак туман ҳокимининг 2004 йил 2 ноябрдаги 918-сонли қарорига кўра низоли уй-жойга С.Хасановнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Алишер Хамраевнинг вафотидан кейин даъвогарлар мазкур уй-жойдан кўчиб кетишган ва унда жавобгарлар яшаб келишган.

2004 йил 21 декабрда нотариал тасдиқланган аризаларга кўра С.Хамраевнинг турмуш ўртоғи Нусха Хамраев ҳамда уларнинг фарзандлари Мохира, Самад, Шахри, Шоира ва Сафиялар ўзларининг



низоли уй-жой бўйича мерос улушларини Олим Хамраев фойдасига воз кечишган, шу куни нотариал тасдиқланган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага кўра низоли уй-жой Олим Хамраевга мерос бўлиб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 149-моддасига биноан даъво муддати – шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.

Судда жавобгарлар ишончли вакили Г.Шарипов даъвогарларнинг даъво талабига нисбатан даъво муддатини қўллаган ҳолда даъвони рад этишни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 150-моддасида умумий даъво муддати – уч йил.

Ушбу Кодекснинг 153-моддасига асосан даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Биринчи инстанция суди қайд этилган қонун талаблари ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, даъвогарлар даъво муддатини узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборганлигини эътиборга олиб, даъвони рад қилиш ҳақида қонуний хулоса келган бўлса-да, апелляция инстанцияси даъвогарлар низоли уй-жой бўйича Олим Хамраевга қонун бўйича ворислик ҳақидаги гувоҳнома берилганидан хабарлари бўлмаганлигини, улар ҳам қонун бўйича биринчи навбатдаги меросхўрлар тоифасига кирсада, нотариус томонидан тегишли тартибда чақирилмаганлигини, бунинг натижасида уларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилганлигини асос қилиб олиб, ноқонуний хулосага келган.

Хусусан Фуқаролик кодексининг 154-моддасига мувофиқ даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди.

Даъвогарлар даъво муддатини узрли сабабларга кўра ўтказиб юборганлигини тасдиқловчи далилларни тақдим қилишмаган, шу сабабли ҳайъат уларнинг важларини асоссиз деб ҳисоблаган.



Чунки ҳақиқатдан ҳам нотариус томонидан даъвогарлар О.Хамраевга қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришда улар тегишли тартибда чақирилмаган бўлсада, улар мерос мулкни қабул қилиш учун нотариал идорага мурожаат қилишганда ўз ҳуқуқлари бузилганлигини билган бўлиши лозимлиги апелляция инстанциясининг эътиборидан четда қолган.

8-Б О Б

**МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ БИЛАН  
БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА  
СУД АМАЛИЁТИ**



## **8.1. ФПКнинг 124 моддасига кўра, агар иш судга тааллуқли бўлмаса суд иш юритишни тугатади.**

---

Б.Эргашев жавобгарлар Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига нисбатан судга даъво аризаси билан музоамаат қилиб, Олий ўқув юрти билан тузилган контракт ассосиз бекор қилинганлигини билдириб, уни бекор қилиш ҳақидаги буйруқни ғайриқонуний деб топиш ва ўқишга тиклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 20 майдаги ҳал қилув қарори билан фуқаролик иши бўйича даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2016 йил 21 июлдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 31 январдаги ажрими билан қуйидаги ассосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик иши бўйича иш юритиш тугатилган.

Аниқланишича, даъвогар Б.Эргашев билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ўртасида ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида контракт тузилган.

2015 йил 12-13 сентябрь кунлари Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг 2 ва 3-босқич курсантлари ўзаро жанжаллашиб, турли хил даражадаги тан жароҳати олишганликлари сабабли Зарбдор ҳарбий прокуратураси томонидан бир қанча курсантларга нисбатан 2015 йил 13 сентябрда Ўзбекистон Республикаси ЖК 285-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Мазкур прокуратуранинг 2015 йил 10 декабрдаги қарорига кўра курсант Б.Эргашевнинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноят ишининг унга нисбатан бўлган қисми Ўзбекистон Республикаси ЖК 83-моддасининг 2-бандига ассосан тугатилган.

Бироқ прокуратура томонидан 2015 йил 25 декабрда жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида билим юртига тақдимнома юборилган. Мазкур тақдимнома билим юрти томонидан 2015 йил 29 декабрда муҳокама қилинган ва курсант Б.Эргашев қонун



бузилиши ҳолатлари келиб чиқишига сабабчи деб топилган. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2016 йил 7 январдаги 123-сонли буйруғининг 1-бандига асосан жанжалда иштирок этган бир неча нафар 3-босқич курсантлари қатори Б.Эргашев ҳам интизомсизлиги сабабли ўқишдан четлаштирилган.

Мазкур буйруқнинг 2-бандига асосан Б.Эргашев ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билим юрти ўртасида 2011 йил 25 июлда тузилган контракт бекор қилинган.

Даъвогар Б.Эргашев мазкур контракт ассосиз бекор қилинганлигини билдириб, уни бекор қилиш ҳақидаги буйруқларни ғайриқонуний деб топиш ва ўқишга тиклашни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2015 йил 13 ноябрдаги “Ишларнинг тааллуқлилиги билан боғлиқ процессуал қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 9-бандига кўра меҳнат муносабатларига оид низолар умумий юрисдикция судларига тааллуқли.

Айрим тоифадаги давлат хизматчилари билан боғлиқ меҳнат низолари деганда, иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатлари махсус Низом ёхуд Қонун билан ўрнатилган алоҳида қоидалар билан белгиланган муносабатлар тушунилиши лозимлиги (масалан, мудофаа вазирлиги, миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар вазирлиги, унинг таркибида бўлган жазони ижро этиш муассасалари, фавқулодда вазиятлар вазирлиги, божхона қўмитаси, прокуратура ва бошқа давлат муассасалари) белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 269-моддасининг 4-хатбошига асосан ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан ҳарбий судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Судлар курсант Б.Эргашев ҳарбий хизматни ўтаётган аскар ҳисобланганлигига, у билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари махсус Низом билан белгиланганлигига, яъни низо ҳарбий суднинг судловига тааллуқли эканлигига эътибор қаратмасдан, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.



ФПК 100-моддасининг 1-бандига асосан иш судга тааллуқли бўлмаса суд иш юритишни тугатади. Шу сабабли биринчи инстанция суди мазкур фуқаролик ишини иш юритишдан тугатиб, даъвогарга ишга тиклаш масаласи бўйича ҳарбий судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим эди.

## **8.2. Иш берувчининг иш ҳақи бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги, ходимнинг иш ҳақини ундириш ҳақидаги даъвосини рад қилишга асос бўлади.**

Зангиота туман прокурори судга жавобгар “ASIA” МЧЖга нисбатан даъво ариза билан мурожаат қилиб, даъвогар А.Мадрахимова фойдасига жами 8 206 209 сўм миқдорида иш ҳақи ва нафақа пулларини ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 15 сентябрдаги сирдан чиқарилган ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2016 йил 23 сентябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 31 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, “ASIA” МЧЖнинг 2014 йил 21 июлдаги 122- сонли буйруғига асосан А.Мадрахимова ҳисобчи лавозимига ишга қабул қилиниб, 2015 йил 31 майдан 15 сентябрга қадар унга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган.

2015 йил 31 май ҳолатига А.Мадрахимовага 8 206 209 сўм иш ҳақи ва нафақа ҳисобланган. Бироқ “ASIA” МЧЖ иш ҳақи ва нафақа пулларини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли А.Мадрахимова туман прокуратурасига шикоят билан мурожаат қилган. Прокуратуранинг топшириғи бўйича ўтказилган текшириш яқунларига кўра унинг важлари ўз тасдиғини топган.

Жамиятнинг 2015 йил 25 июндаги 4-сонли ва 30 июндаги 5-сонли тўлов топшириқномаларига асосан А.Мадрахимовага жами



8206209 сўм иш ҳақи ва нафақадан бўлган қарздорлик пластик картасига тўлаб берилган.

Кассация инстанция судида иштирок этган А.Мадрахимова ҳақиқатдан ҳам жамият унга иш ҳақи ва нафақа бўйича қарз суммаларини пластик картасига пул ўтказиш йўли билан тўлаб берганлигини тасдиқлаб ўтган.

Гарчи жавобгар “ASIA” МЧЖ иш ҳақи ва нафақадан қарзни мазкур даъво аризаси судга топширилгунга қадар деярли икки ой олдин тўлаб берган бўлсада, қуйи судлар ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириш чораларини кўрмасдан, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган. Чунки иш кўрилаётган пайтда жавобгарнинг даъвогар олдида қарздорлиги мавжуд бўлмаган. Бундай ҳолда суд даъво талабини рад қилиши лозим эди.

### **8.3. Меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, шу куннинг ўзида иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт, акс ҳолда иш берувчининг айби билан меҳнат дафтарчасини бериш муддати кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.**

М.Салаев жавобгарлар Жиззах вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Бахмал қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2014 йил 13 августдан ишдан бўшатиш билан бўлсада, иш берувчи буйруқ билан таништирмаганлиги, 2014 йил 13 августдан 2015 йил 26 февралга қадар меҳнат дафтарчаси берилмаганлигини билдириб, меҳнат дафтарчаси кеч берилганлиги учун 8809935 сўм иш ҳақи ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 14 майдаги ҳал қилув қарори билан жавобгар Жиззах вилояти ўрта махсус касб-ҳунар





таълими бошқармасидан даъвогар М.Салаев фойдасига 2014 йил 13 августдан 2015 йил 26 февралгача бўлган давр учун ҳисобланган иш ҳақи сифатида 8809935 сўм ундирилган.

Кассация инстанциясининг 2015 йил 21 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, даъвогар фойдасига ушбу сумма ҳар иккала жавобгардан, яъни Жиззах вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ва Бахмал қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан солидар тартибда ундирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 1 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорларига ўзгартириш киритилиб, ундирилган сумманинг миқдори 938547 сўмга камайтирилган. Яъни иш ҳақи 2014 йил 13 августдан 2014 йил 29 августга қадар бўлган давр учун ҳисобланган.

Аниқланишича, Жиззах вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг 2014 йил 20 январдаги 7-к-сонли буйруғи билан М.Салаев Бахмал қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига тайинланган.

2014 йил 30 июлда М.Салаев бошқарма бошлиғига эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ҳақида ариза берган.

2014 йил 13 августда бошқарма бошлиғи Ш.Саидов томонидан чиқарилган 164-сонли буйруққа асосан даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома 3-бўлимининг 3.1-бандига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Иш берувчи айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.

Йўриқноманинг 3-бўлими 3.3-бандида белгиланишича, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходим ишда бўлмаган тақдирда,



иш берувчи ўша куніёқ унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида огоҳлантирувчи хабарнома жўнатиши лозим.

М.Салаев ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзган ҳамда у ишдан бўшатирилгани билсада, меҳнат дафтарчасини олиб кетмаган ёки почта орқали юбориш ҳақида иш берувчига розилигини билдириб, ариза бермаган.

2014 йил 29 августда коллеж директори Б.Абдуллаев, бўлим назоратчиси Т.Қурбанов, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари А.Саидовлар иштирокида тузилган далолатномага кўра меҳнат дафтарчаси М.Салаевга топшириш учун унинг уйига олиб борилган ва у уйда бўлмаганлиги сабабли телефон орқали боғланиб, унга меҳнат дафтарчасини олиш таклиф этилганда у рад жавобини берган. Бундай ҳолатда иш берувчи ходимнинг меҳнат дафтарчасини қасддан бермаган деб ҳисоблаб бўлмайди.

Шундан сўнг, М.Салаев жавобгар Жизах вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига нисбатан буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш, иш ҳақи ундириш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Жизах туманлараро судининг 2015 йил 9 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад қилинган. Ушбу иш кўрилатган суд мажлисида М.Салаев меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ нусхасини 2014 йил сентябрда олганлигини билдирган.

Биринчи инстанция суди меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилганда иш ҳақи тўлашни жавобгар Жизах вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасидан ундирилиши лозимлиги хусусида тўғри хулосага келсада, иш ҳақини 2014 йил 13 августдан 2015 йил 26 февралгача бўлган давр учун ҳисоблаб, хатоликка йўл қўйган. Яъни М.Салаевнинг ўз аризасига кўра ишдан бўшатирилгани ва у меҳнат дафтарчасини олиш ҳақида огоҳлантирилгани, хусусан иш берувчи томонидан 2014 йил 29 августда унга меҳнат дафтарчасини топшириш таклиф қилинганлиги инобатга олинмаган.



## **8.4. Ходим касал бўлганда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланиши шарт бўлиб, бундай даъво талаблари бўйича Меҳнат кодексининг 270-моддасида назарда тутилган бир ойлик даъво муддати қўлланилмайди.**

Ҳулом Эшчанов жавобгар “Зирабулоқ” магистраль газ қувурлари бошқармасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2016 йил 28 июнда ноқонуний равишда ишдан бўшатирилганини, бунга ишдан бўшаш ҳақидаги аризаси асос бўлганлигини билдириб, ишга тиклашни, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврлари бўйича ҳисоб-китоб қилишни, мажбурий прогул учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарар сифатида 3 000 000 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2016 йил 22 декабрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 14 ноябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорларининг меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ва маънавий зарарларни ундиришга оид қисмлари бекор қилинган ва даъво талабининг шу қисми бўйича даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра жавобгар “Зирабулоқ” магистрал газ қувурлари бошқармасидан даъвогар Ҳулом Эшчанов фойдасига вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси учун 803 393 сўм, маънавий зарар учун 200 000 сўм ундирилган. Суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар Ҳулом Эшчанов “Зирабулоқ” магистрал газ қувурлари бошқармасига 2-разрядли қувур ўтказувчи вазифасига ишга қабул қилинган.

2015 йил 5 январдан кранлар тугуни оператори вазифасида ишлаб келган. 2016 йил 28 июнда у ўз вазифасидан озод қилишни сўраб бошқарма бошлиғига ариза билан мурожаат қилган ва раҳбариятга ҳеч қандай эътирози йўқлигини билдирган.



“Зирабулоқ” магистрал газ қувурлари бошқармасининг 2016 йил 28 июндаги 255-К сонли буйруғига асосан Ғулом Эшчанов билан тузилган меҳнат шартномаси амалдаги Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан бекор қилинган.

Меҳнат кодекси 270-моддасининг 1-қисмига кўра ишга тиклаш низолари бўйича – ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича – зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

бошқа меҳнат низолари бўйича – ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой муддатда судга мурожаат қилиши мумкин.

Судда жавобгар ташклот бошлиғи Н.Атаджанов даъвогарнинг даъво талабига нисбатан даъво муддатини кўллаб, даъвони рад қилишни сўраган.

Меҳнат Кодекси 270-моддасининг 3-қисми бўйича меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини ундириш ҳақидаги даъво талабларига бир ойлик даъво муддати қўлланилмасда, қўйи судлар даъво талабининг мазкур қисми бўйича даъвони рад қилиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 17 апрелда 2667-сон билан рўйхатга олинган “Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 1-бандига кўра меҳнатга лаёқатсизлик варақаси шахсни ишдан озод қилиш, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ёки ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаш учун асос бўладиган ҳамда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик билан кечадиган касалланишнинг ҳисоби юритиладиган ҳужжат ҳисобланади.

Меҳнат кодексининг 285-моддасига кўра вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг тўлиқ миқдориди, бошқа ҳолларда эса, ходимнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган муддатига (умумий иш стажига), қарамоғидаги вояга етмаган бола-



ларининг сони ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг олтмиш фоизидан юз фоизигача миқдорда тўланади.

Фуқаролик иши ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар Ғулوم Эшчанов билан меҳнат шартномаси бекор қилингунига қадар, яъни 2016 йил 28 майдан 9 июнга қадар ҳамда 13 июндан 28 июнга қадар у меҳнатга лаёқатсизлик даврида бўлган.

ФКнинг 1021, 1022-моддаларига кўра маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади.

Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади.

Жавобгар томонидан даъвогарга меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўлаш асоссиз равишда рад қилиб келинганлиги сабабли даъвогар руҳан эзилиб, маънавий азоблар кўриб келган деб ҳисоблаб, юқорида қайд қилинган қонун талаблари ҳамда оқилоналик ва адолатлилиқ талабларидан келиб чиқиб, Ҳайъат даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида қонуний ва асосли хулосага келган.

## **8.5. Ишга тиклаш низолари бўйича ходим у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида судга мурожаат қилиши мумкин.**

---

Олим Султонов жавобгар Наманган вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида 2016 йил 3 майдаги 88-к-сонли буйруқни бекор қилишни, уни Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги 2-сонли академик лицейга директор ўринбосари лавозимига ишга тиклашни, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ҳамда етказилган маънавий зарар учун 5 000 000 сўм ундиришни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2017 йил 16 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 25 апрелдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 9 октябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган:

Аниқланишича, даъвогар Олим Султонов 2010 йил 25 августдан бошлаб Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги 2-сонли академик лицейда директор ўринбосари лавозимида ишлаб келган.

Наманган вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг 2016 йил 3 майдаги 88-к-сонли буйруғига асосан даъвогар Олим Султонов билан тузилган меҳнат шартномаси МКнинг 99-моддасига асосан бекор қилинган.

МКнинг 270-моддасига кўра судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

- ишга тиклаш низолари бўйича – ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;
- ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича-зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;
- бошқа меҳнат низолари бўйича-ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида”ги 12-сонли қарорининг 2, 3-бандларига кўра ишга тиклаш ҳақидаги низо бўйича ариза ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор



қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида бевосита судга берилади.

МКнинг 270-моддасида белгиланган муддатлар прокурор, касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан бериладиган даъволарга нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Судья даъво қилиш муддати ўтказиб юборилган деган асос билан даъво аризани қабул қилмасликка ҳақли эмас. Суд даъво муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб топса, бу муддатни тиклайди. Агар суд ишдаги ҳужжатларни ҳар томонлама текшириб, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини аниқласа, даъвони рад этади.

ФПКнинг 8-моддаси ҳамда ФК 153-моддасининг 2-қисми мазмунига кўра фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилиши туфайли даъвогарнинг судга мурожаат этиш муддатини ўтказиб юборганлиги масаласи суд томонидан фақат низодаги тарафнинг берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Даъвогар ўзининг даъво аризасида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ нусхаси унга адвокатнинг сўров хатига асосан 2017 йил 3 январ куни топширилганлиги сабабли даъво муддати ўтказилганлигини узрли деб топишни сўраган. Ўз навбатида, жавобгар вакиллари томонидан даъвогар даъво муддатини ўтказган ҳолда судга мурожаат қилганлиги сабабли даъво талабларини рад қилишни сўрашган.

Судлар даъвогарнинг ушбу вазидан келиб чиққан ҳолда фуқаролик ишига илова қилинган ҳужжатларга тегишли баҳо бермасдан асоссиз равишда даъво муддатини тиклаган.

Фуқаролик ишига даъвогар Олим Султоновнинг Наманган шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғига ёзган 2016 йил 21 майдаги аризаси илова қилинган бўлиб, ушбу аризада у ўз аризасига асосан 2016 йил 3 майда ишдан озод этилганлигини, уни иш фаолияти давридаги ҳисоб-китоб ишларини ҳамда 2014, 2015, 2016 йиллар давомида сақланиб келган меҳнат таътилларини компенсация пули билан тўлаб бериш



ҳақида ВЎМКХТБ бошлиғи Қ.Нормухамедовга 2016 йил 10 май куни ариза берганлигини, ушбу ариза ҳанузгача ҳал этилмаганлигини, у сўраб суриштирса, ҳали у, ҳали бу баҳоналар билан орқага суришаётганликларини маълум қилиб, ўзига шу борада амалий ёрдам беришни сўраган.

Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги 2-сон академик лицейнинг ўқитувчилари иштирокида ўтказилган 2016 йил 6 майдаги навбатдан ташқари йиғилиш баёнида Олим Султонов ўз аризасига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этишни сўраб бошқармага ариза ёзганлиги, унинг аризаси ижобий қондирилганлиги, унинг ўрнига Акбар Муродов бошқарма томонидан вақтинча лавозимга тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ ўқиб эшиттирилганлиги, Олим Султонов ушбу йиғилишда иштирок этганлиги ва ўз навбатида жамоада 2011 йилдан буён ишлаётганлиги, жамоа билан муносиб ишлаганлиги, жамоадан норози эмаслиги, ўзининг ўрнига ёш кадр келганлигини маълум қилиб, Акбар Муродовга келажакдаги ишларига омад тилаб, ўз сўзини яқунлаганлиги кўрсатилган.

Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги 2-сон академик лицейи директори в.б. Чори Болтаев, бўлим бошлиғи Жума Расулов, ҳуқуқшунос Джура Аслонов томонидан имзоланган 2016 йил 6 майдаги далолатномада юқорида қайд қилинган навбатдан ташқари йиғилишда бошқарманинг кадрлар бўйича шўъба мудирини Пирназар Комилов даъвогар Олим Султоновга унинг ишдан бўшаганлиги ҳақидаги бошқарманинг 2016 йил 3 майдаги 88-к-сонли буйруғини топширганлиги, у бунга эътироз билдирмаганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, Наманган вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан Олим Султоновнинг мурожаати бўйича берилган 2016 йил 2 ноябрдаги 2401-сонли жавоб хатида даъвогар билан меҳнат шартномаси ўзининг аризасига асосан 2016 йил 3 майдаги 88-к-сонли буйруққа асосан бекор қилинганлиги маълум қилиниб, хатга ариза ва буйруқдан нусха илова қилинган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан тушунтириш берган даъвогар Олим Султонов ҳақиқатдан ҳам 2016 йил 3 май куни у ишдан





бўшаш ҳақида ариза ёзганлигини, ушбу аризасига асосан у ишдан бўшатирилганлигини, у бу ҳақда 2016 йил 4 май куни билганлигини, бошқарма бошлиғи уни ўзининг соҳаси бўйича бошқа иш билан таъминлашга ваъда берганлигини, у тўрт ойдан ортиқ вақт давомида иш билан таъминлашни сўраб бошқармага, вилоят прокуратурасига, вилоят бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилганлигини, натижа бўлмаганидан сўнг 2017 йил январь ойида судга мурожаат қилганлигини маълум қилган.

Бундай ҳолларда даъвогар Олим Султоновга меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ фақатгина адвокатнинг сўровига асосан 2017 йил 3 январда берилган ва даъво муддати узрли сабабларга кўра ўтказилган деб топишга асослар мавжуд бўлмайди.

## **8.6. Меҳнат шартномасини бекор бўлишига асос бўладиган меҳнат вазифаларининг бир марта қўпол равишда бузилиши ички меҳнат тартиби қоидаларида кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди.**

Жамол Ўткуров жавобгар Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Сирдарё вилоят кенгашига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда 2013 йил 4 октябрдан 2015 йил 22 майга қадар “Ватанпарвар” ташкилоти Сирдарё туман кенгаши раиси лавозимида, 2015 йил 22 майдан эса Сирдарё туман ўқув спорт техника клуби бошлиғи лавозимида ишлаб келганлиги, иш берувчининг 2017 йил 28 февралдаги 15-к-сонли буйруғига кўра у билан тузилган меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилинганлиги, мазкур буйруқни қабул қилинишига “Ватанпарвар” ташкилоти Сирдарё вилояти кенгаши ҳайъатининг 2017 йил 24 февралдаги 7-сонли қарори асос бўлганлигини, шу сабабли мазкур буйруқ ва қарорни ғайриқонуний деб топиб, бекор қилиш, уни ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундиришни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2017 йил 11 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 6 июндаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 28 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Ж.Ўтқуров 2013 йил 4 октябрдан 2015 йил 21 майга қадар “Ватанпарвар” ташкилоти Сирдарё туман кенгаши раиси, 2015 йил 22 майдан Сирдарё туман ўқув спорт техника клуби бошлиғи лавозимида ишлаган.

2014 йил 7 ноябрда Чет эл капитали иштирокидаги “Савдогар” ОАТБ Сирдарё филиали билан Сирдарё туман ўқув спорт техника клуби бошлиғи И.Ўтқуров ўртасида “Автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш” мосламасини сотиб олиш учун 36 ой муддатга 190 000 000 сўм миқдорда кредит шартномаси тузилган.

Мазкур кредитнинг таъминоти сифатида Сирдарё туман ўқув спорт техника клубига тегишли ҳар хил русумдаги автомашиналар гаровга қўйилган.

“Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгашининг 2016 йил 26 октябрдаги 197-сонли ва вилоят кенгашининг 2016 йил 27 октябрдаги 252-сонли буйруғига асосан 2016 йил 27-30 октябрь кунлари Сирдарё туман ўқув спорт техника клубининг молия хўжалик фаолияти ўрганилганда, клуб бошлиғи юқоридаги шартномаларни тузиш ва клубга тегишли мулкларни гаровга қўйишда Марказий кенгашнинг рухсатини олмаганлиги аниқланиб, бу ҳақида тегишли далолатнома тузилган.

Ж.Ўтқуров 2016 йил 31 декабрга қадар кредит маблағларини тўлиқ тўлаган.

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Сирдарё вилоят кенгаши ҳайъатининг 2017 йил 24 февралдаги 24.б.7-сонли қарорида Ж.Ўтқуров юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташки-



лотининг Уставидаги 74 ва 77-моддалари талабларини қўпол равишда бузганлиги кўрсатилган.

Иш берувчининг 2017 йил 28 февралдаги 15-к-сонли буйруғига кўра Ж.Ўткуров билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг 4-бандига асосан бекор қилинган.

Апелляция инстанцияси суди суд қарорини бекор қилиш, иш юзасидан янги ҳал қилув қарори чиқаришда, даъвогар ўзининг юқоридаги хатти-ҳаракатлари билан клубнинг молия хўжалик фаолиятини бузганлигига асосланган.

Ваҳоланки, “Ватанпарвар” ташкилоти Сирдарё вилоят кенгаши-нинг 2017 йил 3 январда тасдиқланган “Ички тартиб қоидалари”да ходим ташкилотнинг Устави талабаларига риоя қилмаганлиги меҳнат шартномасини бекор бўлишига асос бўладиган меҳнат вазибаларининг бир марта қўпол равишда бузилиши сифатида кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, Ж.Ўткуров ножўя хатти-ҳаракат натижаси сифатида кўрсатилган шартномаларни 2014 йилда тузганлиги, бу пайтда Адлия вазирлигида 2013 йил 21 майда рўйхатда олинган “Ватанпарвар” ташкилотининг Устави амалда бўлганлиги, меҳнат шартномасини бекор қилишга асос сифатида кўрсатилган ташкилотнинг янги Устави 2016 йил 4 февралда рўйхатга олинганлигига эътибор қаратилмаган.

## **8.7. Меҳнат кодексининг 151-моддасига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллار учун пуллик компенсация тўланиши шарт.**

---

Л.Қодирова жавобгар умумтаълим мактабига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тўланмаган иш ҳақини, фойдаланилмаган меҳнат таътили учун пуллик компенсацияни, хизмат сафари харажатларини ва маънавий зарарларни, жами 7000000 сўмни ундиришни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2013 йил 11 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2013 йил 23 майдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унда жавобгар умумтаълим мактабидан даъвогар Л.Қодирова фойдасига хизмат сафари харажатлари учун 127 333 сўм, иш ҳақи учун 294 016 сўм, маънавий зарар учун 100 000 сўм, жами 521 349 сўм, давлат фойдасига 60 862 сўм давлат божи ундирилиши белгиланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 10 майдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра апелляция инстанцияси ажримининг иш ҳақи ва давлат божини ундиришга оид қисмига ўзгартириш киритилиб, жавобгар умумтаълим мактабидан даъвогар Л.Қодирова фойдасига 2012 йил 23 январдан 2012 йил 10 февралгача тўланмаган иш ҳақи учун 602 536 сўм ва давлат фойдасига 133 925 сўм давлат божи ундирилган, суд қарорларининг фойдаланмаган меҳнат таътили учун пул компенсациясини ундиришни рад этишга оид қисми бекор қилинган.

Шу қисм бўйича жавобгар умумтаълим мактабидан даъвогар Л.Қодирова фойдасига 2011 йил 1 августдан 2012 йил 10 февралга қадар фойдаланилмаган меҳнат таътили учун 646 239 сўм ундириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Л.Қодирова умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси лавозимида ишлаб келган. Мактаб директорининг 2011 йил 1 августдаги 76-сонли буйруғи билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг 7-бандига асосан у ишдан бўшатирилган. Ушбу буйруқнинг чиқарилишига 2011 йил 6 июндаги огоҳлантириш хати асос бўлган.

Иш берувчи огоҳлантириш муддати тугамасдан туриб ходимни ишдан бўшатганлиги сабабли бошқа фуқаролик иши бўйича мазкур туманлараро судининг 2012 йил 23 январдаги ҳал қилув қарори билан вилоят касаба уюшмасининг даъвоси қаноатлантирилиб, мактаб директорининг 2011 йил 1 августдаги 76-сонли ва 2011 йил 2 сентябрдаги 2/1-сонли буйруқлари ғайриқонуний деб топилган.



Жавобгар Умумтаълим мактабидан Л.Қодирова фойдасига 2011 йил 1 августдан 2012 йил 23 январгача мажбурий прогул кунлари учун 5090586 сўм иш ҳақи ва 900000 сўмлик маънавий зарарлар ундирилган.

Ҳал қилув қарорида унинг Л.Қодировани ишга тиклаш қисми дарҳол ижро этилиши белгиланган бўлсада, ушбу ҳал қилув қарори 2012 йил 10 февралда ижро қилинган.

Шу сабабли даъвогар мазкур кунлар учун иш ҳақи ундиришни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди 2012 йил 23 январдан 10 февралгача иш ҳақини ундиришда мактаб маъмурияти томонидан тақдим қилинган маълумотномадаги 588032 сўм иш ҳақидан келиб чиқиб, 16 иш кунига 294016 сўм ундиришни белгилаб нотўғри хулосага келган.

Чунки суднинг 2012 йил 23 январдаги ҳал қилув қарорида Л.Қодированинг иш ҳақи 2011 йил 1 декабрдан 959939 сўмни ташкил этганлиги сабабли 2011 йил 1 декабрдан 2012 йил 23 январгача 1599898 сўм ҳисобланган.

2012 йил январ ойида олти кунлик иш ҳафтаси бўйича 26 иш куни мавжуд бўлиб, 959939 сўмлик иш ҳақи бўйича бир кунлик иш ҳақи 36920 сўмни, феврал ойида 25 иш куни мавжуд бўлиб, бир кунлик иш ҳақи 38397 сўмни ташкил этганлиги сабабли апелляция инстанцияси суди 2012 йил 23 январдан 2012 йил 10 февралгача 16 кун учун жами 602536 сўм ундириши лозимлигига эътибор қаратмаган.

Меҳнат кодексининг 151-моддасига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллار учун пуллик компенсация тўланади.

Бироқ, Л.Қодированинг 2011 йил 1 августдан 2012 йил 10 февралга қадар фойдаланилмаган меҳнат таътили учун 646239 сўм тўланмай қолганлиги судларнинг эътиборидан четда қолиб, даъвонинг ушбу қисми асоссиз рад қилинган.

9-Б О Б

**МУЛК ҲУҚУҚИНИ БЕЛГИЛАШ  
БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА  
СУД АМАЛИЁТИ**



## **9.1. Улушли мулк иштирокчиси улушини пул шаклида олишга рози бўлгандагина уни олишга йўл қўйилади.**

Мадина Сабирова жавобгар Умирбек Сабировга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, турар-жойни умумий мулк деб топиш, улушини натура шаклида ажратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 9 июндаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлангилган.

Унга кўра Термиз шаҳар, А.Хўқандий мавзесидаги 116-уй, 44-хонадон М.Сабирова ва У.Сабировларнинг умумий мулки деб топилган ва М.Сабированинг фойдасига жавобгар У.Сабировдан умумий мулкдаги улуши ҳисобига 23 299 043 сўм ундирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 17 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорларининг пул ундиришга оид қисми бекор қилиниб, шу қисми бўйича даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича тарафлар 2004 йил 23 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, турмушларидан икки нафар фарзандлари бор. Улар биргаликдаги турмушлари мобайнида Термиз шаҳар, А.Хўқандий мавзеси, 116-уй, 44-хонадонни У.Сабировнинг номига сотиб олишган.

Фуқаролик кодекси 223-моддасининг олтинчи қисмига кўра улушли мулк иштирокчисига унинг улушини асл ҳолида ажратиб бериш ўрнига бошқа мулкдорлар томонидан компенсация тўланишига иштирокчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 14-сонли қарорининг 14-бандида кўрсатилишича, суд уйга бўлган умумий улушли мулкнинг бошқа иштирокчилари зиммасига ажралиб чиқаётган мулкдорнинг розилиги бўлмаган тақдирда ҳам унга тегишли улуш учун юқорида кўрсатилган моддий ҳуқуқ



нормасига мувофиқ пул суммаси ёки бошқача компенсация тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин бўлиб, суд бу ҳолатни ўзининг қарорида асослантормоғи лозим. Пул компенсацияси, хусусан уйга бўлган умумий мулкда мулкдорнинг улуши арзимас бўлса ва амалда уни ажратиб бериш мумкин бўлмаса ҳамда мазкур мулкдор умумий мулкдан фойдаланишдан катта манфаатга эга бўлмаса (масалан, ажралиб чиқаётган мулкдор бу уйда яшамайдиган ва бошқа уй-жой майдони билан таъминланган бўлса), тўланиши мумкин. Умумий улушли мулк иштирокчисининг уйдан фойдаланишда катта манфаатга эга бўлиш ёки бўлмаслиги масаласини суд ҳар бир муайян ҳолатдан, тарафлар томонидан тақдим қилинган далиллар йиғиндисидан (хусусан, ёшига кўра уйдан фойдаланишга муҳтожлиги, саломатлик даражаси, болаларининг ёки бошқа оила аъзоларининг, шу жумладан, меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг борлиги ва ҳ.к.) келиб чиқиб ҳал қилади.

Санаб ўтилган шартларнинг бирортаси бўлмаган тақдирда, суд умумий мулкнинг бошқа иштирокчиларига компенсация тўлаш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.

Биринчи инстанция суди ОКнинг 23-моддасига асосан ушбу хонадонни умумий мулк деб топиш ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, даъвогарнинг улушини пул шаклида ажратиш ҳақида нотўғри хулосага келган. Чунки даъвогар М.Сабилова низоли хонадондаги улушини пул шаклида олишга розилик билдирмаган.

## **9.2. Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, баён қилинган ҳулосалар иш ҳолатларига мувофиқ келмаганлиги кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Азимбой Ахмедов жавобгар Урганч тумани ҳокимиятига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Урганч тумани ҳокимининг 2001 йил 7 февралдаги қарори билан якка тартибда уй-жой қуриш учун ўзига 700 кв.метр ер майдони





ажратилганлигини, шу ер майдонида қурган уй-жойини давлат рўйхатидан ўтказиш масаласида туман комиссиясига мурожаат қилганида, уй-жой юзасидан низо бор деб аризаси рад қилинганлигини билдириб, Урганч тумани ҳокимлигининг ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияси йиғилишининг 2017 йил 22 февралдаги 3-28-сонли баёнини ғайриқонуний деб топиб, туман ҳокимлиги зиммасига Урганч тумани, “Чондиркиет” қишлоғи, “Киет” маҳалласидаги 700 кв. метр ер майдонида жойлашган турар жойга эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 6 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Унга кўра Урганч туман ҳокимиятининг ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси зиммасига А.Ахмедов томонидан қурилган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш масаласини кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 20 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 3 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра кассация инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Аниқланишича, Янгибозор тумани давлат архивининг маълумотномасига кўра Урганч туман “Пахтакор” ширкат хўжалиги аъзоларининг 2000 йил 12 ноябрдаги умумий йиғилиши қарори билан А.Ахмедовга 700 кв. метр ер участкаси ажратилиб, ушбу қарорнинг тасдиғи Урганч тумани ҳокимидан сўралган.

Ер кодексининг 6-моддасига мувофиқ туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатига, хусусан, фуқароларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш киради.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад қилишда даъвогарга уй-жой қуриш учун ер майдони ажратилганлиги билан боғлиқ ҳужжатлар мавжуд эмаслигига асосланган.



Юқорида қайд этилганидек, А.Ахмедов судга даъво ариза билан билан мурожаат қилиб, унда “Пахтакор” ширкат хўжалиги аъзоларининг 2000 йил 12 ноябрдаги 11-сонли мажлис баёни асосида Урганч тумани ҳокимининг 2001 йил 7 февралдаги қарорига кўра якка тартибда уй-жой қуриши учун унга 700 кв.метр ер майдони ажратилганлигини баён этган.

Бироқ кассация инстанцияси суди юқорида қайд этилган ҳолатларни аниқлаш мақсадида Урганч тумани ҳокимининг 2001 йил 7 февралдаги қарори юзасидан маълумотларни талаб қилиб олмасдан, даъвони рад қилиш тўғрисида барвақт хулосага келган.

Чунки назорат тартибидаги шикоятга Хоразм вилояти архив бўлимининг 2017 йил 14 февралдаги 462-сонли маълумотномаси илова қилинган. Мазкур маълумотномада Урганч тумани ҳокимининг 2001 йил 7 февралдаги 73-сонли қарори билан “Пахтакор” ширкат хўжалигида ишловчи ва яшовчи фуқароларга якка тартибда турар жой қуриш учун ер участкаси ажратиш ҳақида шу ширкат хўжалигининг 2000 йил 12 ноябрдаги 11-сонли мажлис баёни тасдиқланган бўлиб, унинг иловасидаги рўйхатда А.Ахмедовнинг номи ҳам кўрсатилган.

### **9.3. Бирон-бир шахс бошқа шахсга тегишли уй-жойни ФКнинг 187-моддасида назарда тутилган тартибда ўн беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилиб келган бўлса, уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини олишига асос бўлади.**

Ойгул Бабаева жавобгар Халима Тураевага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Олот тумани, Мустақиллик кўчаси, 6-уй, 25-хонадонда 1998 йилдан буён яшаб, уй-жойнинг барча коммунал тўловларини тўлаб келаётганлигини, 1999 йилда Х.Тураева низоли уй-жойга келиб, унинг яшаб ўтирганлигини кўриб, кейинчалик қайтиб келмаганлигини билдириб, ФКнинг



187-моддасига асосан уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 11 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 1 июндаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 30 октябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра Олот тумани, Мустақиллик кўчаси 6-уй, 25-хонадонга Ойгул Бабаеванинг эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган.

Аниқланишича, Олот туман ҳокимининг 1993 йил 5 февралдаги 36-сонли қарорига кўра Олот тумани, Мустақиллик кўчаси, 6-уй, 25-хонадонга Х.Тураеванинг эгалик ҳуқуқи белгиланган, 1993 йил 5 мартда уй-жой унинг номига давлат рўyxатидан ўтказилган.

Жавобгар мазкур хонадонда 1996 йилга қадар яшаб келган, у турмуш ўртоғи билан ўзаро келишмовчилик туфайли низоли уй-жойдан 1996 йилда ота-онасининг уйига кетиб қолган.

Даъвогар Ойгул Бабаева жавобгар Х.Тураевани турмуш ўртоғини розилигига асосан низоли уй-жойда 1998 йилдан буён оила аъзолари билан яшаб, уй-жойнинг барча коммунал тўловларини тўлаб келган.

Биринчи инстанция суди даъвони рад қилиш асоси сифатида даъвогар Ойгул Бабаева мулкдор Х.Тураеванинг мулкни ноқонуний равишда эгаллаб олганлигини кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик кодексини тадбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 16-сонли қарорининг 11-бандида ёзилишича, ФКнинг 187-моддасига кўра эгалик ҳуқуқини олиш ҳақидаги низоларни ҳал этишда судлар шуни назарда тутишлари лозимки, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ўзганинг мулкига амалда асоссиз эгалик қилиб келиш ҳолларига ҳам татбиқ этилади.

Мазкур қарорнинг 12-бандига кўра амалда эгалик қилиш



муддати асосида ашёга эгалик ҳуқуқини олиш учун у ҳалол йўл билан эгалланиши (яъни, амалда эгалик қилувчи ўзганинг мулкни мулкдорнинг эрк-хоҳишига зид равишда қасддан эгаллаб олган ўғри ва шу каби шахс бўлмаслиги керак), бундай эгалик қилиш бошқа шахслар учун ошкора ва аниқ кўринадиган бўлиши, шунингдек эгалик қилувчи тегишли мулкка ўзиники каби муносабатда бўлиши ҳамда эгалик қилиш қонунда белгиланган муддатларда узлуксиз давом этган бўлиши ҳам зарур.

Фақатгина кўрсатилган учала шартларга риоя қилинган тақдирда, эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат амалда эгалик қилувчининг мулк ҳуқуқига асос бўлиши мумкин (ФКнинг 187-моддаси 1-қисми).

Бироқ судлар жавобгар Халима Тураева даъвогар О.Бабаева-ни 1999 йилда уй-жойдан фойдаланиб келганидан хабардор бўлганлигига, уй-жойдан кўчириш бўйича 2016 йил ноябрь ойигача судга мурожаат қилмаганлигига, О.Бабаева низоли уйда узоқ вақтдан буён, узлуксиз яшаб келаётганлигига, мазкур уй-жойни ҳалол ҳамда ошкора йўл билан эгаллаб олганлигига, мулкка ўзини каби муносабатда бўлиб, таъмирлаб келганлигига эътибор қаратмаган.

#### **9.4. Бир шахснинг бошқа бир шахсга тегишли уй-жойни ФКнинг 187-моддасида назарда тутилган тартибда ўн беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилиши уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини олишига асос бўлади.**

Самандар Базаров судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Беруний тумани, Шохжаҳон кўчаси, 60-уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 22 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 23 январдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.



Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 2 майдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра 340 кв.метр ер участкасида жойлашган, фойдаланиш майдони 69,44 кв.метр, яшаш майдони 28,02 кв.метрдан иборат иккита яшаш хонаси, ойнали айвон, йўлак, иккита очиқ айвон, ошхона, соябон, ҳаммом ва дарвозалардан иборат Беруний тумани, Шохжаҳон кўчаси 60-уйга нисбатан Самандар Базаровнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Аниқланишича, Самандар Базаров Дилбар Темирова билан 1985 йил 6 февралда қонуний никоҳдан ўтган, уларнинг биргаликдаги турмушидан 1986 йил 26 июнда Ойбек исмли фарзанди туғилган.

Эр-хотин фарзандлари билан биргаликда Беруний тумани, Шохжаҳон (собиқ Горбунова) кўчаси, 60-уйда яшаб келишган.

Мазкур уй-жойнинг 1/3 қисми Самандар Базаровнинг қайнонаси Гулнора Рахимходжаева ва 2/3 қисми эса хотини Дилбар Темировага тегишли бўлган.

1992 йил 11 майдаги суднинг ҳал қилув қарорига асосан тарафлар никоҳдан ажралишган.

Гулнора Рахимходжаева 1994 йил 24 июлда вафот этган, унинг вафотидан сўнг мерос иши очилмаган ва меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги ариза билан ҳеч ким мурожаат қилмаган.

1999 йил 28 сентябрда нотариал тасдиқланган аризага кўра Самандар Базаров собиқ турмуш ўртоғи Дилбар Темировага фарзанди Ойбек Базаровни Швеция давлатига олиб чиқиб кетишга розилик берган.

1999 йил 7 декабрда нотариал тасдиқланган ишончнома асосида Дилбар Темирова Самандар Базаровга Шохжаҳон кўчаси, 60-уйнинг ўзига тегишли бўлган 2/3 қисмдаги улушини истаган нарх ва шартларда сотиш ваколатини берган.

“Ракат” маҳалласининг 2017 йил 15 майдаги далолатномасида Шохжаҳон кўчаси, 63-уйда Самандар Базаров яшаб келганлиги, Дилбар ва Гулнора Рахимходжаеваларнинг мазкур уй-жойда 1997 йилдан бери яшамаётганлиги кўрсатилган.



ФК 187-моддасининг 1 ва 5-қисмларига асосан мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат).

Бироқ мазкур ҳолатларни биринчи инстанция суди инобатга олмасдан, Дилбар Темирова томонидан 1999 йил 17 декабрда уч йил муддатга низоли турар жойнинг бир қисмини сотиш учун берилган ваколатнома муддати тугаганидан сўнг эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат бошланади, деган важ билан даъво талабини рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган. Ушбу ҳолат апелляция инстанцияси судининг эътиборидан ҳам четда қолган.



10-Б О Б

**НИКОҲ ВА НИКОҲ ДАВОМИДА  
ОРТТИРИЛГАН МОЛ-МУЛК БИЛАН  
БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА  
СУД АМАЛИЁТИ**





## **10.1. Эр ва хотин ўртасида биргаликда яшаш ва оилани сақлаб қолиш имкониятининг мавжуд эмаслиги суд томонидан никоҳдан ажратишга асос бўлади.**

Алишер Бердиев жавобгар Зарина Расуловага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб жавобгар билан 1997 йилда турмуш қурганлигини, З.Расулова иккинчи фарзанди Хамидани туғиб, унга ўзининг розилигисиз оталигини берганлигини, аммо у ўзининг фарзанди эмаслигини, жавобгар З.Расулова билан 2013 йил 4 июнгача бирга яшаган бўлсада, у билан оилавий муносабатлари апрель ойида тугаганлигини, суднинг 2015 йил 17 июндаги ҳал қилув қарори билан Хамидага нисбатан берилган оталик бекор қилинганлигини билдириб, ўрталаридаги никоҳдан ажратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 19 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2016 йил 12 июлдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 28 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Алишер Бердиев ва Зарина Расуловалар 1994 йилда шаърий никоҳ асосида турмуш қуришган, 1997 йил 18 ноябрда қонуний никоҳдан ўтишган.

Биринчи инстанция судининг 2014 йил 20 майдаги ҳал қилув қарорига кўра даъвогар А.Бердиевнинг жавобгар З.Расуловага нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво талаби рад қилинган. Бунга 2014 йил 22 март куни туғилган Хамида исмли фарзанд бир ёшга тўлмаганлиги асос қилинган.

Чунки Оила кодексининг 39-моддасига кўра хотиннинг хомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр-хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.



Биринчи инстанция суди қайд этилган қонун талабидан келиб чиққан ҳолда даъвогарнинг даъво талабини тўғри рад қилган. Бироқ илгари кўрилган бошқа фуқаролик иши бўйича даъвогар А.Бердиев жавобгарлар З.Расулова ва Норин туман ФХДЁ бўлимига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб 2014 йил 22 март куни туғилган Хамида ўзининг фарзанди эмаслигини, чунки даъвогар жавобгар З.Расулова билан 2013 йил 4 июнча бирга яшаган бўлсада, у билан ўзаро муносабатлари апрель ойида тугаганлигини билдириб, фуқаролик ҳолати ҳужжатларидаги ўзига тегишли ёзувларни бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 17 июндаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилиб, Норин туман ФХДЁ бўлими томонидан қайд қилинган Бердиева Хамиданинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувининг отаси Бердиев Алишерга оид қисми бекор қилинган. Суд мажлисида жавобгар З.Расулова ҳам даъво талабини тўлиқ тан олган.

Мазкур суд қарори ҳозирги кунда қонуний кучда бўлиб, ушбу фуқаролик иши апелляция ёки кассация инстанциясида кўрилмаган.

Суд томонидан даъвогарнинг янгидан берган никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво талаби бўйича оилани сақлаб қолиш учун 2016 йил 19 январда тарафларга 4 ойлик муҳлат берилган бўлсада, амалда оила сақлаб қолинмаган.

Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган маълумотномада ҳам тарафлар 2013 йил июль ойидан буён бирга яшамаслиги кўрсатилган. Бироқ биринчи инстанция суди мазкур ҳолатларни эътиборга олмасдан, жавобгарнинг никоҳдан ажрашишни хоҳла-маслигини билдирган тушунтиришига асосланиб, даъвони рад қилиш ҳақида барвақат ҳулосага келган.

Ваҳоланки, Оила кодексининг 41-моддасига кўра, агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.



## **10.2. Биргаликдаги мулкни бўлиш имконияти бўлмаса, тегишли тарафга унинг мазкур мулкдаги ҳиссаси қийматига тенг бўлган пул компенсацияси тўланиши мумкин.**

Фарида Собирова жавобгарлар Хива туман суд ижрочилари бўлими ва Одил Расуловга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда суд ижрочилари томонидан зарарни қоплаш учун рўйхатга олинган “Нексия” русумли автомашина баҳосининг ярмини ўзидан ундириш, автомашинани эгаллигида қолдириш ва автомашинага таъқиқ солиш ҳақидаги суд ижрочисининг қарорини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 3 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 18 июлдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 27 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра апелляция инстанцияси ажримининг даъвогар фойдасига пул ундиришга оид қисми бекор қилиниб, шу қисм бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра “Нексия” русумли автомашина даъвогар Фарида Сабированинг эгаллигида қолдирилган. Даъвогар Сабирова Фаридадан жавобгар Расулов Одил фойдасига автомашинанинг ярим нархи сифатида 13 618 000 сўм ундирилган, ажримнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича даъвогар Ф.Собирова жавобгар О.Расулов билан 2006 йил 7 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган.

Турмушлари давомида улар низоли “Нексия” русумли автомашинани 2009 йилда О.Расуловнинг номига сотиб олишган.

Жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судининг 2015 йил 8 июндаги ҳукмига асосан жавобгар О.Расулов ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а ва б” бандлари, 185-моддаси, 177-моддаси 3-қисмининг “а ва б” бандлари ва 166-моддаси 4-қисмининг “в” банди



билан айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган. Мазкур ҳукмда жавобгар О.Расулов ва бошқа судланувчилардан солидар тартибда етказилган 68 880 787 сўм зарарни давлат фойдасига ундириш лозимлиги ҳам белгиланган.

Суднинг мазкур ҳукми ижросини таъминлаш мақсадида Хива туман суд ижрочилар бўлими томонидан 2016 йил 24 майдаги далолатномага асосан низоли “Нексия” русумли автомашина хатланган, кейинчалик мазкур автомашина 27 236 000 сўмга баҳоланган.

Даъвогар Ф.Собирова ўзининг даъво талабларида ушбу автомашина у ва жавобгар О.Расуловнинг биргаликдаги турмушлари давомида орттирилган умумий мулки эканлигини маълум қилиб, автомашинани эгалигида қолдиришни ва автомашинани бозор баҳосининг ярмини ундан ундиришни сўраган.

Оила кодексининг 23-моддасига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1993 йил 16 апрелдаги “Судлар томонидан мулкни рўйхат (арест)дан чиқариш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланиши тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 13-бандига кўра эр-хотиндан бирининг унга биргаликдаги умумий мулкдан тегишли ҳиссасини рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги даъвосини ҳал этишда суд Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23, 27-моддаларига асосан эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мулклари уларнинг биргаликдаги умумий мулки эканлигини, ушбу мулк бўлинганида уларнинг ҳиссалари тенг ҳисобланишини эътиборга олиши лозим.

Мазкур Пленум қарорининг 15-бандига кўра биргаликдаги мулкни бўлиш имконияти бўлмаса, суд даъвогарга унинг ҳиссасидан ташқари чиқарилган мулк қийматига тенг ҳисобда пул компенсацияси тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Бироқ апелляция инстанцияси суди даъвогарда автомашина имтиёзли равишда қолиши имконияти мавжуд бўлсада, унинг фойдасига жавобгардан пул ундириш ҳақида барвақт хулосага келган.



### **10.3. Оилавий муносабатлар тугатилганда суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирган мол-мулкни уларнинг биргаликдаги умумий мулки деб топмаслиги лозим.**

Бахора Машарипова жавобгар Хайрулла Саидовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, биргаликдаги мулки бўлган 2003 йилда ишлаб чиқарилган, “НЕКСИЯ” русумли автомашинадан компенсация тариқасида улуш ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 28 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Унга кўра 2003 йилда ишлаб чиқарилган, “НЕКСИЯ” русумли автомашина жавобгар Х.Шокировга қолдирилган ва жавобгар Х.Саидовдан даъвогар Б.Машарипова фойдасига 10 574 931 сўм компенсация пули ундирилган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 9 ноябрдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 3 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар Б.Машарипова жавобгар Хайрулла Саидов билан 1998 йил 3 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан 1998 йил 11 сентябрда туғилган Зилола исмли фарзандлари бор.

Тарафлар фуқаролик иши кўрилган вақтда никоҳдан ажрашмаган бўлган.

Оила кодексининг 23-моддасига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Судлар даъвони қаноатлантиришда мазкур қонун талабига асосланган.



ФПКнинг 15-моддасига кўра суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли.

Х.Саидовнинг судга тақдим қилган эътирозномасида даъвогар билан никоҳлари бекор қилинмаган бўлсада, у билан 1999 йилдан буён бирга яшамаслигини, 2000 йилда Ш.Тўрахановага уйланганлигини, у билан биргаликдаги турмушларидан икки нафар фарзандлари борлигини, автомашинани даъвогар билан бирга яшамаганига 16 йил тўлганидан кейин сотиб олганлигини билдирган. Мазкур ҳолат “Наврўз” қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан тузилган далолатномада ҳам қайд қилинган. Бундан ташқари Ҳайъатда ишни кўришда жавобгар вакили томонидан тақдим қилинган ҳужжатда ҳам Ш.Тураханова ва Х.Саидовнинг 2002 йил 10 октябрда туғилган Руслан исмли фарзанди борлиги кўрсатилган.

Шунингдек, Х.Саидов томонидан ёзилган аризада бир нафар фарзандига 2002 йилдан 2016 йилгача алимент тўлаб келганлиги билдирилган.

Оила кодексининг 27-моддасига кўра оилавий муносабатлар тугатилганда суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин.

2017 йил 9 ноябрдаги суд мажлиси баённомасида даъвогар Б.Машарипова ҳам жавобгар Х.Саидов билан 2002 йилгача бирга яшаганлиги, у уй қуриб беришни ваъда қилганлиги сабабли суд ижрочилари томонидан қўйилган чекловни бекор қилишга ариза берганлиги, у Россияда ишлаб топган пулига низоли автомашинани сотиб олганлиги, бироқ жавобгар уй-жой олиб бермаганлигини айтганлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолатлар тарафларнинг 2002 йилдан кейин бирга эр-хотин бўлиб яшамаганлигини тасдиқласада, суд асоссиз равишда даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.



## **10.4. Эр ёки хотин улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажрашгандан кейинги даврда ҳам орттирган мол-мулкларини бўлиш, улуш ажратиш бўйича судга даъво аризаси билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.**

Алишер Матчанов жавобгар Хамида Расуловага нисбатан судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, у билан 1992 йил 9 апрелда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан бир нафар фарзандлари борлигини, Чирчиқ шаҳар, А.Темур кўчаси, 80-уйни жавобгарнинг номига сотиб олиб, ушбу хонадонда яшаганликларини, бироқ ўзаро келишмовчиликлар туфайли 2014 йил декабрь ойидан алоҳида яшаб келаётганликларини билдириб, низоли уй-жойни умумий мулк деб топиш ва уй-жойдаги улушини пул шаклида ажратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 10 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Унга кўра Чирчиқ шаҳар, А.Темур кўчаси, 80-уй А.Матчанов ва Х.Расуловаларнинг биргаликдаги умумий мулки деб топилган ва ҳар бирининг улуши  $\frac{1}{2}$  қисмдан иборат деб белгиланган.

Жавобгар Х.Расуловадан даъвогар А.Матчановнинг фойдасига низоли хонадоннинг  $\frac{1}{2}$  қисм улуши эвазига 349872931 сўм ундирилиши белгиланган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 7 мартдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 8 ноябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Аниқланишича, Алишер Матчанов Хамида Расулова билан 1992 йил 9 апрелда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қуришган. Биргаликдаги турмушларидан 1993 йил 4 февралда туғилган



Моҳира, 1994 йил 7 февралда туғилган Умида ва 2007 йил 2 декабрда туғилган Умид исмли фарзандлари бор.

2010 йил 21 апрелда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига кўра, Чирчиқ шаҳар, А.Темур кўчасида жойлашган, Хамид Дўсчановга тегишли 80-уйни Х.Расулова сотиб олган. Мазкур уй-жойни олди-сотди шартномасини расмийлаштиришда Хамид Дўсчановнинг номидан сотувчи бўлиб даъвогар Алишер Матчанов қатнашган.

2010 йил 8 июнда тарафлар оила аъзолари билан низоли уй-жойга доимий рўйхатга қўйилган, уларнинг никоҳлари бекор қилинмаган бўлсада, улар ўртасида ўзаро келишмовчилик келиб чиққан. Шу сабабли А.Матчанов судга юқоридаги мазмунда даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд томонидан ишни кўриш давомида тайинланган қурилиш экспертизасининг 2016 йил 13 июлдаги хулосасида низоли хонадоннинг бозор баҳоси 699 745 863 сўм эканлиги кўрсатилган.

Оила кодексининг 23-моддасига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришда мазкур қонун талабига асосланган.

Оила кодексининг 27-моддасига кўра эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши, оилавий муносабатлар тугатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин.

Кассация инстанцияси суди мазкур қонун талабини инобатга олиб ҳамда тарафлар 2009 йилдан кейин бир-биридан алоҳида





яшаганликларини, мазкур ҳолатлар гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланишини, А.Матчановнинг 2009 йилдан кейин Х.Расулова билан бирга саънат соҳасида ишлаганлиги уларнинг умумий рўзғор юритганлигини англатмаслигини асос қилиб, даъво ни рад қилиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Чунки биринчи инстанция судининг 2016 йил 14 мартдаги суд мажлиси баённомасида Х.Расулова А.Матчанов билан 2014 йилнинг декабрь ойидан буён бирга яшамаслигини, 2012 йилда А.Матчанов 3-4 ойлик шартнома пуллари олиб кетиб, ишлатиб юборганлигини, шу сабабли ўрталарида низо келиб чиққанлигини билдирган.

Шунингдек, суд мажлисида уларнинг қизи М.Тураева 2014 йилда турмушга чиққанлигини, отаси тўй арафасида уйдан чиқиб кетганлигини билдирган.

ФПКнинг 23-моддасига кўра ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг баённомаси билан танишиб чиқишга ва у имзоланган кундан эътиборан беш кун ичида унда йўл қўйилган нотўғриликларни ёки унинг тўлиқ эмаслигини кўрсатиб, баённома юзасидан ёзма равишда фикр-мулоҳаза билдиришга ҳақлидирлар.

Х.Расулова суд мажлиси баённомасига эътироз билдирмаган. Бундан ташқари у суд мажлисида даъвогар билан оилавий муносабатлари низоли уй-жойни сотиб олишдан олдин тугатилганлигини, турмуш ўртоғи билан бирга яшамаётганлиги ҳақидаги фикрларни олдини олиш мақсадида у билан бирга тўй тадбирларида қатнашганлигини билдирган бўлсада, мазкур важлар асоссиз ҳисобланади.

Чунки 2013 йилда Х.Расулованинг туғилган куни ҳамда оиланинг бошқа тадбирларида А.Матчанов ҳам иштирок қилишдан ташқари, фарзанди Умиднинг тарбияси билан 2013 йилда ҳам шуғулланганлиги билан боғлиқ суратларни ҳам судга тақдим қилинган, низоли уй-жойнинг олди-сотди шартномасини расмийлаштиришда сотувчининг номидан А.Матчанов қатнашган, кейинчалик даъвогар 2010 йил 8 июнда уй-жой рўйхатига қўйилган. Шуларни эътиборга олиб, Ҳайъат кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, иш бўйича чиқарилган биринчи инстанция судининг қарорини кучида қолдиришни лозим топган.



## **10.5. Фермер хўжалигининг номига давлат рўйхатидан ўтказилган кўчмас мулк эр-хотиннинг биргаликдаги турмуши давомида орттирилган умумий мулки ҳисобланмайди.**

Даъвогар “РУСТАМ” фермер хўжалиги судга жавобгарлар Салима Комилова, Нурбек Комилов, Озода Холмирзаева, Амирқул Комилов, Севара Комилова, Дурдона Комилова, Ойсулув Комилова, Рустам Комилов, Мухайё Ахмедова, Жонибек Комилов, Дилафруз Эргашева, Мухитдин Комилов ва Шавкат Комиловларга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарларни “РУСТАМ” фермер хўжалигига тегишли бўлган дала шийпонидан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди 2017 йил 5 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантирган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 29 августдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 20 ноябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган:

Аниқланишича, “РУСТАМ” фермер хўжалигининг собиқ раҳбари Рустам Комилов ва жавобгар Салима Комилова 1964 йил 2 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган ва турмушлари давомида 8 нафар фарзандлари туғилган. Эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар сабабли улар 2016 йил 20 сентябрдаги суднинг қарорига асосан никоҳдан ажратилган.

Пахтачи туман ҳокимининг 1992 йил 11 апрелдаги Х-57/4-сонли қарори билан “РУСТАМ” фермер хўжалиги ташкил этилган.

Пахтачи туман ҳокимининг 2011 йил 9 декабрдаги Х-509/12-сонли қарори билан “РУСТАМ” фермер хўжалигига фермер хўжалигининг ишчиларига дала шийпони, ётоқхона, чорва молларига молхона



ҳамда чўпонлар дам олиш хоналари қуриш учун фермер хўжалигига тегишли ер майдонидан 3,7 гектар ер майдони ажратилган.

Пахтачи туман ҳоқимининг 2017 йил 1 апрелдаги Х-866/04-сонли қарори билан “РУСТАМ” фермер хўжалигининг ишчиларига дала шийпони, ётоқхона, чорва молларига молхона ҳамда чўпонлар дам олиш хоналари фойдаланишга қабул қилинган ва ушбу бинолар Пахтачи туман “Ермулккадастр” давлат корхонаси томонидан 2017 йил 5 апрелда “РУСТАМ” фермер хўжалигининг номига нотурар-жой сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Оила кодекси 23-моддасининг 1-қисмига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси суди мазкур қонун талабидан келиб чиқиб низоли дала шийпон биносини Рустам Комилов ва Салима Комилованинг умумий мулки деб топган бўлсада, мазкур бино қайси ҳуқуқий ҳужжатга асосан уларнинг биргаликдаги турмуши давомида олинганлигига аниқлик киритмаган.

Ваҳоланки, фуқаролик ишига илова қилинган Пахтачи туман “Ермулккадастр” давлат корхонасининг 2017 йил 13 апрелдаги 1/114-сонли маълумотномасида туман ҳоқимининг 2017 йил 1 апрелдаги Х-866/04-сонли қарорига асосан “РУСТАМ” фермер хўжалиги томонидан қурилган дала шийпони, ётоқхона ва чўпонлар дам олиш хоналари фойдаланишга қабул қилинганлиги ва “Ермулккадастр” давлат корхонаси томонидан 2017 йил 5 апрелда ушбу бино ва иншоотларга кадастр ҳужжатлар тайёрланиб, нотурар жой сифатида давлат кадастр рўйхатига олинганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига кўра фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир. Бинолар, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги экин-зорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, чорва моллар, паррандаларга, етиштирган маҳсулотига, қишлоқ хўжалик техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек фермер хўжалигининг балансидаги



бошқа мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи фермер хўжалигига қараш-  
лидир.

Ваҳоланки, низоли дала шийпон биноси “РУСТАМ” фермер  
хўжалигининг балансида бўлиб, фермер хўжалиги номига давлат  
рўйхатидан ўтказилган экан, ушбу бинони Рустам Комилов ва  
Салима Комилованинг умумий мулки деб топишга асослар мавжуд  
бўлмайди.

Уй-жой кодексининг 7-моддасига кўра уй-жой фонди – инсон  
яшаши учун яроқли бўлган турар жойдан, шу жумладан уйлар,  
квартиралар, хизмат турар жойлари, махсус уйлардан (ётоқхоналар,  
вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз  
қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа  
махсус мақсадли уйлардан) иборат бўлган фонд.

Уйларда жойлашган савдо, маиший ва носаноат йўналишидаги  
ўзга эҳтиёжларга мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар  
уй-жой фондига кирмайди.

Мазкур Кодекс 9-моддасининг 1-қисмига кўра фуқароларнинг  
доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга  
қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган  
тартибда махсус уйлар (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди  
уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-  
уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар)  
сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар турар жой деб  
ҳисобланади.

Апелляция инстанциясининг тарафлар низоли бинодан уй-жой  
сифатида фойдаланиб келганликлари тўғрисидаги хулосаси билан  
келишиб бўлмайди.

Чунки низоли кўчмас бино турар-жой сифатида давлат  
рўйхатидан ўтказилмаган. Аксинча, юқорида қайд қилинган Пахтачи  
туман “Ермулккадастр” давлат корхонасининг 2017 йил 13 апрелдаги  
1/114-сонли маълумотномасида низоли дала шийпони биноси  
“РУСТАМ” фермер хўжалиги номига нотурар жой сифатида давлат  
кадастр рўйхатига олинганлиги кўрсатилган.

Пахтачи туман Фермерлар кенгашининг 2017 йил 11 апрелдаги  
166-сонли маълумотномасида низоли бинолардан узоқдан келиб



ишловчи фермер хўжалиги ишчилари ва пахта йиғим-теримига жалб қилинган бошқа туманлардан келган ҳашарчиларни жойлаштиришда фойдаланиб келинаётганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, Пахтачи туман ИИБнинг 2017 йил 22 майдаги 46/614-сонли маълумотномасида Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 1999 йил 29 мартдаги буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби ҳақида”ги Йўриқномада фуқаролар уй-жой майдонларига вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтишлари мумкинлиги белгилаб берилганлиги, “РУСТАМ” фермер хўжалиги дала шийпони Пахтачи туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан “турар жой” деб кўрсатилмаганлиги, фуқаролар нотурар жойларга доимий ёки вақтинча паспорт рўйхатига қўйилиши амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига зид эканлиги, жавобгарлар “РУСТАМ” фермер хўжалигининг дала шийпонига паспорт рўйхатида турмасликлари маълум қилинган. Бундай ҳолларда апелляция инстанциясининг ажримини қонуний ва асосли деб топиб бўлмади.

## **10.6. Суд томонидан фақат ишни кўриш вақтида амалда мавжуд бўлган ҳамда эр-хотиннинг бирида ёки учинчи шахсларда турган умумий мол-мулклари бўлиниши мумкин.**

Салима Акрамова жавобгарлар Ахмад Акрамов ва Нигора Акрамоваларга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи Ахмад Акрамов билан Россия Федерациясида ишлаб, ишлаган пулларини унинг опаси Нигора Акрамованинг номига банк орқали жами 585 000 000 сўмни юборганликлари, мазкур пулга Нигора Акрамова уй-жой сотиб олганлиги, бироқ ўрталарида келишмовчилик келиб чиққанлиги, жавобгарлар ўзига тегишли пулларни бермасдан келаётганликларини билдириб, 585 000 000 сўмдан улушини аниқлаштириб, мазкур қисмини ундиришни, ундирувни Насиба Расулованинг номида бўлган уй-жойга қаратишни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2017 йил 23 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 1 июндаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 26 сентябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва кассация инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган:

Аниқланишича, даъвогар Салима Акрамова жавобгар Ахмад Акрамов билан 2013 йил 11 октябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган. Биргаликдаги турмушларидан уч нафар фарзандлари бор, ўзаро келишмовчиликлар туфайли улар 2015 йилдан алоҳида яшаб келишган, шунингдек тарафлар бирга яшаган даврида Россия Федерациясида ишлаб келишган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан тақдим этилган маълумотномаларга кўра 2013 йил октябр ойдан 2015 йил августгача Ахмад Акрамов томонидан Нигора Акрамова номига жами 16 100 АҚШ доллари юборилган.

Биринчи инстанция суди даъво талабини қаноатлантиришда мазкур пуллар тарафларнинг биргаликдаги турмушлари даврида орттирилганлигига асосланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судининг 2016 йил 28 июндаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Салима Акрамованинг жавобгар Ахмад Акрамовга нисбатан никоҳ давомида орттирилган мол-мулкларни бўлиш ҳақидаги даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан жами 3 180 000 сўмлик мол-мулклар олиб берилган.

Фуқаролик ишини кўриш жараёнида Ахмад Акрамов Россия Федерациясида ишлаб, опаси Нигора Акрамовага юборган пуллардан ўзига тегишли қисмига автомашина олганлигини билдирган. Шу сабабли суд томонидан Ахмад Акрамовнинг номига расмийлаштирилган “Спарк” русумли автомашина тарафларнинг никоҳ давомида орттирилган мол-мулки деб топилиб, жавобгарнинг



ҳисобида қолдирилган. Салима Акрамовага автомашина ҳисобидан 17 107 530 сўм ундирилиши белгиланган. Мазкур суд қарори қонуний кучда.

ФКнинг 324-моддасига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Бироқ қуйи судлар Ахмад Акрамов томонидан Нигора Акрамова номига юборилган пуллар тарафлар ўртасида биргаликдаги мулк бўлиши ҳақида келишув бўлмаганлиги, шунингдек судда Ахмад Акрамов Россия Федерациясида ўзидан ташқари акаси Содик, укаси Сиддиқ, опаси Нигора, Зайнаб, онаси Ойимхоллар билан бирга ишлаганликлари, ишлаган пулларини опаси Нигора Акрамовага юборганлиги, ўзига тегишли пул маблағини опасидан олиб, “Спарк” русумли автомашина ва кондиционер сотиб олганлиги, унда бошқа бирон-бир даромад манбаи мавжуд эмаслиги, сотиб олган мулклар ҳисобидан Салима Акрамова жами 19 607 550 сўм тўлиқ олганлиги ҳақидаги вазларни келтирганлигига эътиборни қаратмаган.

ФПК талабларига кўра ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Бироқ даъвогар томонидан талаб қилинган пул маблағлари жавобгарларда эканлиги исботлаб берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 20-бандида тушунтирилишича, суд томонидан фақат ишни кўриш вақтида амалда мавжуд ҳамда эр-хотиннинг бирида ёки учинчи шахсларда (масалан, ижара, мулкдан текин фойдаланиш, омонат сақлаш ва ш.к. шартномалар бўйича) бўлган умумий мол-мулк бўлиниши лозим.

Даъвогар талаб қилаётган пуллар ҳақиқатда мавжуд эканлигини исботловчи далиллар судга тақдим этилган бўлмасада, қуйи судлар даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақидаги асоссиз хулосага келган.



## **10.7. Никоҳ қонуний қайд қилинмасдан олдин эгалик ҳуқуқи белгиланган ва тарафларнинг умумий мулки деб топилмаган низоли уй-жойни никоҳ давомида орттирилган мулк сифатида тарафлар ўртасида тақсимлаш мумкин эмас**

Хафиза Сабирова жавобгар Фарход Сабировга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда жавобгар билан биргаликдаги турмушлари даврида қурилган Янгиариқ туман, "Қуйибоғ" маҳалласи, Навбаҳор кўчаси, 3-уйдан ўзига тегишли улушини олиб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 5 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, Янгиариқ туман, "Қуйибоғ" маҳалласи, Навбаҳор кўчаси, 3-уй жавобгар Ф.Сабировга қолдирилган ҳамда жавобгар Ф.Сабировдан даъвогар Х.Сабированинг фойдасига 84607370 сўм ундирилган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 19 январдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 30 апрелдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар Х.Сабирова ва жавобгар Ф.Сабиров 2007 йилда турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан икки нафар фарзандлари бор.

Ўрталаридаги келишмовчиликлар сабабли тарафлар 2017 йил февраль ойидан бошлаб бирга яшамасдан келганлар.

Низоли Янгиариқ тумани, "Қуйибоғ" маҳалласи, Навбаҳор кўчаси, 3-уйга Янгиариқ туман ҳокимининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4102-сонли қарорига асосан Ф.Сабировнинг номига эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Судга тақдим қилинган Янгиариқ туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг 2018 йил 13 февралдаги 811-сонли хатида низоли уй-жой 2000 йилда хатловдан ўтказилганда жами





ер майдони 1204,0 кв.метр, қурилиш майдони 183,0 кв.метрни ташкил қилганлиги, 2017 йилда хатловдан ўтказилганда, жами ер майдони 1426,0 кв.метр, қурилиш майдони 479,49 кв.метрни ташкил қилганлиги, 2013-2016 йиллар давомида қўшимча 0006,0008,0009, 0012 литердаги қурилишлардан иборат қўшимча қурилишлар қурилганлиги кўрсатилган.

Оила кодексининг 18-моддасига кўра никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

Мазкур Кодекснинг 23-моддасига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Тарафларнинг никоҳлари 2010 йил 7 июнда қонуний қайд қилинганлиги сабабли уларнинг эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари шу кундан бошлаб вужудга келган ҳисобланади.

Низоли уй-жойга Янгиариқ туман ҳокимининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4102-сонли қарорига асосан Ф.Сабировнинг номига эгалик ҳуқуқи белгиланган бўлсада, уй-жой тарафларнинг умумий мулки деб топилмаган ва даъвогар Ҳ.Сабирова бундай даъво талаби билан судга мурожаат қилмаган.

Бундан ташқари, даъвогар Ҳ.Сабирова ўзининг Ҳайъатдаги тушунтиришларида ҳақиқатдан ҳам у низоли уйга келин бўлиб тушган пайтда икки қаватли уй-жой қурилган бўлганлигини, кейин улар жавобгар билан биргаликдаги турмушлари давомида уйни таъмирлаб, қўшимча қурилишларни амалга оширганликларини маълум қилган.

Бундай ҳолларда судларнинг никоҳ қонуний қайд қилинмасдан олдин жавобгарнинг номига эгалик ҳуқуқи белгиланганлиги ва тарафларнинг умумий мулки деб топилмаган низоли уй-жойни никоҳ давомида орттирилган мулк сифатида тарафларнинг ўртасида тақсимлаш лозимлиги ҳақидаги хулосаси ноқонунийдир.

11-Б О Б

**ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН  
ҚУРИЛГАН ИМОРАТЛАРНИ  
БАРТАРАФ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ**



## **11.1. Қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилишлар қилишга йўл қўйилмайди.**

Арслан Мансуров жавобгар Ибрагим Мансуровга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 27 майдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси рад этилган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 2 мартдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 1 августдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Беруний туман ҳокимининг 2015 йил 23 мартдаги 3-сонли қарори билан Янгиҳаёт қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 1 600 кв.метрдан иборат уй-жойга нисбатан Арслан Мансуровнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Беруний туман ҳокимининг 2016 йил 9 февралдаги 2-сонли қарорига кўра Янгиҳаёт қишлоғида 600 кв.метр ер майдонида жойлашган уй-жойга Ибрагим Мансуровнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган. Шунингдек ушбу қарорда мазкур уй-жойнинг ёнида бўлган 1409 кв.м. ер майдони қурилиш қилмаслик шарти билан вақтинчалик фойдаланиш учун Ибрагим Мансуровга қолдирилган.

Жавобгар И.Мансуров тегишли ташкилотларнинг рухсатисиз ортиқча фойдаланишидаги ер майдонида даъвогар А.Мансуровга тегишли бўлган турар жойининг деразаларини ёпиш ва очишга имкон қолдирмайдиган ҳолда омборхона (молхона) қурган, бунинг натижасида ака-ука Арслан ва Ибрагим Мансуровлар ўртасида низо келиб чиққан.

Шаҳарсозлик кодексининг 8-моддасида шаҳарсозлик фаолия-



тини амалга ошириш чоғида юридик ва жисмоний шахслар шаҳарсозлик ҳужжатларига, аҳоли пунктлари ва ҳудудларини қуриш қоидаларига риоя этилишини таъминлашлари, атроф-муҳитга, маданий мерос объектларига, шаҳар, қишлоқ ландшафтларига, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар объектларига, ҳудудларни ободонлаштириш объектларига зарарли таъсир этадиган, учинчи шахсларнинг қонуний манфаатларига дахл этадиган ҳамда чегарадош ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларининг мулкдорлари, эгалари ёки мазкур участка ва объектлардан фойдаланувчилар ҳуқуқлари амалга оширилишига монелик қиладиган хатти-ҳаракатлар содир этмасликлари шартлиги белгиланган.

Беруний туман Архитектура ва қурилиш бошқармасининг 2016 йил 23 майдаги 550-сонли хулосасига кўра И.Мансуровнинг 13,20×6,00 метр майдондан иборат омборхона биноси кадастр ҳужжатига киритилганлиги, омборхона биноси А.Мансуровнинг ёрдамчи биноси орқасидан қурилганлиги, ушбу бино хўжалик омборхонаси сифатида ишлатилса, у шаҳарсозлик норма ва қоидаларига тўлиқ жавоб бериши қайд этилган.

Биринчи инстанция суди ушбу хулосага таяниб, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқламасдан қарор қабул қилган.

Кассация инстанцияси суди ҳам иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга аниқлик киритмасдан, ҳал қилув қарорини кучида қолдириб, барвақт хулосага келган.

Чунки Бухоро вилоят архитектура ва қурилиш Бош бошқармаси томонидан А.Мансуровнинг мурожаати бўйича ўтказилган текширишда И.Мансуров томонидан қурилган омборхона (молхона) биноси вақтинчалик фойдаланиш мақсадида қолдирилган ер участкасида ноқонуний равишда амалга оширилганлиги аниқланган.

ФКнинг 212-моддасига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмастан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.



Бироқ қуйи судлар жавобгар И.Мансуров томонидан низоли ер майдонида ноқонуний равишда қурилиш қилганлигига эътибор қаратмаган.

## **11.2. Иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда амалга оширилган қурилишлар тегишли тарафнинг ўзбошимчалик билан қурилган қурилишларни буздириш ҳақидаги даъвосини суд томонидан қаноатлантиришга асос бўлади.**

Янгиариқ ҳокимияти жавобгар “Afrosiyob” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, Янгиариқ шаҳар, Тинчлик кўчаси, 5-манзилда жавобгар томонидан ноқонуний қурилган бинони унинг ҳисобидан буздиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 13 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 17 майдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 17 июлдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра кассация инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Аниқланишича, Янгиариқ шаҳар, Тинчлик кўчаси, 5-манзилдаги 1476,0 кв.метр ер майдонида жойлашган (бузилган ҳолатда) уй-жой 2015 йил 30 ноябрдаги аукцион савдосининг 5/1-сонли баённомасига асосан “Afrosiyob” масъулияти чекланган жамиятга тегишли.

Янгиариқ шаҳар ҳокимининг 2016 йил 6 декабрдаги 1755К-сонли қарори билан “Afrosiyob” масъулияти чекланган жамиятига Тинчлик кўчаси, 5-манзилдаги 1476,0 кв.метр ер майдонида жойлашган (бузилган ҳолатда) уй-жой ўрнidan замонавий архитектура лойиҳа



ҳужжатлари асосида икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилишига рухсат берилган.

“Afrosiyob” масъулияти чекланган жамияти зиммасига қайта қуриш ишлари бўйича тайёрланган тавсифнома таклифини тегишли идора ва ташкилотлар билан келишиш юклатилиб, мазкур режалаштирилган қурилиш ишларини мониторинг қилиб бориш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилган.

Янгиариқ шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими томонидан қурилиш ишларининг бориши ўрганилганда жавобгар томонидан лойиҳа смета ҳужжатларисиз, тегишли рухсатномасиз ҳамда шаҳар ҳокимининг қарорида белгиланган талабларга риоя қилинмасдан, кўп қаватли турар жой биноси қурилганлиги аниқланиб, бу ҳақда 2017 йил 25 апрелда далолатнома тузилган ва жавобгар ноқонуний қурилиш ишларини тўхтатиш ҳақида огоҳлантирилган.

Фуқаролик кодексининг 212-моддасига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган ҳисобланиб, ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бўзилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим.

Биринчи инстанция суди юқоридаги қонун талаблари ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, даъвогарнинг ноқонуний қурилган бинони бузиш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш ҳақида қонуний ва асосли хулосага келган.

Бироқ кассация инстанцияси жавобгар ўзига ажратилган ер майдонида қурилишлар қилганлигига асосланиб, суд қарорини нотўғри бекор қилган, чунки жавобгар ўзига ажратилган ер майдонида қурилишлар қилиш учун тегишли органлардан рухсатнома олмаган.



### **11.3. Қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши шарт бўлган ишнинг ҳолатлари бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин эмас.**

Жамил Тошев судга жавобгар Самат Бабаевга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгар томонидан ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасини қайтариб олиб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 26 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 9 февралдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 12 июндаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Қарши шаҳар халқ депутатлари Советининг 1989 йил 15 декабрдаги 266-сонли қарорига асосан Тўра Гаппаров якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган Қарши шаҳар, “Мағзон” МФЙ, Огаҳий кўчаси, 30-уй манзилидаги ер майдонида уй-жой қурган.

Мазкур уй-жой 2007 йил 11 июндаги ворислик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага асосан Малика Остонованинг номига ўтказилган.

Ўз навбатида, 2015 йил 9 декабрдаги ҳада шартномасига асосан М.Остонова уй-жойни невараси, яъни даъвогар Ж.Тошевга ҳада қилган.

Даъвогар ўзининг даъво талабида унга тегишли уй-жой кадастр ҳужжатларида 600 кв.метрдан иборат бўлиши лозимлиги кўрсатилган бўлсада, амалда 426,65 кв.метрни ташкил қилишлигини, унга тегишли ер участкасини жавобгар ноқонуний эгаллаб олганлигини маълум қилиб, ундан ортиқча эгалланган ер участкасини олиб беришни сўраган.

ФПКнинг 74-моддасига кўра қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши шарт бўлган ишнинг ҳолатлари



бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин эмас.

Судлар ишга тақдим қилинган Қарши шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг 2017 йил 17 июлдаги 2381-сонли ҳамда 2018 йил 9 февралдаги 2-сонли хулосаларида даъвогарга тегишли уй-жойнинг ер участкаси 600 кв.метр бўлиши лозим бўлсада, амалда 426,65 кв.метрга қисқарганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжудлигидан келиб чиқиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида асосиз хулосага келган. Чунки юқорида қайд қилинган хулосаларда Фатима Бабаеванинг архив ҳужжатлари кўздан кечирилганда, “Мағзон” МФЙ, Огаҳий кўчаси, 26-уй 1988 йилда марҳум Тимур Норовга тегишли эканлиги, ер майдони 1763,0 кв.метрдан иборат бўлганлиги ва марҳумнинг номига 1990 йил 22 июнда 170у/6-сонли Қарши шаҳар халқ депутатлари ижроия кўмитасининг қарори чиқиб, унга 600 кв.метр ер майдони ажратилганлиги архив ҳужжатларида маълум бўлганлиги, ҳозирги кунда жойига бориб ўрганилганда бу жой ҳақиқатда 795,56 кв.метрга қисқарганлиги кўрсатилган.

Кўйи судлар эса жавобгар томонидан эгалланган ер майдони даъвогарга тегишли ер участкасининг ҳудудига кириш-кирмаслигига аниқлик киритмаган. Ваҳоланки, Қарши шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг 2018 йил 19 февралдаги 2/402-сонли хатида низоли 173,35 кв.метр ер майдони Қарши шаҳар ижроия кўмитасининг 1990 йил 22 июндаги қарорига асосан С.Бабаевнинг отаси Тимур Норовга ажратилганлиги маълум қилинган.

Бундан ташқари, судга тақдим қилинган Қашқадарё вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг 2018 йил 12 мартдаги 234/03-сонли хатида низоли ер участкаси жавобгар С.Бабаевнинг отаси марҳум Тимур Норовга Халқ депутатлари Қарши шаҳар Совети Ижроия комитетининг 1990 йил 22 июндаги 170у/6-сонли қарори билан берилганлиги, ҳозирги кунда ер участкаси фуқаро Ф.Бабаевага 2013 йил 13 сентябрдаги мулкка эгалик ҳуқуқи ҳамда қонун бўйича ворислик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага асосан тегишли эканлиги, фуқаро Ж.Тошев ва Ф.Бабаевалар ўртасида ҳеч қандай ер участкасига нисбатан ноқонуний чегараларига дахл қилиш ҳолати мавжуд эмаслиги кўрсатилган.





Мутахассислар томонидан берилган хулосалардаги маълумотлар бир-биридан фарқ қилаётганлиги сабабли Ҳайъат томонидан суд-қурилиш экспертизаси тайинланган бўлиб, судга тақдим қилинган Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг 2018 йил 25 майдаги 1784/16.2-сонли хулосасида жавобгар С.Бабаевга (кадастр ҳужжати Ф.Бабаева номида бўлган) тегишли бўлган Қарши шаҳар, Огаҳий кўчаси, 26-уй-жойга Қарши шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан 2013 йил 24 сентябрда кадастр ҳужжати берилганлиги, кадастр ҳужжати бўйича ер майдони 795,56 кв.метрни ташкил этиши, жавобгар С.Бабаевга тегишли бўлган Қарши шаҳар, Огаҳий кўчаси, 26-уй-жойнинг ер майдони ўлчаб кўрилганда 767,94 кв.метрни ташкил этиши аниқланганлиги, жавобгар С.Бабаевга тегишли уй-жойнинг ер майдони даъвогар Ж.Тошевга тегишли Огаҳий кўчаси 30-уй-жойнинг ҳудудига ўтмаганлиги, жавобгар С.Бабаев томонидан даъвогар Ж.Тошевга тегишли ер майдони эгаллаб олинмаганлиги кўрсатилган.

Бундай ҳолларда жавобгар С.Бабаев томонидан даъвогар Ж.Тошевга тегишли ер участкаси эгаллаб олинган деб топишга асослар мавжуд бўлмайти.

#### **11.4. Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим**

Комила Намозова судга даъво аризаси ҳамда қўшимча даъво аризаси билан мурожаат қилиб унда Когон туман ҳокимининг 2016 йил 31 мартдаги 9071-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни, жавобгарлар томонидан ўзига тегишли бўлган ер участкасида қурилган ноқонуний қурилишларни буздиришни, уларни ер участкасидан кўчиришни ва жавобгарларнинг зиммасига ер участкасидан фойдаланишига тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклашни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2017 йил 6 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 8 июндаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 12 июндаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра касация инстанцияси судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Когон туман ҳокимининг 2000 йил 27 июлдаги 1335-сонли қарори билан А.Темур номли ширкат хўжалиги ҳудудида яшаётган фуқароларга уй-жой қуриш учун 0,06 гектардан ер ажратиш ҳақидаги “Кунчиқар” ҚФЙнинг 2000 йил 24 мартдаги 3/5-сонли далолатномаси тасдиқланган ҳамда қарорда ер участкаси ажратилган фуқароларнинг рўйхати илова қилинган.

Рўйхатнинг 252-тартиб рақамида жавобгар С.Собиров, 464-тартиб рақамида даъвогар К.Намозоваларга ажратилган участкалари кўрсатилган.

Шу сабабли даъвогар К.Намозовага низоли ер участкасининг ҳужжатлари тайёрланиб, унинг чегаралари белгилаб берилган.

Унда К.Намозовага ажратилган ер участкаси шимолдан – кўча, жанубдан – Н.Олимов, шарқдан – Л.Содиқов, ғарбдан – О.Мухаммадиевларнинг уй-жойлари жойлашган ер майдони билан чегарадош эканлиги кўрсатилган.

Фақатгина К.Намозовага низоли ер участкасига нисбатан бўлган ҳуқуқ 2017 йил 5 январда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ер кодексининг 23-моддасига кўра ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш)



фақат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан (сотиб олинганидан) кейин амалга оширилади.

Аниқланишича, низоли ер участкаси даъвогар К.Намозовага ажратилган бўлсада, ушбу ер участкасини жавобгар С. Собиров ва унинг турмуш ўртоғи Ш.Махмудова 2000 йилдан буён ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, у ерда уй-жой қуриб яшаб келганлар.

Қурилган уй-жойга нисбатан эса Когон туман ҳокимининг 2016 йил 31 мартдаги 9071-сонли қарори билан жавобгар Сирожиддин Собировнинг номига эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Туман ҳокимининг ушбу қарорида Сирожиддин Собировга эгалик ҳуқуқи белгиланаётган ер участкаси Когон туман ҳокимининг 2000 йил 27 июлдаги 1335-сонли қарорига асосан ажратилганлиги кўрсатилган.

Кассация инстанцияси суди томонидан низоли ер участкаси ва қурилишлар жойида бориб кўздан кечирилганда Когон туман ҳокимининг 2000 йил 27 июлдаги 1335-сонли қарорига асосан жавобгар Сирожиддин Собировга бошқа ер участкаси ажратилганлиги ва у шу ер участкасида уй-жой қуриб яшаб келаётганлиги, низоли ер участкасида жавобгар Салоҳиддин Собиров ўзбошимчалик билан уй-жой қуриб, оиласи билан яшаб келаётганлиги аниқланган.

Гарчанд жавобгар вакиллари ўзларининг назорат тартибидаги шикоятлари ва Ҳайъатда берган тушунтиришларида жавобгар Сирожиддин Собиров отаси Немат Собировнинг ҳовлисида 3 хонали уй-жой қуриб, яшаб келаётганлигини, ўзига ажратилган ер участкасини Салоҳиддин Собировга берганлигини маълум қилган бўлсаларда, уларнинг ушбу вазлари асоссиз ҳисобланади.

Чунки Немат Собиров ва Сирожиддин Собиров яшаб келаётган уй-жойларнинг кадастр ҳужжатлари ўрганилганда Немат Собиров яшаб келаётган уй-жойга 2006 йил 24 июнда, Сирожиддин Собиров яшаб келаётган уй-жойга 2006 йил 18 майда кадастр ҳужжатлари тайёрланганлиги ва бу уй-жойлар бошқа-бошқа жойда жойлашганлиги аниқланган.

Низоли ер участкасида қурилган уй-жойга нисбатан жавобгар Сирожиддин Собировнинг номига эгалик ҳуқуқини белгилаш



ҳақидаги Когон туман ҳокимининг 2016 йил 31 мартдаги 9071-сонли қарорини чиқаришда “Кунчиқар” ҚФЙнинг 2016 йил 26 февралдаги 707-сонли маълумотномаси асос сифатида олинган бўлиб, мазкур маълумотномада низоли уй-жойни Сирожиддин Собиров ўз кучи ва маблағи эвазига қурганлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолат бўйича ойдинлик киритиш мақсадида адвокат сўровига асосан берилган “Кунчиқар” ҚФЙнинг 2017 йил 27 январдаги 324-сонли маълумотномасида юқорида қайд қилинган маълумотнома Сирожиддин Собиров яшаб келаётган уй-жойга нисбатан берилганлиги маълум қилинган.

Бундан ташқари, Ш.Махмудова томонидан Ҳайъатга тақдим қилинган “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2018 йил 26 июндаги 1585-сонли маълумотномасида Когон туман ҳокимининг 2000 йил 27 июлдаги 1335-сонли қарорига асосан берилган ер участкасида Салоҳиддин Собиров ўз маблағи ҳисобидан уй-жой қуриб яшаб келганлиги кўрсатилган.

Ушбу ҳолатлар шундан далолат берадики, Сирожиддин Собировга Когон туман ҳокимининг 2000 йил 27 июлдаги 1335-сонли қарорига асосан унга у ҳозир яшаб келаётган уй-жойи жойлашган ер участкаси ажратиб берилган ва у шу ерда уй-жой қуриб, оиласи билан яшаб келган ҳамда унинг уй-жойига тегишли тартибда кадастр ҳужжатлари тайёрлаб берилган.

Низоли ер участкаси белгиланган тартибда даъвогар К.Намозовага ажратилган бўлсада, ушбу ер участкаси жавобгар Салоҳиддин Собиров томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ва уй-жой қурилган.

Фуқаролик кодексининг 12-моддасига кўра давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Суд ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, бузилган ҳуқуқ ушбу Кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усулларда ҳимоя қилиниши керак.



Ер кодексининг 91-моддасига кўра ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

Юқорида қайд қилинган ҳолатлар ва қонун талабларидан келиб чиқиб кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида қонуний ва асосли хулосага келган.

Фуқаролик кодекси 212-моддасининг 5-қисмига кўра иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган шахс иморат қурган шахснинг харажатларини суд белгилаган миқдорда қоплайди.

Жавобгар вакилларининг назорат тартибидаги шикоятда қайд этилган низоли ер участкаси К.Намозовага тегишли бўлган тақдирда ҳам, суд иморатни бузмасдан, унга нисбатан К.Намозованинг мулк ҳуқуқини эътироф этиши ва иморатни қурган шахсга унинг сарфлаган харажатларини қоплаши лозимлиги ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди. Чунки жавобгар вакиллари таъкидлаб ўтишганидек, Фуқаролик кодекси 212-моддасининг 3-қисмига кўра ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим эди.



Бундан ташқари, даъвогар К.Намозова ўзининг даъво талабида низоли иморатга нисбатан эгалик ҳуқуқини беришни сўрамасдан, балки уни бузишни ва жавобгарни ер майдонидан чиқаришни сўраган бўлиб, суд унинг даъво талабини ўзгартириб, суддан сўралмаган талаб бўйича қарор чиқаришга ҳақли ҳисобланмайди.



12-Б О Б

**УЙ-ЖОЙЛАР, ХИЗМАТ ТУРАР-  
ЖОЙЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР  
БҰЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ**





## **12.1. Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.**

Ахтам Рўзиев судга жавобгар Дилбар Султоновага нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарни ўзига тегишли бўлган Бухоро шаҳар, “Тинчлик” МФЙ, Тинчлик кўчаси, 24-уй, 52-хонадондан мажбурий тартибда кўчиришни, уни шу уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 5 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 17 ноябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 26 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, жавобгар Дилбар Султонова даъвогар Ахтам Рўзиевнинг акаси Равшан Рўзиев билан 2003 йил 12 августда қонуний никоҳдан ўтмаган ҳолда турмуш қуриб бирга яшаб келган. Ўрталаридаги келишмовчиликлари сабабли улар ҳозирги кунда бирга яшамайдилар.

Низоли Бухоро шаҳар, “Тинчлик” МФЙ, Тинчлик кўчаси, 24-уй, 52-хонадон 2009 йил 12 июлдаги нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан даъвогар Ахтам Рўзиевга тегишли бўлиб, уй-жой 2009 йил 3 августда унинг номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

Судлар низоли уй-жой даъвогарга тегишли мулк эканлигини важ қилиб жавобгар Дилбар Султоновани низоли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ва уйдан чиқариш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Аслида жавобгар Дилбар Султонова низоли уй-жой сотиб олинган кундан бошлаб ҳозирги кунга қадар уйда доимий ва



узлуксиз равишда яшаб, уйнинг барча коммунал ва бошқа мажбурий тўловларини тўлаб келган.

Дилбар Султонова ўзининг судда берган тушунтиришларида низоли уй-жой аслида у ва турмуш ўртоғи Равшан Рўзиевнинг 2004-2009 йиллар давомида Россия давлатида ишлаб топган пулларига сотиб олинганлигини, турмуш ўртоғининг топшириғи бўйича уйни қайнукаси Ахтам Рўзиевнинг номига расмийлаштирганликларини, турмуш ўртоғи билан ўрталарида фарзандлари йўқлигини, саккиз йилдан ортиқ вақтдан бери даъвогар ундан бирор марта уйдан чиқишни талаб қилмаганлигини, чунки уй унга тегишли бўлмаганлигини, турмуш ўртоғи билан ўрталарида келишмовчиликлар пайдо бўлганлиги сабабли даъвогар ҳозирги кунда уни уйдан чиқаришни талаб қилаётганлигини маълум қилган.

Жавобгар Дилбар Султонованинг фуқаролик паспортдан кўринишича, у 2009 йил 12 сентябрда низоли уй-жойнинг доимий рўйхатига киритилган.

Даъвогар Ахтам Рўзиев ўзининг даъво аризаси ва судда берган тушунтиришларида жавобгар Дилбар Султонова ноқонуний равишда низоли уй-жойга ҳамда уйнинг рўйхатига кириб олганлигини маълум қилган бўлсада, унинг ушбу важлари асоссиз ҳисобланади.

Чунки фуқаролик ишида Бухоро вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариал архив томонидан тасдиқлаб берилган Бухоро шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестр китобидан кўчирма мавжуд бўлиб, ундаги 2009 йил 10 сентябрдаги 5971-рақам билан қайд қилинган нотариал ҳаракатда, даъвогар Ахтам Рўзиевнинг низоли хонадонга жавобгар Дилбар Султоновани доимий рўйхатга қўйишни сўраганлиги ҳақидаги имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган.

Бундан кўринадики, даъвогар Дилбар Султонова низоли уй-жойга ва уйнинг рўйхатига ўзбошимчалик билан эмас, балки айнан даъвогар Ахтам Рўзиевнинг розилиги асосида кирган.

Уй-жой кодексининг 52-моддасига кўра муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча



бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради.

Мазкур Кодекснинг 54-моддасига кўра фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ижарага берувчининг ёки ушбу турар жойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибида амалга оширилади.

Судлар даъвогарни низоли уйга ҳамда уйнинг доимий рўйхатиغا 2009 йилда даъвогарнинг розилиги асосида кириб, доимий ва узлуксиз равишда яшаб келаётганлигига, жавобгарни низоли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш учун асос бўладиган юқорида қайд қилинган ҳолатлар мавжуд эмаслигига эътибор қаратмасдан, асоссиз равишда жавобгарни низоли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақида хулосага келган.

Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 22-сонли қарори 5-қисмининг 6-бандига кўра нотариал тартибда тузилган уй-жой шартномасида сотувчи ва унинг оила аъзоларининг турар-жой рўйхатидан чиқиб кетиш муддати кўрсатилган бўлса, шу муддат тугаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса, шартнома тузилган кундан эътиборан улар турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб ҳисобланади.

Судлар мазкур Пленум қарори талабини нотўғри талқин қилган ҳолда жавобгарни низоли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топган. Чунки жавобгар Дилбар Султонова низоли уй-жойга уй-жой сотиб олинишидан олдин эмас, балки 2009 йил 12 июлдаги олди-сотди шартномаси расмийлаштирилгандан сўнг кириб, яшашни бошлаган ҳамда 2009 йил 12 сентябрда уйнинг доимий рўйхатиغا киритилган.

Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар, бу шахслар турар жойга ўзларининг



вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, улар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Юқорида қайд қилинганидек, жавобгар Дилбар Султонова низоли уй-жойда даъвогар Ахтам Рўзиевнинг розилиги асосида доимий рўйхатдан ўтган ҳолда доимий ва узлуксиз равишда яшаб келаётганлиги сабабли мазкур қонун талабларига асосан у уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

ФК 172-моддасининг 1-қисмига кўра мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур.

Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистъемол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас.

Ваҳоланки, юқорида қайд қилинган қонун талабларига асосан жавобгар низоли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга ҳисобланар экан, даъвогарнинг ўзининг мулкдорлик мавқеини устун қўйган ҳолда жавобгарни низоли уйдан чиқаришни талаб қилиши жавобгарнинг юқоридаги қонун талабларида қайд қилинган ҳуқуқларига зид ҳисобланади.

Судлар юқорида қайд қилинган ҳолатлар ва қонун талабларини эътибордан четда қолдириб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида асоссиз ҳулосага келган.

## **12.2. Мулкдорнинг уй-жойидан вақтинча фойдаланишга рухсат бериши фуқаронинг мазкур уй-жойдан доимий фойдаланиш ҳуқуқини келтириб чиқармайди.**

Гулмурат Матчанов жавобгар Гулмира Оразбаева ва Ойгул Бобоеваларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб,



Тошкент шаҳар, Яшнабод тумани, А.Темур кўчаси 34-уй, 17-хонадон ўзига тегишли эканлигини, жавобгарларни ушбу уйга вақтинча яшаш учун киритганлигини, бироқ ҳозирги кунда улар уйдан кўчиб кетиш ҳақидаги талабини бажармасдан келаётганликларини билдириб, жавобгарларни оила аъзолари билан уй-жойдан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Жавобгар Гулмира Оразбаева даъвогар Г.Матчановга нисбатан қарши даъво ариза билан мурожаат қилиб, 2009 йилдан буён Гулмурат Матчанов билан шаърий никоҳ асосида турмуш қуриб, низоли уй-жойда бирга эр-хотин бўлиб яшаб келганликларини билдириб, даъвогарнинг даъво талабини рад қилишни ва уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 9 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Гулмурат Матчановнинг даъвоси қаноатлантирилган ва Г.Оразбаеванинг қарши даъвоси рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 17 февралдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвогар Гулмурат Матчановнинг даъвоси рад қилинган, Гулмира Оразбаеванинг қарши даъво талаби қаноатлантирилиб, унинг Тошкент шаҳар, Яшнабод тумани, А.Темур кўчаси 34-уй, 17-хонадондан фойдаланиш тартиби белгиланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 12 сентябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра кассация инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 2006 йил 23 июндаги мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерига асосан Тошкент шаҳар, Яшнабод тумани, А.Темур кўчаси, 34-уй, 17-хонадон Г.Матчановга тегишли бўлган ва мазкур хонадонда фақат у доимий рўйхатда турган.

Г.Оразбаева ва унинг қизи О.Бобоевалар мулкдорнинг розилиги асосида бир неча маротаба уй-жойга вақтинча рўйхатга қўйилган. Охириги вақтинчалик рўйхат 2016 йилнинг январь ойига қадар бўлган. Жавобгарлар аслида Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, Охунбобоев кўчаси, 10-уйда доимий рўйхатда туришган.



Биринчи инстанция суди жавобгарлар Г.Матчановнинг оила аъзоси эмаслиги, уларни вақтинча уй-жойга яшаш учун киритганлиги, уларга уй-жойдан доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилмаганлиги, жавобгарларнинг бошқа яшаш жойлари мавжудлигини эътиборга олиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш, қарши даъвони рад қилиш ҳақида қонуний ва асосли хулосага келган.

Кассация инстанция суди суд қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ва қарши даъвони қаноатлантириш ҳақидаги хулосага келишда тарафлар 2009 йилда шаърий никоҳдан ўтган ҳолда умумий рўзғор юритиб, яшаб келганлигига ҳамда жавобгар мулкдорнинг оила аъзоси эканлигига асосланган.

Бироқ кассация инстанцияси суди амалдаги Оила кодексининг 13-моддасига кўра диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмаслигини, шунингдек Г.Матчанов фуқаро Т.Батирова билан 1976 йил 10 августда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришганлигини, биргаликдаги турмушларидан 4 нафар фарзандлари борлигини, Г.Оразбаева уй-жой рўйхатига доимий эмас, вақтинча қўйилганлигини эътиборга олмаган.

Бундан ташқари, даъвогар Г.Матчанов билан Г.Оразбаеванинг умумий рўзғор юритганлиги бирон-бир далил билан исботланмаган.

### **12.3. Мулкдор томонидан ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.**

Эшмурод Рахимов жавобгар Озода Мадрахимовага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб 1993 йил 8 ноябрда берилган ордерга асосан Зарбдор тумани, Ҳ.Олимжон кўчасида жойлашган 18-уйнинг 13-хонадони ўзига тегишли эканлигини, ушбу уйда у 1997 йилгача яшаб, бошқа ишга ўтганлиги сабабли уйдан кўчиб кетганлигини, 2015 йилда уйга келса, жавобгар ноқонуний яшаб келаётганлигини билдириб, уни оила аъзолари билан низоли хонадондан кўчиришни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2016 йил 27 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2016 йил 13 сентябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 7 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Зарбдор тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 18-уй, 13-хонадон Эшмурод Рахимовга тегишли бўлган.

Бошқа фуқаролик иши бўйича бўлиб ўтган 2015 йил 12 октябрдаги суд мажлиси баённомасида Бувишхол Конгирова низоли хонадонни Эрсин исмли шахсдан тилхат асосида сотиб олганлиги, 2005 йилда мазкур хонадонни Озода Мадрахимовага нотариал шартномасиз сотиб, уйнинг ҳужжатларини унга берганлиги, Эрсин эса Қозоғистонга кўчиб кетганлиги ёзилган. Шу сабабли Озода Мадрахимова низоли хонадонда 2005 йилдан бошлаб яшаб келган ва мазкур хонадонга 2006 йил 17 августда рўйхатга қўйилган.

2015 йилгача бирон-бир шахс уни низоли хонадонда яшашига тўсқинлик қилмаган.

“Зарбдортумангаз” филиалининг 2015 йил 21 июлдаги маълумотномасида низоли хонадон бўйича истеъмол қилинган газ тўловларини 2006 йилдан буён Озода Мадрахимова тўлаб келаётганлиги кўрсатилган.

Зарбдор туман ИИБ ХЧК ва ФРБнинг 2016 йил 27 июлдаги 36-сонли маълумотномасида Озода Мадрахимованинг рўйхатга қўйиш бўйича ёзган аризасининг сақланиш муддати ички норматив ҳужжатларда 3 йил этиб белгиланганлиги сабабли у йўқ қилинганлиги кўрсатилган.

ФПКнинг 57-моддасига кўра ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Даъвогар Эшмурод Рахимов низоли хонадонга жавобгар ноқонуний рўйхатга қўйилганлигини билдирсада, у мазкур ҳолатларни тасдиқлайдиган тегишли далилларни судга тақдим қилмаган,



шунингдек даъвогар уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топилмаган.

Биринчи инстанция суди низоли хонадонни Озода Мадрахимова қонуний тартибда сотиб олганлиги билан боғлиқ ҳужжатлар йўқлигини, уй-жой даъвогарга тегишли эканлигини, мулкдор ўз мулкидан ўз хоҳиши ва манфаатларига асосан эгалик қилиш ҳуқуқига эга эканлигини инобатга олиб, даъвони қаноатлантирган.

Бироқ амалдаги ФК 172-моддасининг 1 ва 3-қисмларига кўра мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт ҳамда устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас.

#### **12.4. Бир фуқаролик иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган фактлар ўша шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик ишларини кўраётганда янгидан исбот қилинмайди.**

Жомбой туман прокурори “Зарафшон” давлат қўриқхонаси манфаатида 2015 йил 10 февралда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб Жамшид Дўлонов ва турмуш ўртоғи Матлуба Темироваларни оила аъзолари билан биргаликда қўриқхона балансида бўлган 10-уйдан мажбурий кўчиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 13 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2015 йил 2 июндаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 23 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.





Аниқланишича, “Зарафшон” давлат қўриқхонаси балансида 11 та уй (кордон)лар мавжуд бўлган.

Қўриқхона Низомининг 34-бандига асосан қўриқхона ҳудудида уй-жой қурилмалари, йўллар ва иншоотларни қуриш, қўриқхона балансидаги уйларда қўриқхона ходими бўлмаган шахсларнинг яшаши тақиқланади.

Жомбой туман прокурорининг даъво талабида Д.Дўланов турмуш ўртоғи М.Темирова ва фарзандлари билан узоқ йиллардан бери қўриқхона ҳудудида жойлашган унинг балансида бўлган 10-уйда ноқонуний равишда яшаб келаётганлиги ваз қилиб келтирилган.

Гарчи суд мазкур ҳолатни инobatга олиб, Д.Дўлоновни турмуш ўртоғи М.Темирова ва оила аъзолари билан биргаликда Уй-жой кодекси 70-моддасининг 2-қисми талаблари асосида бошқа турар жой бермасдан мажбурий тартибда кўчирган бўлсада, унинг хулосаси ишдаги ҳақиқий ҳолатларга тўғри келмайди.

ФПК 60-моддасининг 2-қисмига асосан бир фуқаролик иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган фактлар ўша шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик ишларини кўраётганда янгидан исбот қилинмайди.

Бошқа фуқаролик иши бўйича кассация инстанцияси судининг 1996 йил 26 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 1995 йил 31 майдаги ҳал қилув қарорига кўра “Зарафшон” давлат қўриқхонасининг жавобгар Д.Дўлоновнинг отаси М.Дўлоновга нисбатан 10-уйдан кўчириш ҳақидаги даъво талаби рад қилинган. Мазкур суд қарори билан аниқланишича, М.Дўлонов қўриқхона ҳудудидаги 10-уйда 1984 йилдан бери оиласи билан узлуксиз яшаб келган.

Шу ўринда Д.Дўлонов ҳам низоли турар жойда М.Дўлоновнинг оила аъзоси сифатида 1984 йилдан бери яшаб келаётганлиги апелляция инстанциясининг эътиборидан ҳам четда қолиб, суд қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келинган.



## **12.5. Олди-сотди шартномасида фуқароларнинг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолишининг кўрсатилиши уларни ушбу уй-жойдан мажбурий тартибда кўчириш ҳақидаги даъвои рад қилишга асос бўлади.**

Айбек Султонов жавобгарлар Ф.Шерқулова, М.Эркаева, Жўра, Жаҳонгир, Жобир Бозоровлар ва Нозима Нурхоноваларга нисбатан судга даъво аризаси ва қўшимча даъво аризаси билан мурожаат қилиб, уларни Когон тумани, “Б.Нақшбанд” ҚФЙ, Работипаён қишлоғида жойлашган уй-жойдан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 9 августдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган ва жавобгарлар даъвогар А.Султоновга тегишли уй-жойдан мажбурий тартибда кўчирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 1 майдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвои рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, 2017 йил 27 июнда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига кўра жавобгар Ж.Бозоров мазкур уй-жойни А.Султоновга сотган, кейинчалик уй-жой унинг номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур олди-сотди шартномасининг 7-бандида Ф.Шарипова, Мохсод Эркаева, Жаҳонгир, Жобир Бозоров ва Нозима Нурхоновалар низоли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолиши кўрсатилган.

ФК 172-моддасининг 1 ва 2-қисмларига кўра мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур. Бироқ судлар олди-сотди шартномасида жавобгарларнинг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи



сақлаб қолиниши мавжудлигини, даъвогар эса уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмасликка мажбурлигини эътиборга олмасдан, даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

## **12.6. Фуқаронинг низоли уй-жойда олти ой мобайнида яшамаётганлиги исботланмаса, уни уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишга йўл қўйилмайди.**

С.Ғафуров жавобгар А.Умаровга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда жавобгарни Урганч шаҳар, Буюк ипак йўли кўчаси, 9-уй, 1-хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 27 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 14 декабрдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 5 июндаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра кассация инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Урганч шаҳар, Буюк ипак йўли кўчаси, 9-уй, 1-хонадон Гулнора Бабажановага тегишли бўлган, у 2016 йил 3 августда вафот этган.

2017 йил 28 апрелда нотариал тасдиқланган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан Г.Бабажановага тегишли уй-жойга унинг ўғли С.Ғафуров меросхўр деб топилган.

Жавобгар А.Умаров мазкур уй-жой рўйхатига 2005 йил 24 мартда киритилган.

ФКнинг 172-моддасига кўра мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.



Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур.

Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас.

Биринчи инстанция суди даъвони рад қилишда мазкур қонун талабидан келиб чиққан, яъни жавобгар низоли уй-жойда 1991 йилдан буён яшаб келаётганлигига, уй-жой рўйхатига олдинги мулкдорнинг розилиги асосида 2005 йилда киритилганлигига ҳамда уни уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишга асослар мавжуд эмаслигига асосланган.

Фуқаролик иши кассация инстанцияси судида кўрилишида “Илғор” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2017 йил 7 декабрдаги 1162-сонли маълумотномаси тақдим қилинган, мазкур маълумотномада А.Умаров низоли хонадонда доимий яшашлиги маълум қилинган, шунингдек 2017 йил 14 декабрдаги суд мажлиси баённомасида гувоҳ сифатида сўралган З.Умирзоқова низоли уй-жойда август ойидан буён яшаб келаётганлигини, жавобгар мазкур уй-жойга ҳафтада бир ёки икки маротаба келиб, эшик деразаларини очиб, ўзининг хонасини тозалаб қайтиб кетишини билдирган.

Уй-жой кодексининг 52-моддасига кўра муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради.

Мазкур кодекснинг 54-моддасига кўра фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ижарага берувчининг ёки ушбу турар жойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибида амалга оширилади.

Кассация инстанцияси суди суд қарорини бекор қилиб, даъвони рад қилишда мазкур қонун талабига, Урганч шаҳар, “Илғор”



МФЙнинг 2017 йил 14 декабрдаги 1186-сонли маълумотномасига ҳамда жавобгар низоли уй-жойда Г.Бабажанова вафот этганидан кейин яшамаганлигига, шунингдек гувоҳ З.Умирзақованинг жавобгар низоли уй-жойга бир йил мобайнида келмаганлиги ҳақидаги тушунтиришларига асосланган.

Ваҳоланки, 2017 йил 14 декабрдаги суд мажлиси баённомасида гувоҳ сифатида сўралган З.Умирзоқова бундай тушунтириш бермаган, аксинча жавобгар низоли уй-жойга ҳафтада келиб, уй-жойда яшаб кетишини билдирган.

Шунингдек, “Илғор” МФЙнинг 2017 йил 14 декабрдаги 1186-сонли маълумотномасида низоли уй-жойда Зебунисо Умирзақова, Муслимбек Аҳмедов ва Марҳабо Ҳасановалар 2017 йил август ойидан буён яшаб келаётганлиги кўрсатилган бўлиб, унда А.Умарованинг ҳам ушбу хонадонда яшаш ёки яшамаслиги бўйича бирон-бир ҳолат кўрсатилмаган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 26 октябрдаги ҳал қилув қарори билан аризачи А.Умаровнинг юридик фактни белгилаш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилиб, у 2016 йил 3 августда вафот этган Г.Бабаджанованинг қорамоғида бўлганлик факти белгиланган.

Мазкур қарор юқори суд томонидан бекор қилиниб, суднинг 2017 йил 7 апрелдаги ажрими билан А.Умаровнинг юридик фактни белгилаш ҳақидаги даъвоси кўрмасдан қолдирилган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 5 майдаги ҳал қилув қарори билан А.Умаровнинг С.Фафуров ва Б.Осмонўғлига нисбатан низоли уй-жойни умумий мулк деб топиш ҳақидаги даъво талаби рад қилинган.

Кассация инстанция суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва иш юзасидан даъвони қаноатлантиришда жавобгар мулкдорнинг мулкани эгаллашга ҳаракат қилганлигини кўрсатган, бироқ мазкур ҳал қилув қарори жавобгарнинг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишга асос бўлмаслигига эътибор қаратмаган.

Чунки даъвогарнинг даъво талаби уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш бўлиб, юқоридаги қарорлар низоли уй-жойни умумий деб топишга қаратилган.



## **12.7. Турар жой мулкдорининг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради.**

Севара Туробова 2017 йил 10 мартда жавобгар Фарход Туробовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар билан 2003 йилдан бирга яшаб, 2006 йил 22 июлда қонуний никоҳдан ўтганлигини, биринчи турмушидан бир нафар 1999 йил 28 ноябрда туғилган Руслан исми фарзанди борлигини, 2003 йилдан 2016 йил 11 декабрга қадар низоли Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 219/3-хонадонда яшаб келишганлигини, мазкур уй-жойда 2005 йил 4 январдан бошлаб рўйхатга қўйилганликларини, ўзаро келишмовчиликлар туфайли 2016 йил 12 декабрда жавобгар уни ўғли билан уйдан ҳайдаб юборганлигини, уйга бир неча бор киришга ҳаракат қилганлигини, бироқ жавобгар томонидан қаршилик кўрсатилганлигини, бу ҳолат “Ўрмончилар” МФЙ томонидан 2017 йил 20 февралда тузилган 3-сонли далолатнома билан тасдиқланишини билдириб, низоли уйга ўғли билан бирга киритиб, Фарход Туробовга уй-жойдан фойдаланишга тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 19 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 20 июндаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 26 сентябрдаги ажрими билан қўйдаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, 2003 йил 23 майда нотариал тасдиқланган олдисотди шартномасига асосан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 219/3-хонадон жавобгар Фарход Туробовга тегишли.



Даъвогар Севара Туробова жавобгар Фарход Туробов билан 2006 йил 22 июлда қонуний никоҳдан ўтган, биргаликдаги турмушларидан фарзандлари бўлмаган. Аммо даъвогар 1999 йил 28 ноябрда туғилган Руслан Амиров исмли фарзанди билан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 219/3-уйда 2005 йилда доимий рўйхатдан ўтиб, жавобгар билан бир оила бўлиб 2016 йил 12 декабрга қадар яшаган.

Даъвогар ва унинг ўғли Руслан Амиров 2016 йил 12 декабрда жавобгар томонидан ҳайдаб чиқарилганлиги ҳамда даъвогарнинг бир неча бор жавобгарнинг уйига киришга ҳаракат қилганлиги “Ўрмончилар” МФЙ томонидан 2017 йил 10 февралда тузилган далолатномасида кўрсатиб ўтилган.

Суд даъвогарнинг низоли уйдан ўз хоҳишига кўра чиқиб кетганлигини, низоли хонадон жавобгарга мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлигини, жавобгарнинг мулк ҳуқуқи бузилишига даъвогар ва унинг ўғли сабабчи бўлаётганлигини важ қилиб, даъвогарнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Чунки Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, оиланинг бошқа аъзоларини эса, уй, квартира мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг, мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Уй, квартиранинг мулкдори билан унинг собиқ оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тарафлар келишуви билан белгиланади.

Турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек мулкдор билан доимий яшаётган оилали фарзандлари, агар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган бўлсалар, фақат ўзаро келишувга биноан мулкдорнинг оила аъзоси деб тан олинишлари мумкин.



Меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар, шунингдек мулкдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий хўжалик юритаётган ва унинг турар жойида рўйхатдан ўтган бўлсалар, унинг оила аъзоси деб топилишлари мумкин.

Мазкур Кодекснинг 52-моддасига кўра муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради.

Судлар даъвогар томонидан иш ҳужжатларига низоли хонадонга киришга ҳаракат қилинганлигини исботловчи ҳужжатлар тақдим этилганлигини, даъвогар жавобгарнинг қаршилиги сабабли низоли уйда яшамасдан келаётганлигини, даъвогарни уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш учун асос бўладиган қонунда белгиланган олти ойлик муддат ўтиб кетмаганлигини эътибордан четда қолдирган.

**12.8. Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтожлик тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этилганда бошқа фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳужжатда (ордерда) кўрсатилган турар жойга бўлган ҳуқуқлари бузилганда, турар жой бериш тўғрисидаги масалани ҳал этишда мансабдор шахслар томонидан ғайриқонуний ҳаракатлар қилинганда, шунингдек турар жой бериш тартиби ва шартларининг бошқача бузилишлари содир этилганлиги исботланган тақдирдагина, турар жойга берилган ҳужжат (ордер) суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қарши ҳудудий уй-жойдан фойдаланиш қисми судга жавобгарлар Достон Нуров ва Азиза Салиховаларга нисбатан даъво аризаси билан муурожаат





қилиб, унда жавобгарларни ҳамда уларнинг Умида, Хуршида, Назира ва Иброхимжон исмли фарзандлари билан бирга низоли Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиб, Қарши шаҳар ҳокимининг 2014 йил 25 сентябрдаги 1056-сонли қарори ҳамда 2014 йил 2 октябрь куни Достон Нуровга берилган 01-14/31-сонли хизмат ордерини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 12 январдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 28 февралдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 18 декабрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, жавобгар Достон Нуров 1996 йил 1 августдан 2015 йил 30 июнга қадар Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий хизматни ўтаган бўлиб, унинг умумий хизмат йили календарь ҳисобида 18 йилу 9 ой, имтиёзли қисми эса 1 йилу 7 ой, жами 20 йилни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2015 йил 30 июндаги 358-сонли буйруғига асосан майор Достон Нуров ҳарбий резервга бўшатишган.

Низоли Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадон 2013 йил 26 сентябрдаги олди-сотди шартномасига асосан Қарши шаҳар уй-жойдан фойдаланиш қисми номига сотиб олинган ва 2013 йил 14 октябрда Қарши шаҳар “Ермулккадастр” хизмати ДУК томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Қарши шаҳар ҳокимининг 2014 йил 25 сентябрдаги 1056-сонли қарори билан Достон Нуровга Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадонига оила аъзолари билан кириб яшашига рухсат берилган ҳамда ушбу қарор асосида 2014 йил 2 октябрда 01-14/31-сонли ордер берилган.

Даъвогар ўзининг даъво аризасида жавобгар Достон Нуров Мудофаа вазирлиги билан меҳнат муносабатларини узганлиги, унга



низолни хонадонга кириб яшашни учун ордер ноқонуний равишда берилганлиги, жавобгарни низолни уйда яшамаслиги аниқланганлиги, жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг ҳукмига асосан Достон Нуровнинг фуқаролиги бекор қилинганлигини асослаб, юқорида қайд қилинган ҳоким қарори ва ордерни ҳақиқий эмас деб топиб, жавобгарни оила аъзолари билан бирга низолни уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди Қарши гарнизони уй-жой комиссиясининг 2014 йил 6 сентябрдаги 8-сонли баённомасининг 2-банди 4-қисмида ҳамда ушбу йиғилиш қарори билан Қарши шаҳар ҳокимлигига чиқарилган 2251-сонли мурожаат хатининг 5-қисмида 11506-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси майор Достон Нуровга Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 12-уй, 8-хонадон ажратилиши кўрсатилган бўлсада, Қарши шаҳар ҳокимининг 2014 йил 25 сентябрдаги 1056-сонли қароридан асоссиз равишда Достон Нуровга Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадон берилиши кўрсатилганлигини вақт қилиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган. Чунки суд томонидан ушбу хатоликлар айнан қайси орган томонидан йўл қўйилганлигига аниқлик киритилмаган.

Ваҳоланки, юқорида қайд қилинган баённома ва мурожаат хатидан олдин қабул қилинган 11506-сонли ҳарбий қисм командири томонидан тасдиқланган 2013 йил 21 августдаги 11506-сонли ҳарбий қисм уй-жой комиссиясининг йиғилиш баёнида Достон Нуровга иккиламчи бозордан Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадонни 69280000 сўмга сотиб олишга рухсат берилган.

Мазкур буйруққа асосан Қарши гарнизони уй-жой комиссияси томонидан 2013 йил 26 август куни Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадонни кўздан кечириш ва баҳолаш далолатномаси тузилган бўлиб, ушбу далолатномани тузишда Достон Нуров ҳам иштирок этган ва уй-жой 69280000 сўмга баҳоланган.

Қарши гарнизони уй-жой комиссияси томонидан тузилган 2013 йил 26 августдаги далолатномага асосан Жанубий-ғарбий махсус округ қўшинлари қўмондонининг Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадонни 69280000 сўмга сотиб олиш ҳақидаги 531-сонли буйруғи чиқарилган.



Бундан кўринадики, Қарши гарнизони уй-жой комиссиясининг 2014 йил 6 сентябрдаги 8-сонли баённомасининг 2-банди 4-қисми ҳамда ушбу йиғилиш қарори билан Қарши шаҳар ҳокимлигига берилган 2251-сонли мурожаат хатидаги “Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадон” деб ёзилиши лозим бўлган ёзувларни ўрнига “Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 12-уй, 8-хонадон” деб ёзилган техник хатоларга ушбу баённома ва мурожаат хатини тайёрлаган ходимлар томонидан йўл қўйилган бўлиб, бунда жавобгар Достон Нуровнинг ҳеч қандай айби бўлмади.

Бундан ташқари, фуқаролик ишига илова қилинган Мудофаа вазирлиги Қарши уй-жойдан фойдаланиш қисми бошлиғининг 2002 йил 2 февралдаги 380-рақамли аризасида Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 12-уй, 8-хонадонни резервдаги кичик сержант Саттор Чориевга бепул хусусийлаштириб бериш сўралган бўлиб, ушбу ҳолат даъвогарнинг даъвосида кўрсатиб ўтилган Қарши гарнизони уй-жой комиссиясининг 2014 йил 6 сентябрдаги 8-сонли баённомасининг 2-банди 4-қисмига асосан Достон Нуровга Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 12-уй, 8-хонадон ажратилганлиги ҳақидаги важларни инкор қилади.

Уй-жой кодекси 46-моддасининг 1-қисмига кўра фуқаролар томонидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтожлик тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этилганда, бошқа фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳужжатда (ордерда) кўрсатилган турар жойга бўлган ҳуқуқлари бузилганда, турар жой бериш тўғрисидаги масалани ҳал этишда мансабдор шахслар томонидан ғайриқонуний ҳаракатлар қилинганда, шунингдек турар жой бериш тартиби ва шартларининг бошқача бузилишлари содир этилган ҳолларда муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойга берилган ҳужжат (ордер) суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Низоли Қарши шаҳар ҳокимининг 2014 йил 25 сентябрдаги 1056-сонли қарори ҳамда ушбу қарорга асосан берилган 2014 йил 2 октябрдаги 01-14/31-сонли хизмат ордерини ҳақиқий эмас деб топишга асос бўладиган мазкур қонун талабида кўрсатилган ҳолатлар мавжудлигини исботловчи далиллар даъвогар томонидан судга тақдим қилинмаган.



ФПК 57-моддасининг 1-қисмига кўра ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Мазкур Кодекснинг 59-моддасига кўра қонун бўйича ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларини бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмас.

Гарчанд даъво аризасида Достон Нуровга берилган 2014 йил 2 октябрдаги 01-14/31-сонли хизмат ордерида хонадон манзили қастдан ўзгартирилганлиги кўрсатилган бўлсада, бундай қастдан ҳаракат Достон Нуров томонидан амалга оширилганлигини исботловчи далиллар мавжуд эмас.

Қолаверса, ордер Қарши шаҳар ҳокимининг 2014 йил 25 сентябрдаги 1056-сонли қарори асосида ёзилган бўлиб, ҳоким қарорида Достон Нуровга Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадон ажратилганлиги кўрсатилганлиги сабабли ордер ҳам шу қарорга мослаб тўлдирилган. Ордер ҳокимият вакили томонидан тўлдирилган бўлиб, бу жараёнда Достон Нуров иштирок этмаган ва ордердаги ёзувнинг бўялганига Достон Нуров айбдор ҳисобланмайди.

Даъвогар ўзининг даъво аризасида ўтказилган бир қатор текширувлар давомида жавобгар Достон Нуров ва унинг оила аъзолари низоли Достон Нуровга Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадонда истиқомат қилмаслиги аниқланганлигини маълум қилган бўлсада, ушбу ҳолат қайси далил билан исботланишини асосламаган.

Ваҳоланки, фуқаролик ишига айнан даъвогар томонидан илова қилинган Қарши шаҳар “Дўстлик” МФЙнинг 2016 йил 15 августдаги 15-сонли маълумотномасида жавобгар Достон Нуровни турмуш ўртоғи А.Салихова ва тўрт нафар фарзандлари билан бирга Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадонда истиқомат қилишлиги кўрсатилган.

Худди шундай, Қарши шаҳар “Умид-Суғдиёна” хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатининг 2016 йил 27 августдаги 56-сонли маълумотномасида Достон Нуровни Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадонда яшаб келиб, уй тўловидан 2016 йил декабрь ҳолатида қарздорлиги йўқлиги кўрсатилган.



Уй-жой кодексининг 52-моддасига кўра муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради.

Мазкур Кодекснинг 54-моддасига кўра фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ижарага берувчининг ёки ушбу турар жойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибида амалга оширилади.

Жавобгар Достон Нуров доимий ҳамда узлуксиз равишда оила аъзолари билан бирга низоли хонадонда яшаб келаётган бўлиб, уларни юқорида қайд қилинган қонун талабига асосан турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишга асослар мавжуд бўлмасда, судлар асоссиз равишда жавобгарларни низоли Қарши шаҳар, А.Навоий кўчаси, 22-уй, 8-хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақида хулосага келган.

## **12.9. Шахснинг қонунда белгиланган 6 ойлик муддатдан ортиқ давр мобайнида уйда бўлмаслиги оқибатида турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи турар жойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг ёки манфаатдор шахсларнинг даъвоси бўйича суд йўли билан йўқотган деб топилиши мумкин.**

Гулмира Салимова судга жавобгар Рустам Султоновга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда ўзини икки нафар вояга етмаган фарзанди билан бирга Олим Султоновнинг номида бўлган Вобкент туман, "Сармижон" МФЙ, "Сармижон" қишлоғидаги уй-жойга киритишни сўраган.



Ўз навбатида, Олим Султонов судга қарши даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда Г.Салимовани унга тегишли бўлган уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 19 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби рад қилиниб, жавобгарнинг қарши даъво талаби қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 22 августдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган ва жавобгарнинг қарши даъво талаби бўйича иш юритиш тугатилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 7 ноябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар Гулмира Салимова жавобгар Рустам Султонов билан 2013 йил 16 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуриб, турмушлари давомида икки нафар 2014 йил 28 майда Асила Султонова ва 2016 йил 24 апрелда Арслонбек Султонов исмли фарзандлари туғилган. Ўрталаридаги келишмовчиликлари сабабли улар 2015 йил июль ойидан бошлаб бирга яшамасдан келганлар.

Низоли Вобкент туман, "Сармижон" МФЙ, "Сармижон" қишлоғидаги уй-жой маҳалла фуқаролар йиғинида жавобгар Олим Султоновни номига қайд қилинган бўлсада, аммо мазкур уй-жойга эгалик ҳуқуқи қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинмаган.

Уй-жой кодексининг 52-моддасига кўра муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради.

Мазкур Кодекснинг 54-моддасига кўра фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ижарага берувчининг ёки ушбу турар жойда яшаб қолган



бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибида амалга оширилади.

Апелляция инстанцияси суди даъвогарни низоли уйга 2013 йилда келин бўлиб тушиб, 2015 йил июль ойига қадар яшаганлигини, Рустам Султонов билан никоҳдан ажратилмаганлигини, уларни ўртасида вояга етмаган фарзандлари борлигини асослаб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида хулосага келган бўлсада, юқорида қайд қилинган қонун талабига асосан даъвогарнинг низоли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи у уйдан чиқиб кетганидан сўнг олти ой давомида сақланиб қолинишига, даъвогар уйдан чиқиб кетганидан сўнг уйга киришга ҳаракат қилмаганлигига ва фақатгина 2017 йил 8 июнь куни судга даъво аризаси билан мурожаат қилганлигига эътибор қаратмаган.

Ваҳоланки, ишга тақдим қилинган “Сармижон” МФЙ томонидан тузилган 2015 йил 17 июндаги далолатномада ёш оилани бузилиб кетмаслиги учун яраштириш комиссияси томонидан тарғибот ишлари олиб борилганлиги, Рустам Султонов ҳеч қачон ажраладиган хотини йўқлигини айтишига қарамасдан, Гулмира Салимова турмуш ўртоғи билан бирга яшамаслигини ва ажрашиши ҳақидаги фикрни билдирганлиги, шу сабабли яраштириш комиссияси тарафлар ўртасидаги низони ҳал қилолмаганлиги кўрсатилган.

“Сармижон” МФЙ томонидан тузилган 2017 йил 1 июндаги далолатномада 2015 йилдан буён Гулмира Салимова ва унинг қайнонаси Дилбар Султонова ўртасида жанжаллар бўлиб турганлиги, шу сабабли Гулмира Салимова отасиникига қайтиб келганлиги, шунда кичик боласига ҳомиладор бўлганлиги, боласи онасиникида туғилганлиги, шундан буён Гулмира Салимова онасини уйда яшаб турганлиги, Рустам Султонов 2016 йилда қонуний никоҳдан ўтмаган ҳолда бошқа аёлга уйланганлиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 22-сонли қарорининг 18-бандига кўра Уй-жой кодексининг 52-моддасига мувофиқ муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар-жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганларида



(агар турар-жой бўйича узоқ муддат сақланиши кўрсатилмаган бўлса) турар-жой олти ой муддат давомида унинг ҳисобида сақланади.

Шахснинг белгиланган муддатдан ортиқ давр мобайнида уйда бўлмаслиги оқибатида турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи манфаатдор шахсларнинг даъвоси бўйича суд йўли билан йўқотган деб топилиши мумкин.

Судда даъвогар Гулмира Салимовани олти ойдан ортиқ вақт давомида низоли уй-жойда узрсиз сабабларга кўра яшамасдан, уйдан чиқиб кетганидан сўнг олти ой давомида уйга киришга ҳаракат қилмасдан юрганлиги исботланган бўлсада, апелляция инстанцияси суди асоссиз равишда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 14-сонли қарорининг 3-бандига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги, шу жумладан, ана шундай уйга нисбатан олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, мерос олиш билан, шунингдек уйни бўлиш билан боғлиқ даъволар, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс ёки бошқа манфаатдор шахс томонидан тақдим қилинганидан қатъи назар, судларга тааллуқли эмас.

Бундай даъволар билан арз қилинганда, суд ФПК 152-моддасининг 1-бандига асосан аризани қабул қилишни рад этади, агар иш қўзғатилган бўлса, ФПК 100-моддасининг 1-бандига кўра иш юриштишни тугатади ва аризачига ушбу талаб билан тегишли ҳокимиятга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиради.

Айни вақтда шуни ҳам назарда тутиш зарурки, қонун ўзбошимчалик билан уй қурган шахснинг ва бошқа манфаатдор шахснинг даъволари, агар талаб мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган, хусусан қурилиш материалларига бўлган ҳуқуқни эътироф этиш, уйга кўчириб киритиш, уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисида берилган бўлса, судлар томонидан кўриб чиқилишини истисно этмайди.





Апелляция инстанцияси суди мазкур Пленум қарори талабларини нотўғри талқин қилган ҳолда жавобгар Олим Султоновга нисбатан низоли уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи мавжуд эмаслигини, Олим Султонов уй-жойдан фойдаланувчи сифатида қайд этилганлигини, бундай ҳолда у низоли уй-жой бўйича даъво талабини илгари суриш ҳуқуқига эга эмаслигини асослаб, Олим Султоновнинг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги қарши даъво талабини иш юритишдан тугатиш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Уй-жой кодексининг 54-моддаси ҳамда Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 22-сонли қарорининг 18-банди талабларига асосан шахснинг белгиланган муддатдан ортиқ давр мобайнида уйда бўлмаслиги оқибатида турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи, турар жойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг ёки манфаатдор шахсларнинг даъвоси бўйича суд йўли билан йўқотган деб топилиши мумкинлиги назарда тутилганлиги апелляция инстанцияси судининг эътиборидан четда қолган.

## **12.10. Уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар.**

Севара Рахмонова, Мадина Рахмонова ва Равшанжон Рахмонов судга жавобгарлар Шухрат Султонов, Элмира Султонова, Жамшид Султонов ва Шахноза Султоновага нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарларни Оқтош шаҳар, Бешёғоч” маҳалласи, Бодомзор кўчасидаги 21-уйдан чиқаришни ва ўзларини шу уйга киритишни сўрашган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 21 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарларнинг даъво талаблари қаноатлантирилган.



Апелляция инстанциясининг 2017 йил 5 сентябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгарисиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 6 ноябридаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг ажрими қисман бекор қилиниб, даъвогарларнинг уйдан чиқариш ҳақидаги даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, фуқаролар Абдулло Махмудов ва Садаф Эрназарова 1947 йилдан бошлаб қонуний никоҳдан ўтмаган ҳолда турмуш қуришиб, бирга яшаб келишган ва уларнинг биргаликдаги турмушлари давомида фарзандлари бўлмаган.

Оқтош шаҳар ҳокимининг 1992 йил 4 сентябрдаги 82-Қ сонли қарори билан Оқтош шаҳар, Бешёғоч" маҳалласи, Бодомзор кўчасидаги 21-уйга нисбатан марҳум Абдулло Махмудовнинг номига эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Жавобгар Шуҳрат Султонов марҳум Абдулло Махмудовнинг жияни бўлиб, 1976 йилдан бошлаб оиласи билан бирга низоли уй-жойда яшаб келган. Шунингдек, жавобгарлар Шуҳрат Султонов 1995 йилда, Элмира Султонова 1985 йилда, Жамшид Султонов 1992 йилда, Шахноза Султонова 2010 йилда уй-жойнинг доимий рўйхатига киритилган.

Оқтош шаҳар давлат нортариал идораси томонидан 1992 йил 26 ноябрда Садаф Эрназаровани номига низоли уйга нисбатан қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилган.

Оқтош шаҳар давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган 1992 йил 26 ноябрдаги олди-сотди шартномасига асосан Садаф Эрназарова уй-жойни жияни Жамила Расуловага сотган.

Оқтош шаҳар ҳокимининг 2016 йил 27 февралдаги 116-Қ сонли қарорига асосан Оқтош шаҳар, Бешёғоч" маҳалласи, Бодомзор кўчасидаги 21-уйга нисбатан Жамила Расуловани номига эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Оқтош шаҳар давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган 2017 йил 6 февралдаги ҳадя шартномаларига асосан Жамила Расулова низоли уй-жойнинг қурилиш ости майдони 235,34 кв.метр-



дан иборат 3 та яшаш хонасини ўғли Равшан Рахмоновга, қурилиш ости майдони 79,30 кв.метрдан иборат 2 та яшаш хонасини қизи Севар Рахмоновага ва қурилиш ости майдони 90,83 кв.метрдан иборат 2 та яшаш хонасини қизи Мадина Рахмоновага ҳадя қилган. Мазкур ҳадя шартномаларига асосан низоли уй-жой ўзларига тегишли эканлигини билдириб, даъвогарлар жавобгарларни уй-жойдан чиқаришни сўраганлар.

Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар, бу шахслар турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, улар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Тарафлар ўртасида низоли уй-жойдан фойдаланиш ва эгалик қилиш борасида келиб чиққан низо юзасидан бошқа фуқаролик иши бўйича биринчи инстанция судининг 2004 йил 28 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Жамила Расулованинг жавобгарлар Шуҳрат Султонов ва бошқаларга нисбатан уйдан чиқариш ҳақидаги даъво талаби рад қилинган.

Суднинг ушбу ҳал қилув қарори ҳозирги кунда қонуний кучда бўлиб, суд жавобгар Шуҳрат Султоновни 1976 йилдан бошлаб оила аъзолари билан бирга низоли уйда яшаётганлигини ва уйнинг доимий рўйхатига киритилганлигини асослаб даъвогарнинг жавобгарларни уйдан чиқариш ва фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъво талабларини рад қилган.

ФК 165-моддасининг 2-қисмига кўра мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши, агар қонун ҳужжатларида ўзга тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу мол-мулкка нисбатан ўзга ашёвий ҳуқуқларнинг бекор бўлиши учун асос бўлмайди.

Юқорида қайд қилинганидек, жавобгар Шуҳрат Султонов барча оила аъзолари билан бирга низоли уй-жойда доимий рўйхатдан ўтган ҳолда доимий равишда яшаб келаётганлиги сабабли Уй-жой



кодексининг 32-моддаси талабларига асосан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

ФК 172-моддасининг 1-қисмига кўра мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур.

Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суистъемол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас.

Ваҳоланки, юқорида қайд қилинган қонун талабларига асосан жавобгарлар низоли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга ҳисобланар экан, даъвогарларнинг ўзларининг мулкдорлик мавқеини устун қўйган ҳолда жавобгарларни низоли уйдан чиқаришни талаб қилиши жавобгарнинг юқоридаги қонун талабларида қайд қилинган ҳуқуқларига зид ҳисобланади.

Судлар юқорида қайд қилинган ҳолатлар ва қонун талабларини эътиборидан четда қолдириб, даъвогарларнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

### **12.11. Даъво муддатининг узрли сабабсиз ўтиб кетганлиги уй-жой бўйича берилган ҳужжатни (ордерни) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳамда уй-жойдан кўчириш ҳақидаги даъво талабларини рад қилишга асос бўлади.**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Термиз ҳудудий уй-жойдан фойдаланиш қисми жавобгар Термиз шаҳар ҳоқимияти, Термиз шаҳар давлат нотариал идораси, Хонзода Расулова ва Нажмиддин Зариповларга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, Термиз шаҳар ҳоқимининг “Қоравулбозор” шоҳ кўчаси, 13-ж уй, 30-хонадонни жавобгар Х.Расулованинг номига хусусийлаштириш тўғрисида 2006 йил 30 июндаги 218-сонли қарорини, 2006 йил 3 июлдаги жавобгар Х.Расулова номига берилган



4531-сонли турар жойга хусусий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномасини ва мазкур турар жой юзасидан жавобгар Х.Расулова билан Н.Зариповлар ўртасида 2006 йил 14 сентябрда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни, жавобгар Н.Зарипов ва унинг оила аъзоларини хизмат турар жойидан бошқа уй-жой бермасдан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 29 августдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2016 йил 1 ноябрдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 28 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, иш бўйича даъвогарнинг даъвосини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, низоли ҳисобланган Термиз шахри, “Қоравул-бозор” шоҳ кўчаси, 13-ж уй, 30-хонадондан Мудофаа вазирлигининг Термиз уй-жойдан фойдаланиш қисми фойдаланиб келган.

Мазкур хонадон ҳарбий хизматчи бўлган Н.Расуловга 1998 йил 25 декабрда хизмат хонадони сифатида оила аъзолари билан яшаши учун ажратилган. Н.Расулов хизматга лаёқатсизлиги сабабли 2003 йил 2 апрелда захирага бўшатишган.

Термиз шаҳар ҳокимининг 2006 йил 30 июндаги 218-сонли қарори билан низоли хонадон Х.Расулованинг номига хусусийлаштирилган ва 2006 йил 3 июлда унинг номига 4531-сонли уй-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси берилган. 2006 йил 14 сентябрда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан низоли уй-жой Н.Зариповга сотилган ва шу вақтдан эътиборан жавобгар Н.Зарипов қайд қилинган турар жойда оила аъзолари билан биргаликда яшаб келган.

Мудофаа вазирлиги Термиз ҳарбий гарнизони бошлиғининг 2013 йил 6 сентябрдаги 47-сонли буйруғига асосан низоли турар жой 28803-сонли ҳарбий қисмга бириктирилган.

Даъвогар судга 2014 йил 19 ноябрда мурожаат қилганлиги сабабли жавобгар Н.Зарипов ва Ш.Касимовалар томонидан ишни



судда кўриш жараёнида даъво муддатини қўллаб, даъвони рад қилиш ҳақида ариза билан муурожаат қилишган.

Судлар даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришда хизмат турар жойи қонунга зид равишда бегоналаштирилганлигига, жавобгарларнинг Мудофаа вазирлигига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳолда хонадонда фарзандлари билан яшаб келаётганлигига асосланган.

Уй-жой кодексининг 46-моддасига кўра ҳужжатни (ордерни) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб ҳужжат (ордер) берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида қўзғатилиши мумкин.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрда қабул қилинган "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги 17-сонли қарорининг 5-бандига асосан башарти қонун ёки мажбуриятларнинг айрим турларини тартибга солувчи ФК нормаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар бўйича умумий даъво муддати – уч йил.

Фуқаролик кодексининг 153-моддасига асосан бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланади. Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Бироқ биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъво талабига нисбатан даъво муддати қўлланилишини эътибордан четда қолдириб, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

## **12.12. Ходим хизмат турар жойи берган ташкилотларда камида ўн йил ишлаган (хизмат қилган) бўлса, уни бошқа турар жой бермасдан кўчиришга йўл қўйилмайди.**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Хоразм уй-жойдан фойдаланиш қисми жавобгар Хуршида Аминовага нисбатан судга



даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарни оила аъзолари билан бирга хизмат турар жойи ҳисобланган Урганч шаҳар, Бобур кўчаси, 22-уй, 10-хонадонга нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиб, бошқа турар жой бермасдан, мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 23 февралдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгартирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 4 июлдаги ажрими билан қўйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, жавобгар Х.Аминова 2001 йил 17 сентябрдан 2003 йил 22 апрелгача 449-сонли ҳарбий қисмда ҳамшира вазифасига ишга қабул қилинган ва турли хил вазифаларда ишлаб келган.

Унинг мудофаа тизимида ишлаган даври 10 йил 11 ойни ташкил қилган.

Низоли Урганч шаҳар, Бобур кўчаси, 22-уй, 10-хонадон 2009 йил 30 апрелдаги 6-сонли ордерга асосан Х.Аминовага хизмат турар жойи сифатида ажратилган.

Х.Аминова билан тузилган меҳнат шартномаси 2012 йил 17 сентябрда бекор қилинган.

Уй-жой кодексининг 79-моддасига кўра корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узган ходимлар, шунингдек, сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб турган шахслар, ҳарбий хизматчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда улар билан бирга яшаётган барча шахслар билан биргаликда бошқа турар жой бермасдан хизмат турар жойидан кўчириладилар.

Агар хизмат турар жойи ижара шартномаси муддати тугагач, ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар шу турар жойни бўшатиб беришдан бош тортсалар, улар бошқа турар жой бермасдан суд тартибида кўчириладилар, ушбу Кодекснинг 80-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.



Мазкур Кодекснинг 80-моддасига кўра хизмат турар жойи берган ташкилотларда камида ўн йил ишлаган (хизмат қилган) шахслар бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойларидан кўчириладилар.

Жавобгар Х.Аминова хизмат турар жойи берган ташкилотда 10 йилдан ортиқ ишлаган бўлсада, суд асоссиз равишда даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириб, жавобгарни бошқа турар жой бермаган ҳолда хизмат турар жойидан кўчириш ҳақида хулосага келган.

Меҳнат кодекси 234-моддасининг 5-қисмига кўра бола парваришlash таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллار меҳнат стажига, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан уч йил, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Суд жавобгар Х.Аминова 2009 йил 14 ноябрдан 2011 йил 12 сентябргача бола парваришlash таътилида бўлганлигини, архив маълумотномаси билан унинг меҳнат стажи календарь ҳисобида 9 йил 9 ой 25 кун эканлиги ўз исботини топганлигини кўрсатган бўлсада, юқорида қайд қилинган қонун талабига асосан аёлнинг бола парваришlash таътилида бўлган даври унинг меҳнат стажига қўшилишини эътибордан четда қолдирган.





13-Б О Б

**ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ  
ВА ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА  
БЎЛГАН ФАКТЛАРНИ БЕЛГИЛАШ  
БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА  
СУД АМАЛИЁТИ**



**13.1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади. Аммо Ўзбекистон Республикасининг қонуни у амалга киритилишига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонуни содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини жорий этишни ёхуд кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар етказса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.**

---

Гулсара Қурбанбаева даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб унда жавобгар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Гурлан туман бўлимининг 2013 йил 1 июндаги 78-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 25 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 7 февралдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 9 октябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори кучида қолдирилган.

Аниқланишича, 2005 йил 19 июлда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Гурлан туман бўлими томонидан даъвогарга ёшга доир пенсия тайинланганлиги сабабли у 2013 йил июнь ойига қадар пенсия олиб келган.



“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни 65-моддасининг 6-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг қарорига биноан – пенсионерга унинг томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда пенсиялардан чегирмалар қилиниши мумкин.

Қонунга мазкур ўзгартириш 2010 йил 9 сентябрда киритилган.

2012 йилда даъвогарнинг пенсия иши мутахассислар томонидан қайта текширилганда пенсия тайинлаш учун тақдим қилинган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлардаги йиллик қўшимча иш ҳақи 12 ойга тақсимланиб, нотўғри ҳисобланганлиги натижасида ариза-чига 7 137 538 сўм ортиқча маблағ тўланганлиги аниқланган.

Шу сабабли бўлимнинг 2013 йил 1 июндаги 78-сонли қарорида 2013 йил июнь ойдан бошлаб Г.Қурбанбаеванинг пенсиясидан ҳар ойда 30 фоиздан ушлаб қолиш белгиланган.

Бироқ кассация инстанцияси суди пенсия жамғармаси бўлими ходимларининг хатти-ҳаракатларини баҳолашда Г.Қурбанбаева пенсияга 2005 йилда чиққанлигига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмаслигига ва улар амалга киргандан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилишига ҳамда Г.Қурбанбаевага пенсия Давлат архиви томонидан берилган маълумотномага асосан тайинланганлигига, ариза-чи томонидан пенсияга чиқиш пайтида қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этмаганлигига эътибор қаратмаган.



**13.2. Пенсиялар ва фуқарога турмуш кечириш воситаси сифатида берилган бошқа пул маблағлари, унинг томонидан виждонсизлик қилинмаганда ва ҳисоб-китобда хатолар бўлмаганда, асоссиз орттирилган бойлик сифатида қайтариб берилмайди. Пенсияларни қайта ҳисоблаш пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишигача бўлган иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда амалга оширилади.**

Нарзиқул Эшчанов мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда 2008 йилда ёшга доир пенсияга чиқиб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Боғот туман бўлимидан 530 000 сўм миқдоридан пенсия олиб келганлигини, лекин ушбу бўлимнинг 2016 йил 24 мартдаги қарорига асосан “Шухрат” кичик корхонасида ишлаган давридаги иш ҳақи ва иш стажи тасдиқланмаганлиги асоси билан Н.Эшчановга 17342 096 сўм ортиқча пенсия тўланган деб ҳисобланиб, унинг пенсиясидан зарар қоплангунга қадар ҳар ойда 50 фоиздан ушлаб қолиш белгиланганлигини билдириб, суддан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Боғот туман бўлимининг 2016 йил 24 мартдаги қарорини ғайриқонуний деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 10 февралдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 7 апрелдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 11 декабрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра мазкур иш юзасидан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, 2008 йилда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Боғот туман бўлими томонидан Нарзиқул Эшчановга



ёшга доир пенсия тайинланган ва унга 2016 йил 24 мартга қадар пенсия тўланиб келинган.

Кейинчалик унинг пенсия иши мутахассислар томонидан қайта текширилганда, пенсия тайинлаш учун тақдим қилинган “Шухрат” хусусий корхонасида 2001 йил 13 июлдан 2006 йил 1 мартга қадар ишлаган давридаги иш ҳақи ва иш стажи тўғрисидаги маълумотлар тасдиқланмаганлиги сабабли унга 17 342 096 сўм ортиқча маблағ тўланганлиги аниқланган.

2016 йил 24 мартда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Боғот туман бўлими фуқароларга пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловни тайинлаш комиссиясининг қарори билан Н.Эшчановнинг пенсиясидан ҳар ойда 50 фоиздан ушлаб қолиш белгиланган.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 49-моддасига асосан пенсияларни қайта ҳисоблаш пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишигача бўлган иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда амалга оширилади.

Судлар шикоят аризани рад этишда аризачининг айрим йиллардаги иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслигига, шу сабабли қайта ҳисоб-китоб амалга оширилганлигига ва комиссия қарори асосли равишда қабул қилинганлигига асосланган.

Судлов ҳайъатига тақдим этилган Боғот туман ДСининг 2017 йил 29 мартдаги 656-сонли маълумотномасида “Шухрат” шахсий кичик корхонаси 2008 йилда йиллик ва 2011 йил май ва июнь ойлари учун ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалидан ҳисобот топширганлиги, бугунги кунда фаолият кўрсатмасдан келаётганлиги кўрсатилган.

Бироқ судлар аризачи томонидан пенсияга чиқиш учун қасддан нотўғри ҳужжатлар тақдим қилинмаганлигига ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланмаганлигига эътибор қаратмаган.



### **13.3. Аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиши мумкин бўлмаган ёки йўқотилган ҳужжатларни тиклашнинг имкони бўлмаган тақдирдагина, суд бу фактларни аниқлайди.**

Илхом Турабов судга ариза билан мурожаат қилиб, 2002 йил 23 сентябрда Гулмира Қурбанова билан шаърий никоҳ асосида турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан 2003 йил 19 июлда туғилган Равшанбек, 2005 йил 5 августда туғилган Жуманазар исми фарзандлари борлигини, фарзандлари Бекобод туман марказий касалхонаси туғуруқ бўлимида туғилганлигини, турмуш ўртоғи Тожикистон Республикаси фуқароси бўлганлиги ҳамда никоҳлари қонуний расмийлаштирилмаганлиги сабабли фарзандларига туғилиш гувоҳнома олмасдан, уларни туғруқхонадан олиб чиққанлигини, ҳозирги кунгача фарзандларига туғилиш гувоҳномалари олинмаганлигини, туман ФХДЁ бўлимига фарзандларига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома бериш ҳақидаги мурожаати рад қилинганлигини билдириб, туғилганлик фактини белгилашни ва Бекобод туман ФХДЁ бўлими зиммасига фарзандларини туғилганлигини қайд қилиш ва уларга туғилганлик ҳақида гувоҳнома бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 19 октябрдаги ҳал қилув қарори билан ариза рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 10 мартдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 7 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва кассация инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра 2003 йил 19 июлда туғилган Маматов Равшанбек Илхом ўғлининг ҳамда 2005 йил 5 августда туғилган Маматов Жуманазар Илхом ўғлининг Тошкент вилояти, Бекобод туманида (1979 йил



30 декабрда Хўжанд вилоятида туғилган, миллати тожик, Тожикистон Республикаси фуқароси Қурбанова Гулмира Аноровнадан) туғилганлик факти белгиланган.

Мазкур юридик факт асосида Бекобод туман ФХДЁ бўлими зиммасига 2003 йил 19 июлда туғилган Маматов Равшанбек Илхом ўғлини ҳамда 2005 йил 5 августда туғилган Маматов Жуманазар Илхом ўғлини туғилганлигини қайд қилиш ва уларга туғилиш гувоҳномасини бериш мажбурияти юклатилган.

Аниқланишича, Илхом Турабов 2002 йил 23 сентябрда Гулмира Қурбанова билан шаърий никоҳ асосида турмуш қуришган.

Биргаликдаги турмушларидан 2003 йил 19 июлда туғилган Равшанбек ва 2005 йил 5 августда туғилган Жуманазар исмли фарзандлари бор.

Гулмира Турсунова Тожикистон Республикаси фуқароси бўлганлиги ҳамда никоҳлари қонуний расмийлаштирилмаганлиги сабабли аризачи фарзандларига туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани олмасдан уларни туғуруқхонадан олиб чиққан.

Аризачининг фарзандларига гувоҳнома бериш ҳақидаги мурожаати Бекобод туман ФХДЁ бўлими томонидан 2016 йил 13 апрелда рад қилинган.

Бироқ аризачининг фарзандлари туғилганидан буён Бекобод туман 11-сонли ҚВПда рўйхатда туриб, 11-сонли мактабда доимий равишда ўқиб келишган.

“Бобур Мирзо” МФЙнинг 2016 йил 18 апрелдаги далолатномасида Илхом Турабов оила аъзолари билан маҳаллада доимий яшашини, фарзандлари бўлган Равшанбек 2003 йил 19 июлда, Жуманазар 2005 йил 5 августда туғилганлиги, турмуш ўртоғи Тожикистон Республикаси фуқароси бўлганлиги сабабли фарзандларига туғилиш гувоҳнома олинмаганлиги, шунингдек, Тожикистон Республикаси тегишли органлари ҳам аризачининг фарзандлари Тожикистон Республикасида туғилмаганлиги ҳамда уларга туғилиш гувоҳномаси берилмаганлиги, бундан ташқари Бекобод туман тиббиёт бирлашмасининг 2016 йил 22 февралдаги 13/43-сонли хатига кўра тиббиёт бирлашмаси архивини 2006 йилда сув босганлиги сабабли туғуруқларни қайд қилиш китоби ва бошқа ҳужжатлар сақланмай





қолингалиги сабабли 2003 йил 19 июлда туғилган Равшанбек ва 2005 йил 5 августда туғилган Жуманазарларнинг туғилганлиги тўғрисида маълумотнома бериш имконияти мавжуд эмаслиги кўрсатилган.

Г.Қурбанова 2017 йил 20 январда вафот қилган.

ФПКнинг 283-моддасига кўра фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий, мулкӣ ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки тугашига сабаб бўладиган фактларни суд аниқлайди.

Аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиши мумкин бўлмаган ёки йўқотилган ҳужжатларни тиклашнинг имкони бўлмаган тақдирдагина суд бу фактларни аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 5-сонли қарорининг 12-бандига кўра, агар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органида архив ҳужжатлари йўқолган, тегишли ёзувлар сақланмаган ва бундай ёзувларни тиклаш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органлари томонидан рад қилинган бўлса ёки бундай ёзув фақат суднинг фуқаролик ҳолатини рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳал қилув қарори (масалан, вафот этганларга нисбатан) асосида тикланиши мумкин бўлган ҳолатларда судлар туғилганлик, болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва ўлимни рўйхатга олиш фактини белгилашга ҳақли.

Бироқ биринчи инстанцияси суди аризачининг турмуш ўртоғи Тожикистон Республикаси фуқароси бўлганлигини, никоҳлари қонуний расмийлаштирилмаганлигини, тиббиёт бирлашмаси архивини сув босганлиги сабабли туғуруқларни қайд этиш китоби сақланмай қолганлигини, ФХДЁ бўлимлари туғилиш ҳақидаги маълумотнома бўлмаса туғилиш гувоҳномаси бериш имконияти йўқлигини эътиборга олмаган.



### **13.4. Фарзандликка олиш ўз вақтида расмийлаштирилмаган бўлса, гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосан суд томонидан фарзандликка олинганлик факти белгиланиши мумкин эмас.**

Мафтуна Сабирова юридик аҳамиятга эга бўлган фактни белгилаш ҳақидаги аризаси билан судга мурожаат қилиб, ота-онаси уни уч ёшлигидан, яъни 1950–1955 йилларда унинг холаси Тўпа Аминовага фарзандликка берганлигини, чунки холасининг фарзанди бўлмаганлигини, ота-онаси ва холасининг тушунчалари бўлмаганлиги сабабли тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмаганлигини, у холаси билан доимий яшаб келганлигини ва холаси уни тарбиялаб вояга етказиб, турмушга берганлигини, турмушга чиққанидан сўнг ҳам холасини олиб кетиб, бирга яшаганлигини, 1993 йил 12 сентябрда холаси вафот этганлигини, унинг вафотидан сўнг меросни қабул қилиш учун мазкур ариза билан судга мурожаат қилганлигини билдириб, 1993 йилда вафот этган Т.Аминова томонидан ўзини фарзандликка олинганлик фактини белгилашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 13 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Унга кўра Мафтуна Сабирова Ўзбекистон туманида 1903 йилда туғилган, Ўзбекистон тумани, Бешкапа қишлоғида яшаб, 1993 йил 12 сентябрда вафот этган марҳума Тўпа Аминова томонидан фарзандликка олинганлик факти белгиланган.

Мазкур ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 17 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик иши кўрмасдан қолдирилган.

Аниқланишича, Т.Аминова 1993 йил 12 сентябрда вафот этган, унинг жияни М.Сабирова уч ёшлигидан унинг қарамоғида тарбияланиб, турмушга чиққунга қадар у билан бирга яшаб келганлиги ҳақида гувоҳлар О.Фозилов ва М.Эрматовалар томонидан тасдиқланганлигига асосланиб, биринчи инстанция суди аризани қаноатлантиришни лозим топган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-4-бандларига кўра амалдаги қонунларда белгилашнинг бошқача (судсиз) тартиби назарда тутилган фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар суд тартибида кўрилиши мумкин эмас.

Аризачи М.Султонованинг Т.Аминова томонидан фарзандликка олинганлиги бирон-бир ҳужжат билан расмийлаштирилмаган, 2018 йил 1 апрелга қадар амалда бўлган ФПК 283-моддасининг 3-қисмига кўра аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиши мумкин бўлмаган ёки йўқотилган ҳужжатларни тиклашнинг имкони бўлмаган тақдирдагина суд бу фактни аниқлайди.

Шу сабабли судлов ҳайъати фарзандликка олиш ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги сабабли тегишли фактини гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосан белгилаш қонунга мувофиқ келмаслигини ҳамда низоли уй-жой бўйича низо борлигини эътиборга олиб, фуқаролик ишини кўрмасдан қолдирган.

### **13.5. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишни муҳокама қилиш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдиради.**

Ғофур Эшметов юридик аҳамиятга эга бўлган фактни белгилаш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилиб, унда Урганч туман собиқ А.Навоий жамоа хўжалиги вакиллари умумий йиғилишининг 1999 йил 22 февралдаги 1-сонли қарорига илова сифатида тасдиқланган рўйхатнинг 151-тартиб рақамидаги “Қосимов Ғофур” деб ёзилган фамилия ва исми ўзига тегишли эканлиги фактини белгилашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 16 январдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 4 июлдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд



қарорлари бекор қилиниб, ариза кўрмасдан қолдирилган.

Аниқланишича, Урганч туман собиқ А.Навоий жамоа хўжалиги вакиллари умумий йиғилишининг 1999 йил 22 февралдаги 1-сонли қарори билан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратилган бўлиб, мазкур қарорга илова сифатида ушбу фуқарорларнинг рўйхати (уларга ажратилаётган ер майдони кўрсатилган ҳолда) келтирилган. Ушбу рўйхатнинг 151-тартиб рақамида Қосимов Ғофурга 0,12 га ер майдони ажратилиши белгиланган.

Аризачи Ғофур Эшметов аризасида ушбу қарорда жамоа хўжалиги ходимларининг эътиборсизлиги натижасида унинг фамилияси отасининг фамилияси бўйича “Қосимов Ғофур” деб хато ёзилганлигини, аслида “Эшметов Ғофур” деб ёзилиши кераклигини, шу сабабли қарорнинг иловасидаги ушбу фамилия ва исм унга тегишли эканлиги фактини белгилашни сўраган.

ФПК 284-моддасининг 2-қисмига кўра юридик аҳамиятга эга бўлган фактни белгилаш ҳақидаги аризада муайян фактни аниқлаш аризачига қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши керак.

Аризачи Ғофур Эшметов аризасида юридик фактни аниқлаш унга уй-жойга эгалик ҳуқуқини белгилаш учун кераклигини маълум қилган бўлсада, суд аризачи томонидан эгалик ҳуқуқини белгилаш назарда тутилган уй-жой кимга тегишли эканлигини аниқламаган, шунингдек уй-жойга тегишли ҳужжатларни талаб қилиб олмаган.

Чунки аризачи Ғофур Эшметов маълум қилган уй-жой 2013 йил 26 июндаги ҳадя шартномасига асосан Ўткир Эшметовга тегишли бўлиб, суд мажлисида иштирок этган тарафлар мазкур уй-жой юзасидан тегишли ҳужжатларни тақдим этиб, ўрталарида 2013 йилдан бошлаб уй-жой юзасидан низо мавжудлигини билдиришган.

ФПКнинг 282-моддасига кўра, агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этишни таклиф қилади.

Шу боис Ҳайъат қайд этилган қонун талаблари ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, аризани кўрмасдан қолдиришни ва аризачига умумий тартибда даъво ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топган.

# ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Амалий қўлланма

Муҳаррир:  
Д. Сагатова

Дизайнер:  
Э. Муратов

Нашриёт лицензияси АИ № 263, 31.12.2014.  
Босишга рухсат этилди 09.11.2018 й. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
«Segoe UI» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Босма табағи 14,3. Нашр табағи 13,2.  
Адади \_\_\_\_\_. Буюртма № РО/\_\_\_\_/\_\_\_

ISBN: 978-9943-5095-9-7

